

Ҳ.Ў. РАҲМАТОВ

**БАНК АКТИВЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА
ЕЧИМЛАР**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Ҳ.Ў. РАҲМАТОВ

**БАНК АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ
ВА ЕЧИМЛАР**

Монография

**ТОШКЕНТ
"ИQTISOD-MOLLYA"
2020**

УЎК: 336.717.061.1

КБК: 65.262.1

Иқтисод фанлари доктори, профессор
А.А. Хашимов таҳрири остида

Тақризчилар: *и.ф.д., проф. Б.А. Хасанов;*
и.ф.д., доц. Ш.И. Мустафақулов;
и.ф.д. Д.А. Рахмонов

Р 33 Банк активлари самарадорлигини ошириш масалалари: замонавий ёндашув ва ечимлар: Монография / Ҳ.Ў. Раҳматов; – Т.: “Iqtisod-Moliya”, – 292 б.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва модернизациялаш шароитида тижорат банклари фаолиятини халқаро банк фаолияти стандартларига трансформация қилиш орқали ўзларининг ривожланиш стратегиясини ўзгартиришга фаол киришмоқда. Бундай шароитда тижорат банкларидан ресурс базасини юқори даромадли актив амалиётларга жойлаштиришни назарда тутадиган янгича ёндашувларни амалга ошириш талаб этилади.

Ушбу монография тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ўз ичига олган. Унда банк активларининг самарадорлигини ошириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар, анъанавий ва илғор усуллари тизимлаштирилиб, муаллифлик ёндашувлари таклиф этилган, банк активлари самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш асосида тижорат банклари тизимидаги инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматларидан фойдаланишнинг замонавий усуллари келтирилган. Тижорат банклари активлари сифатини интенсив оширишнинг амалий ва услубий муаммолари тадқиқ этилиб, такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилган, тижорат банклари активларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили натижасида банк капиталлашуви даражасини ошириш асосида банк кредитларининг ўртача фоизини оптималлаштириш таклифлари ва прогнозлари ишлаб чиқилган.

Монография тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш масалалари билан қизиқувчи иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, докторантлари, магистратура талабалари ва банк мутахассислари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 336.717.061.1

КБК: 65.262.1

Монография Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг
2019 йил 30 сентябрдаги Кенгаш қарорига асосан чоп этишга
тавсия этилган.

ISBN 978-9943-13-889-6

© Ҳ.Ў. Раҳматов, 2020

© “IQTISOD-MOLIYA”, 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I БОБ. БАНК АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Банк фаолиятида активларнинг шаклланиш эволюцияси ва илмий-назарий ёндашувлар.....	9
1.2. Соғлом банк активлари портфелини шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари таҳлили.....	22
1.3. Банк активлари самарадорлигини оширишнинг анъанавий ва замонавий усуллари.....	38
II БОБ. БАНК АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	46
2.1. Банк активлари самарадорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	46
2.2. Ривожланган мамлакатларнинг тижорат банклари тизимидаги инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматлари.....	61
2.3. Кучли ва барқарор банк муҳитини яратишнинг АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия тажрибаси ва йўналишлари.....	70
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КўРСАТКИЧЛАРИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	96
3.1. Тижорат банклари активлари самарадорлик кўрсаткичлари аа унга таъсир қилувчи омиллар.....	96
3.2. Тижорат банклари активлари самарадорлик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати.....	115

3.3. Тижорат банклари активлари самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили.....	135
---	-----

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	153
4.1. Банк активлари ҳажмини интенсив оширишнинг амалий ва услубий муаммолари тадқиқи.....	153
4.2. Тижорат банклари активларини макро ва микро тақсимоти инструментларини қўллашнинг асосий жиҳатлари.....	160
4.3. Тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммоларини ҳал этиш йўллари.....	172
4.4. Тижорат банклари активларини ҳимоялашда “риск-аппетити”ни аниқлаш услубиёти.....	191
4.5. Тижорат банкларида кредит конвейери усулида кредитлаш механизмни жорий этиш орқали активлар ҳажмини ошириш.....	204

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	224
5.1. Банк активлари портфелини шакллантиришнинг хорижий амалиётини миллий банкларда татбиқ этиш механизмлари.....	224
5.2. Тижорат банклари кредитлаш амалиётида эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизимини қўллаш самарадорлиги.....	236
5.3. Миллий иқтисодиётда соғлом банк активлари портфелини шакллантириш концепциясини такомиллаштириш йўналишлари.....	253

5.4. Тижорат банкларида активлар самарадорлигини рискка асосланган назоратини ривожлантириш истиқболлари.....	259
ХУЛОСА.....	269
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	273
ИЛОВЛАР.....	287

“Банклар акциядорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан банк активлари тузилмаси ва кредит портфели ҳолатини яхшилаш, шунингдек, хорижий валютада берилган, ишламаётган кредитлар улушини камайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришлари зарур”.

Ш.М. МИРЗИЁЕВ

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлида ва молиявий хизматлар бозорида асосий таянч бўлган тижорат банкларининг иштироки йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида банклар фаолиятида давлат иштироки босқичма-босқич қисқартирилмоқда. Хусусан, давлат дастурлари доирасидаги кредитлар фоизи қайта молиялаш ставкаси билан тенглаштирилди ва 2021 йилдан тўлиқ эркинлаштирилиши белгиланди. Бу банкларни кўпроқ мижоз топиш, ресурс жалб қилиш, кредит ажратиш бўйича изланишга, ривожланишга ундайди”.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизими, шу жумладан, тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш ва банк хизмат турларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантиришда молиявий хизматлар бозорининг

фаол иштирокчиси ҳисобланган тижорат банкларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Дарҳақиқат, бугунги кунда барча турдаги тижорат банклари иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, ўзининг кредит маблағларини тақдим этиб, аҳолини истеъмол кредитлари билан таъминлашдаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Шу боис иқтисодиётнинг реал тармоқларини молиялаштиришда банк муассасаларининг иштирокини янада ошириш, айниқса, тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш соҳа олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятига инновациялар жорий этилиши бевосита банк бошқаруви ходимларининг тадбиркорлик ва ташаббускорлик фаолиятининг маҳсули сифатида юзага келади, бу эса, рақобатбардошликка эришишдаги асосий элементлардан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, банкларнинг молия хизматлари бозорида барқарор фаолият юритишда янги инновацияларнинг жорий этилиши банклар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Банк фаолияти самарадорлигини баҳолаш соҳасида олимлар ва амалиётчилар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг етарли бўлишига қарамасдан, ушбу соҳадаги **кўплаб масалалар мунозарали бўлиб қолмоқда**. Банк фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона стандартлар, умумий қабул қилинган ва келишилган методология мавжуд эмаслиги, ушбу муаммоларни етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Ушбу жиҳатлар монография мавзусининг айна пайтда долзарблиги, зарурияти, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари доирасини белгилаб беради.

Монографик тадқиқотда банк активлари самарадорлигини оширишга доир қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш мақсад қилиб қўйилган:

- тижорат банклари активларини ҳимоялашда риск-аппетитини аниқлаш услубини қўллаш бўйича таклифлар бериш;

- тижорат банкларида кредит конвейери усулини қўллаш ёрдамида кредитлаш механизмини жорий этиш воситасида активлар ҳажмини ошириш таклифини илмий асослаш;

- тижорат банклари кредитлаш амалиётида эрта огоҳлантиришнинг эҳтимолий индикаторлари тизимини кенг қўллаш орқали соғлом активлар портфелини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- соғлом банк активлари портфелини шакллантириш концепциясини амалга ошириш банк фаолиятини турли хил рисклардан суғурталаш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш масаласи банк фаолиятининг йирик соҳаси ҳисобланиши ва банкнинг бошқа йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, монографияда эътибордан четда қолган жиҳатлар бўлиши табиийдир. Шу сабабли, муаллиф китобхонларнинг бу борадаги холисона билдирган истак, таклиф ва мулоҳазаларини бажонидил қабул қилади ва бунинг учун аввалдан миннатдорлик билдиради.

I БОБ. БАНК АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банк фаолиятида активларнинг шаклланиш эволюцияси ва илмий-назарий ёндашувлар

Жаҳон банк амалиёти шаклланиши нуқтаи назаридан узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Банк актив амалиётларининг шаклланиши ҳам бевосита банк тизимининг ривожланиш жараёнига боғлиқ. Банк иши тарихига оид адабиётларни тадқиқ этиш асосида банк тизимининг ривожланиш эволюциясини бешта босқичга ажратишимиз мумкин.

Биринчи босқич – антик даврдан 1156 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади ва натурал банклар тизимини шаклланишини ифода этади.

Иккинчи босқич – 1156 йилдан XVII асрнинг ярмигача бўлган даврни қамраб олиб, жиробанклар тизимининг фаолият кўрсатиши билан намоён бўлди. Кичик жиробанклар 1605 йилда Амстердамда, 1618 йилда Гамбург, Милан, Нюрнберг ва Генуя шаҳарларида вужудга келган. Бу банклар, асосан, ўз мижозлари ҳисобланган савдогарларга хизмат қилган, яъни жиробанклар ўзларининг бўш пул маблағларини давлатга ва чет эл савдогарларига ссуда тарзида беришган.

Учинчи босқич – XVII асрнинг ярмидан XIX асрнинг ярмигача бўлган даврни қамраб олиб, классик банклар тизимининг шаклланишига олиб келди.

Тўртинчи босқич – XIX асрнинг ярмидан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу пайтда икки поғонали банклар тизими шаклланди.

Бешинчи босқич эса, XX асрнинг биринчи ярмидан ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олиб, замонавий универсал банклар тизимини намоён қилмоқда.

Банкларнинг дастлабки шаклланиш механизми “саррофлик иши”, пулларни ўзаро алмаштиришдан бошланди. Бунга сабаб, ўша даврларда муомалада бўлган тангаларнинг турли шакл ва қийматга эгаллиги мазкур тангаларни қиймати бўйича тенглаштириш, алмаштириш борасида маслаҳатлар бера оладиган мутахассислар хизматидан фойдаланиш заруриятини юзага келтирди.

Пулларни қабул қилиш ва алмаштириш билан боғлиқ бу каби амалиётларнинг пайдо бўлиши активларнинг алоҳида йўналиши ҳисобланган касса амалиётлари шаклланишининг илк белгиларидан бири бўлди.

Ўз навбатида, саррофлик идоралари ушбу тўпланган пул маблағларини бошқа шахсларга қарзга бериш ва олиш амалиётларини ҳам бошлашди.

Аста-секин турли хилдаги ссудаларни бериш ва пул маблағларини жалб қилиш ҳисобидан саррофлик иши кенгайиб, кредитлар берувчи, омонатларни қабул қилувчи ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширувчи банклар пайдо бўла бошлади¹.

Молиявий муносабатларнинг бу тартибда ривожланиши ҳозирги банкларнинг актив амалиётларининг шаклланишига асос солди.

Умуман олганда, молиявий муносабатларнинг дастлабки иштирокчилари йирик миқдордаги пул маблағларини тўплаш ва уларнинг ҳаракатсиз туриши самарасиз эканлигини тушуниб етган ҳолда, маблағларни бошқаларга маълум фоиз эвазига қарзга бериш орқали юқори фойда олишга ҳаракат қилишди.

Шу орқали тижорат банкларининг актив амалиётларнинг асосий унсури ҳисобланган кредит муносабатларига фаол киришиши рўй берди. Кредит муносабатларини такомиллашиши пул маблағларидан самарали фойдаланиш мумкинлигини исботлаб берди.

¹ Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2006. (16-бет).

Ўз навбатида, кредит муносабатларининг бу каби ривожланиш жараёни ҳам иккита йирик: натуралистик ва капитал яратувчилик назарияларини юзага келиши билан боғлиқ бўлди.

Натуралистик назариянинг асосчилари инглиз иқтисодчилари А.Смит ва Д.Рикардолар ҳисобланади. Шунингдек, француз иқтисодчилари Ж.Сей, Ф.Бастия ва америкалик иқтисодчи Д.Мак-Куллоҳлар мазкур назарияни ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишди. Натуралистик назария тарафдорлари иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини йиғиш орқали қайта тақсимланадиган ссуда жамғармаларини ташкил этиш ва уларни натура кўринишида қайта тақсимлаш ғоясини илгари суришади.

Ушбу назариянинг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат:

- кредит объектини моддий бойликлар ташкил этади;
- кредит жамиятда мавжуд бўлган моддий бойликларнинг қайта тақсимланиш усули ҳисобланади;
- ссуда капитални йиғиш ҳақиқий капитални йиғишнинг бир усулидир, ссуда капиталининг ҳаракати ишлаб чиқариш капиталининг ҳаракати билан мос келади.

Натуралистик назария тарафдорларининг асосий хатоси кредитнинг моҳиятини нотўғри талқин этганликлари сабабли, кредитни моддий бойликларни қайта тақсимланиши, деб ҳисоблаганликларидир. Ушбу назария ғояларининг ижобий жиҳатларидан бири кредит фоизи миқдорини ишлаб чиқаришдан олинадиган фойданинг тебранишига боғлиқлигини таъкидлашганидир.

Кредитнинг капитал яратувчилик назариясининг асосчиси инглиз иқтисодчиси Жон Ло ҳисобланади. У кредитлар такрор ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмасдан иқтисодиётда ҳал қилувчи ўринни эгаллайди, деган ғояни ўртага ташлайди. XX аср бошларида хорижлик иқтисодчилар И.Шумпетер, А.Ган, Ж.Кейнс, Р.Хоутри, М.Фридменлар ҳам капитал яратувчилик назарияси тарафдорлари сифатида тадқиқотлар олиб боришди.

М.Фридмен иқтисодийни бошқаришнинг асосий дастаги кредит эмас, балки пул массаси ва фоиз ставкаларининг ўзгаришидир. У тижорат банклари томонидан иқтисодийни кредитлаш ҳажмининг кескин оширилиши пуллар таклифини кўпайишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, банк иши тарихида активларни мақбул бошқариш, хусусан, ликвидли активларни тўғри жойлаштириш орқали самарадорликни ошириш борасида умумлашган назариялар ҳам мавжуд. Улар тижорат ссудалари, активларни жойдан-жойга кўчириш, кутила-диган даромадлар ҳамда пасивларни бошқариш назарияларидир.

Тижорат ссудалари назарияси XVIII асрда Англия банк амалиётида юзага келди. Бу назариянинг асосий мазмуни банк активлари қисқа муддатли кредитлашга жойлаштирилганида ликвидлик таъминланади. Бунда кредитларнинг қисқа муддатлилиги, айланиш тезлиги муҳим мезон ҳисобланади.

АҚШ банклари амалиётида 1930-йилларнинг охирига қадар кредитлаш тизими тижорат ссудалари назариясига асосланиб, ҳатто назариянинг муҳим тамойиллари қонунчилик билан мустаҳкамланган. Қисқа муддатли активларнинг қайтиш тезлиги банк ликвидлигини таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланган.

Тижорат ссудалари назариясига амал қилиш қаттиқ назоратга олинган бўлса-да, назария амалиётда ўзини оқламади. Чунки, назария талаблари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, уй-жой сотиб олишни молиялаштириш имкониятларини чеклар эди. Қисқа муддатли тижорат ссудаси иқтисодий ўсиш ҳолатида ликвидликни таъминлайди, инқироз даврида эса ликвидликни бошқаришда бир қатор муаммоларни юзага келтиради.

Активларни жойдан-жойга кўчириш назариясининг юзага келиши 1929–1930 йиллардаги биринчи иқтисо-

дий инқироздан сўнг Ж.Кейнс ишлаб чиққан иқтисодий механизм асосидаги тўлиқ давлат бошқарувиға асосланган иқтисодиётға ўтиш жараёни билан боғлиқ. Ж. Кейнснинг фикрича, иқтисодий мувозанатни давлат инвестицияларини киритиш орқалиғина таъминлаш мумкин. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг давлат кафолатиға эғалиғи, ундан олинадиган даромадларни ҳам кафолатлаганлиғи ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилиши уларни иккиламчи бозорда осон сотилиши ва тезда ликвид активға айланишини таъминлайди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, банклар томонидан активларни давлат қисқа муддатли облигациялариға кўчириш бўйича қизиқишларини кучайтирди.

Кутиладиган даромадлар назарияси 1950-йилларда Р.Лукас бошчилиғида "Рационал тахминлар назарияси"-нинг пайдо бўлишиға боғлиқ ҳолда шаклланди. Ушбу назариянинг асосий ғоялари қуйидағилардан иборат:

- мижозларға ажратилган кредит маблағлари қарздорлиғини қайтишини мижозларнинг келгусидаги даромадлариға мослиғини таъминлаш зарур;

- активлар портфелини диверсификациялашда ушбу хусусиятни ҳисобға олиш лозим;

- банкларнинг инвестиция сиёсати мижозларнинг пул оқимлари ўзғаришиға мос равишда юритилиши мақсадға мувофиқ, яъни барқарор тушум таъминланиши зарур, шу ҳолатда банклар мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имкониятиға эға бўлади.

Иқтисодчи олимларнинг фикриға кўшилган ҳолда, биз ҳам кутиладиган даромадлар назариясини мамлакатимиз банклари активлари самарадорлиғини ошириш жараёнида кенгроқ қўллаш мақсадға мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Мижозлар пул оқимларининг барқарорлиғи жойлаштирилган банк активларининг даромадли қайтувчанлиғини таъминловчи асосий мезон ҳисобланади.

Пассивларни бошқариш назарияси 1960–1970 йиллардан бошлаб банкларда ликвидликни бошқариш бе-

восита пассивларни бошқариш билан бирга ташкил этилиши билан шаклланди. Назариянинг шаклланишига иқтисодиётда банклар депозитлари бозорининг ривожланиши муҳим туртки берди.

Пассивларни бошқариш назариясининг асосий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- банклар ўз ликвидлигини депозит бозоридан маблағлар жалб этиш ва уларни самарали жойлаштириш орқали назорат қилади;

- банклар ликвидлик муаммосини ҳал этиш учун мажбуриятларини бошқаришга эътибор қарата бошлайди;

- мазкур назария банк хизматларини миқдор ва сифат жиҳатидан оптималлаштиради, натижада иқтисодиётда банкларнинг таъсир доираси ошади.

Фикримизча, пассивларни бошқариш назарияси замонавий банк амалиётида етарлича асосланган концепциялардан ҳисобланади ва ресурслар тақчиллиги шароитида банк молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим дастаги ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлишича, банк активлари самарадорлигини таъминлаш муаммолари доирасида республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари ҳам илмий изланишларида ўз қарашларини билдиришган. Хусусан, республикамизда банк активлари самарадорлигини ошириш борасида банкларда кредит тизими ва кредит сиёсатини ривожлантириш бўйича Н.Ғ.Каримов, О.К.Иминов, Ш.Абдуллаева, З.С.Умарова, К.А.Мухамеджанов, Д.А.Саидов, Д.Х.Пулатов, У.Ў.Азизов, Б.Т.Бердияров, Б.А.Абдуғаниев, У.А.Тухтабаев, И.Я.Қуллиев, Н.Э.Жиянова, М.Х.Элмурадов, Х.А.Тухсанов, Р.М.Юнусов, З.Х.Каримова, З.К.Сидикова, Қ.Ф.Тошматов, М.Ш.Хожибоев, Д.Ж.Суюнова, И.М.Сайпидинов, Н.Р.Қузиёвалар² банкнинг валюта активлари бўйича

² Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2008.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида

амалиётларни ривожлантириш бўйича Т.И.Бобакулов, Э.М.Максумов, А.Б.Рустамовалар³, банк қимматли

кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2001.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2000.; Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.; Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка. Дис. канд. экон.наук.-2010.; Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2008.; Пулатов Д.Х. Модернизация кредитной политики в условиях реформирования банковской системы в республике Узбекистан. Дис. канд. экон. наук.-2008.; Азизов У.Ў, Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2004.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2002., Абдуғаниев Б.А. Молиявий манбалар ва банк кредитларининг самарадорлиги муаммолари (Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида). Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2004.; Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2007.; Қуллиев И.Я. Кредит баҳосининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2010., Жиянова Н.Э. Тижорат банклари активлари ва пассивларини самарали бошқариш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2010.; Элмурадов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш масалалари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2001.; Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы её регулирования в условиях рыночной экономики (На примере Республики Узбекистан). Дис. канд. экон.наук.-2006., Юнусов Р.М. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2009.; Каримова З.Х. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалигида молия-кредит механизмини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2006.; Сидикова З.К. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2004.; Тошматов Қ.Ф. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2010.; Хожибоев М.Ш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.; Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и проблемы его совершенствования. Дис. канд. экон.наук. 2012.; Сайпидинов И.М. Основные пути совершенствования кредитования коммерческими банками субъектов малого бизнеса (на материалах Республики Кыргызстан). Дис. канд. экон.наук.-2010.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2008.

³ Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2008. ; Максумов Э.М. Тижорат банкларининг

қоғозлари билан боғлиқ амалиётларни ривожлантириш бўйича М.А.Абдуллаев, Э.И.Насиров, Ф.А.Юлдашев, С.П.Абдуллаевлар⁴, банк актив амалиётлари билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш бўйича О.Ф.Алиқориев, З.Мустафоев, Б.К.Мирзамайдинов, М.М.Абдурахмановалар⁵, банк активлари ликвидлигини таъминлаш бўйича Р.Р.Тожиев, О.Б.Саттаровлар⁶, банк активлари билан боғлиқ рискларни барқарорлаштириш бўйича А.А.Кифак, Э.А.Муминова., Н.Ф.Идиев, Ф.Н.Насриддинов, Н.Ф.Каримов, В.В.Пшеничниковлар⁷, банк валюта бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2012.; Рустамова А.Б. Совершенствование проведения валютных операций в коммерческих банках. Дис. канд. экон.наук. –Т.: 2011.;

⁴ Абдуллаев М.А. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2002.; Насиров Э.И. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2006.; Юлдашев Ф.А. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини фаоллаштириш масалалари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2005., Абдуллаев С.П. Современное состояние участия банков на рынке ценных бумаг Узбекистана и пути повышения его эффективности. Дис. канд. экон.наук. 2005.

⁵ Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.; Мустафоев З. Банк маркетинги-молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 1998.; Мирзамайдинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мисолида). Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2008.; Абдурахманова М.М. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.

⁶ Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси ("Агробанк" ОАТБ мисолида). Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.; Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2009.

⁷ Кифак А.А. Измерение риска в целях регулирования национальных банковских систем в условиях современных кризисных вызовов. Дис. канд. экон. наук.-2015.; Муминова Э.А. Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини бошқаришни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.; Идиев Н.Ф. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011., Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2012.; Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 1998.; Пшеничников В.В. Природа банковских рисков и пути их снижения. Дис. канд. экон. наук.-2000.

актив амалиётларини прогнозлашнинг эконометрик усулларини ривожлантириш бўйича У.А.Отажонов, Ю.Э.Джураевлар⁸, банк актив амалиётлари назоратини такомиллаштириш бўйича Н.Ф.Каримов, М.К.Эрматов, О.А.Йўлдошев, Х.Ф.Дадабаева, О.Ф.Абдусаламовалар⁹ илмий изланишлар олиб боришган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён йигирма етти йиллик давр мобайнида миллий банк тизими ҳам ўзига хос ривожланиш даврини босиб ўтди.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, иқтисодчи олимлар ҳамда етук амалиётчилар томонидан банк тизимининг мустақилликка эришилганидан кейинги ривожланиш тарихи турлича давларга ажратилади. Хусусан, олим Ш.Ташматов “Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши” номли докторлик ишида мазкур даврни: 1991–1994 йиллар (икки поғонали банк тизимини шаклланиши ва миллий валютанинг муомалага киритилиши), 1994–1996 йиллар (банк тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланиши, Марказий банк ва тижорат банкларининг вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгиланиши), 1997–1999 йиллар (банк тизимига хусусий капиталнинг кириши, тижорат банкларида корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши, банкларни назорат қилиш борасидаги ислохотларнинг

⁸ Отажонов У.А. Инвестицион портфелни иқтисодий-математик усуллар ёрдамида оптималлаштириш (Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мисолида). Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011., Джураев Ю.Э. Моделирование кредитно-платежной деятельности коммерческого банка (на примере Наманганского управления АК“Пахтабанка”). Дис. канд. экон.наук.-2009.;

⁹ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида аудитни ташкил қилиш ва уни услубиёти такомиллаштириш муаммолари. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2008.; Эрматов М.К. CAMEL рейтинг тизими ва банк аудитини такомиллаштириш муаммолари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2008.; Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиёти такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2011.; Дадабаева Х.Ф. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини назорат қилиш муаммолари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2005.; Абдусаламова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2002.

амалга оширилиши), 2000 йилдан сўнгги (банк тизимини янада ислоҳ қилиниши) каби босқичларга ажратади¹⁰.

Фикримизча, иқтисодчи олимлар банк тизимини ривожланиш босқичларини ажратишда ўз тадқиқотлари объекти доирасида ёндашган.

Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида чоп этилган “Ўзбекистон Республикаси банк тизими” номи рисолада эса республикамизда банк тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи ва иккинчи босқичлари 1991–2000 йиллар, учинчи ва тўртинчи босқичлар 2001–2010 йиллардаги чора-тадбирларни ўз ичига олиши қайд этилган¹¹.

Биз тадқиқотимиз мавзуси доирасида мустақиллик йилларида банк активлари самарадорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ислоҳотларни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчи босқич 1991–1993 йиллар оралиғини қамраб олиб, бу даврда республикамизда икки босқичли банк тизимини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотлар ўтказилди. Бунда 1991 йил 15 февралда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан икки босқичли банк тизимини амал қилишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни таъминловчи, банк назоратини амалга оширувчи таркибий бўлинмалар ташкил қилинди.

Иккинчи босқич эса, 1994–2000 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда банклараро тўловларни амалга оширишнинг янги дастурий тизими жорий этилди ва иш жараёнида барча ҳисоб-китобларни ўтказиш янги техно-

¹⁰ Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2006. (169-170-бетлар).

¹¹ Ф.М.Муллажонов. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Тўлдирилган иккинчи нашр. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-368 б. (4-6-бетлар).

логияларни қўллаган ҳолда тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга оширила бошланди.

Шу билан бирга, 1998 йилда Банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсиялари ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуи қабул қилинди. Мазкур қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда тижорат банкларида муаммоли активлар юзага келишини олдиндан аниқлаш ҳамда банк капитали ва ликвидлигининг ёмонлашувини кутмасдан огоҳлантириш чораларини кўриш муҳим мезон сифатида танланди.

Учинчи босқич 2000–2010 йилларни қамраб олади. Бу босқичда асосий вазифалар сифатида пул-кредит тизимини янада ислоҳ қилиш инфляциянинг паст даражасига эришиш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, ички манбалар ҳисобига узоқ муддатли ресурс базасини кўпайтириш ва иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида банкларнинг ролини кучайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлар амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, 2000 йилда банклар кредит портфелининг 50 фоиздан ортиқ қисми ташқи қарзлар эвазига шакллантирилган бўлса, 2009 йил якунида банклар кредит портфелининг 80 фоизидан зиёди ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

Шунингдек, 2004 йилда Марказий банк қошида фойдаланувчиларни потенциал қарздорлар тўғрисида ахборот билан таъминловчи Кредит ахборотлари миллий институти (КАМИ)ни ташкил этилиши молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва кредит операциялари бўйича таваккалчилик даражасини камайтириш учун пухта асос бўлиб хизмат қилди.

Ислоҳотларнинг тўртинчи босқичи 2010–2017 йилларни қамраб олиб, бу даврда банк активлари самарадорлигини оширишнинг халқаро тажрибасини банклар амалиётига кенг миқёсда татбиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли қарорига мувофиқ, банк тизими олдига етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман, банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан илгари силжиб боришини холисона баҳолаш имконини берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш, тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшила-нишини таъминлаш каби бир қатор вазифалар қўйилди. Бундан ташқари, қарорда 2011–2015 йиллар оралиғида иқтисодийнинг реал тармоқлари корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан таъминлаш борасидаги инвестициявий лойиҳалар ҳажмини 2,8 мартабага ошириш, 2011–2012 йиллар оралиғида эса тижорат банклари активлари сифати мониторингини тако-

миллаштириш, банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни жорий этиш, захиралар яратиш, кредит портфелини диверсификациялашни йўлга қўйишни назарда тутувчи пухта механизмни жорий этиш белгиланди¹².

Бешинчи босқич – 2017 йилдан бошланиб, банк тизимидаги туб янгиланишларни белгилаб берди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг қабул қилиниши асосий омил бўлди. Ушбу ҳужжатга илова қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида валютани тартибга солишнинг илғор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш каби бир қатор стратегик вазифалар белгиланди.

Хулоса қилганимизда, банк активларининг самарадорлигини ошириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюциясини тадқиқ этиш республикамизда банк ишини ривожлантиришнинг назарий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011–2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарори. –Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2010 йил, 48-сон.

1.2. Соғлом банк активлари портфелини шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари таҳлили

Бугунги кунда банк тизимининг миллий иқтисодиёт раўнақини белгиловчи асосий механизмга айланиб бораётганлиги замонавий банк маҳсулотлари қаторида актив амалиётларнинг сифат даражасини оширишни тақозо этмоқда. Бундай шароитда тижорат банклари молиявий ҳолатини яхшилашнинг асосий омиллари қаторида самарадор, соғлом банк активлари портфелини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон банк қонунчилигида “тижорат банклари активлари – кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари, бўлиб-бўлиб тулаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда ҳисобланган фоизлардан ташқари бошқа барча талабларни ўз ичига олади”, деб қайд этилади¹³. Активлар билан боғлиқ муносабатларнинг амал қилиши актив амалиётлар (операциялар)ни юзага келтиради.

Фикримизча, банк активлари самарадорлигини ошириб бориш фақатгина банк тизимининг эмас, балки бутун иқтисодиётни ривожлантириш доирасидаги масаладир. Тижорат банкларида активлар самарадорлигининг пасайиб кетиши қуйидагиларни юзага келтиради:

- вакиллик ҳисоб рақамларида ресурслар етишмовчилиги;

¹³ “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби туғрисида”ги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган.–Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 йил 20 июль, 28-сон.

- банкнинг молия бозорида тутган мавқеининг пасайиб кетиши;

- миждозларда банкка нисбатан ишончсизлик ва норозиликнинг кучайиши ва ҳ.к. Банкларда активларнинг қадрсизланиш даражасининг ортиб бориши иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш суръатлари пасайишига, бу эса, ўз навбатида, ишсизликнинг ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини кўрсатишича, банклар амалиётидаги иқтисодий тангликнинг салбий таъсирлари муайян давлат ёки ҳудуд билан чекланмасдан, балки бутун жаҳон иқтисодиётида оғир муаммоларни юзага келтирмоқда.

Тижорат банкларида актив амалиётлар самарадорлигини таъминлаш доимо долзарб аҳамият касб этиб келади. Бунга сабаб банк активлари самарадорлигини баҳолаш масаласи банк таъсир доирасидан ташқари ёндашувни ҳам талаб қилади. Ўз навбатида, банк активлари самарадорлигини таъминлашнинг комплекс табиати унинг услубий асосларини амал қилишида ифодаланади.

Тадқиқотларимиз натижасида банк актив амалиётлари самарадорлигини услубий асосларини қуйидаги муҳим йўналишларини белгиладик:

1. Банк актив амалиётлари самарадорлигини белгиловчи асосий мезонлар, талаблар ва кўрсаткичларни аниқлаштириб бериш;

2. Банк актив амалиётлари самарадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи муаммоли жиҳатлар ва омилларни тизимлаштириш, баҳолаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш;

3. Банк актив амалиётлари самарадорлигини таъминлашнинг макро ва микродаражадаги аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий асосларини ёритиш;

4. Банк актив амалиётлари самарадорлигини таъминлашнинг асосий принципларини белгилаш ва уларни амал қилиш шарт-шароитларини аниқлаш;

5. Банк ишини юретишнинг хориж тажрибасини тадқиқ этиш орқали банк актив амалиётлари самарадорлигини баҳолаш чора-тадбирлари, усул ва воситалари ҳамда ёндашувларини тизимлаштириш.

Тадқиқотимизда банк актив амалиётлари самарадорлигининг услубий асосларини умумий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиз банклари амалиётида “банк активлари самарадорлиги” тушунчаси моҳиятини етарлича ёритиб берилмаганлиги оқибатида банклар ўз активлари ҳақиқий ҳолатини акс эттиришда, асосан, “активлар сифати”, “активлар ликвидлиги” бўйича талабларнигина бажарилишига кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, айти пайтда банкларда хорижий инвесторлар томонидан қизиқиш билдириладиган активлар даромадлиги (ROA) кўрсаткичини яхшилашга салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Республикаимизнинг иқтисодчи олимлари Ш.Абдуллаева, Т.Бобоқулов, Т.Каралиев, У.Азизов, О.Саттаров, З.Холмаҳмадов, У.Ортиқов, Д.Саидов, И.Қуллиев томонидан тайёрланган “Банк иши” дарслигида тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларига кўра ликвидлик ва риск даражасига кўра ҳамда даромад келтиришига қараб гуруҳларга ажратилган¹⁴.

Шу боис монографияда ушбу тушунчаларнинг қиёсий-услубий фарқланиш жиҳатлари очиб берилди (1.1-жадвал).

Ушбу олимлар гуруҳи томонидан банкнинг актив операциялари 4 та гуруҳга: кредит операциялари, инвестиция операциялари, касса ва ҳисоб-китоб операциялари ва бошқа актив операцияларига ажратиб кўрсатилган¹⁵.

¹⁴ Абдуллаева Ш. Банк иши (дарслик). –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2003.-312 б. (131–135-бетлар); У.Азизов ва бошқалар. Банк иши (дарслик). –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2016.-768 б. (178-168-бетлар).

¹⁵ У.Азизов ва бошқалар. Банк иши (дарслик). –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2016.-768 б. (175-бет).

Тижорат банкларида "активлар самарадорлиги (даромадлиги)", "активлар сифати", "активлар ликвидлиги" тушунчаларининг қиёсий-услубий фарқланиш жиҳатлари¹⁶

№	Тавсифловчи жиҳатлар	Активлар самарадорлиги (даромадлиги)	Активлар сифати	Активлар ликвидлиги
1	Мақсади	Банкнинг даромадлиқ курсаткичларини таъминлаш	Активлар билан боғлиқ рискларни пасайтириш	Банкнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш
2	Вазифалари	Жойлаштирилган активларнинг даромадлигини ошириш	Активлар қадрсизланишининг олдини олиш	Банк мажбуриятларини доимий таъминлаш имконини берадиган барқарор маблағларни шакллантириш
3	Объекти	Активлар ҳажми, даромад, харажат	Активлар ҳажми	Актив ва мажбуриятлар ҳажми
4	Қамрови	Банкнинг барча курсаткичлари	Барча актив амалиётлар	Активлар, мажбуриятлар, капитал
5	Таъминлаш усуллари	Диверсификациялаш, баҳолаш, назорат	Захира яратиш, баҳолаш, мониторинг ўтказиш	Фарқ (ГЕП), баҳолаш, пул оқимини таҳлил қилиш

Россиялик иқтисодчи олимлардан Г.Г.Коробова, Р.А.Карпова, А.Ф.Рябова, В.А.Ларионова, Г.Ж.Курдюмов, Е.А.Нестеренко, С.А.Шульков кабилар эса банк активларини вазифалари, ликвидлиги, риск даражаси, жойлаштириш муддати ва субъектига қараб таснифлашни таклиф этади¹⁷.

Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, банк активларининг таркибий улуши қуйидаги мутаносибликни ташкил этади:

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁷ Коробова и др. Банковское дело. Учебник.-М.: Экономист, 2006.-766 с. (132-143-бетлар).

- актив амалиётлар таркибида асосий ўринни кредит маблағлари эгаллайди (19,90–83,25%);
- банк активлари таркибида иккинчи ўринни қимматли қоғозларга инвестициялар ташкил этади (2,15–23,87%);
- учинчи ўринда – касса маблағлари (0,2–12,94%);
- бошқа активлар эса кенг миқёсдаги ҳисоб операциялари, капитал активлари ва асосий воситаларни қамраб олади (2,0–78,0%)¹⁸.

Республикамиз тижорат банкларида 01. 07. 2019 йил ҳолатига активлар таркибининг улушли мутаносиблиги мос равишда: соф кредит қўйилмалари – 205 487 млрд. сўм 77,7% (ўтган йилнинг шу даврида – 71,5%), Марказий банк ва бошқа банкдаги маблағлар – 36 651 млрд. сўм 13,9% (ўтган йилнинг шу даврида – 19,6%), инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар – 3 238 млрд. сўм 1,2% (ўтган йилнинг шу даврида – 0,9%), кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари – 5 458 млрд. сўм 2,1% (ўтган йилнинг шу даврида – 2,4%), соф асосий воситалар – 4 381 млрд. сўм 1,7% (ўтган йилнинг шу даврида – 1,5%), бошқа активлар – 3 945 млрд. сўм 1,5% (ўтган йилнинг шу даврида – 1,6%)ни ташкил этган¹⁹.

Тадқиқот натижаларининг тасдиқлашича, тижорат банкларида активлар самарадорлигини таъминлаш мураккаб жараён бўлиб, бир қатор аниқ талабларга таянишни талаб этади. Улар ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва малакавий талабларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий талаблар банк ички сиёсатларида активлар сифатини ошириб бориш механизмини мукамал белгиланиши, банк активлари самарадорлигини назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ташкилий талаблар эса тижорат банкларида активларни самарали жойлаштиришга жавобгар тузилмаларнинг

¹⁸ Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. –М.: Финансы и статистика, 2005.–672 с. (72-бет).

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://cbu.uz> расмий сайти маълумотлари.

мавжуд бўлиши, дастурий тизимлар ва маълумотлар базасининг мустақкамлигини ифодалайди.

Иқтисодий талаблар активлар сифатини таснифлаш ва комплекс таҳлил қилиш тизимини мукамаллиги, активларни диверсификациялаш тамойилларига тўлиқ амал қилиниши, активлар сифати бўйича тизимли мониторингни йўлга қўйилганлиги кабилар билан белгиланади.

Малакавий талаблар активлар таваккалчилигини аниқ баҳоланиши, активларни жойлаштириш жараёнида ҳужжатлаштиришнинг тўғрилиги, ходимларнинг малакавий тайёргарлигини узлуксиз ошириб бориш зарурлигини англатади.

Тижорат банкларида кредитлаш тизими бўйича тузиладиган ҳисоботлар активлар самарадорлигининг мавжуд ҳолати тўғрисидаги батафсил ахборотларни ифодалаши лозим.

Тижорат банкларида активлар портфели самарадорлиги ўзгариши тўғрисидаги ахборотларни ҳаққоний ва ўз вақтида тақдим этиш механизмнинг йўлга қўйилмаганлиги банк Бошқарувини мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишига тўсқинлик қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Банк активлари самарадорлигини таъминлашнинг услубий асосларининг устувор йўналишлари қаторида бу борадаги мавжуд муаммоларни гуруҳлаш муҳим ўрин тутади.


Биринчи гуруҳ муаммолар активлар самарадорлигига омилларни аниқлаш, тизимлаштириш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда мақбуллаштириш чора-тадбирларини ифодалайди.

Иккинчи гуруҳ муаммолар активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни аниқлаш, таснифлаш, баҳолаш ва уларнинг таъсир даражасини юмшатиш чора-тадбирларини қамраб олади.

Учинчи гуруҳ муаммолар актив амалиётлар самарадорлигини таъминлашнинг ташкилий асосларини белгилаб беришни ифодалайди.

Тўртинчи гуруҳ муаммолар тижорат банкларида актив амалиётлар назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Монографияда ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш юзасидан тижорат банклари активлари самарадорлигини таъминлашнинг комплекс чора-тадбирларини ифодаловчи янги, поғонали модели таклиф этилди (1.1-расм):




1.1-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг поғонали модели ва уни қўллашнинг асосий йўналишлари²⁰

²⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Фикримизча, банк активлари самарадорлигини ошириш модели активлар билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабабларини батафсил баён этиши, активларнинг ҳар бир турини қай даражада жойлаштирилганлиги, активлардан кўрилайётган фойда даражасини аниқлаб бериши зарур.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш борасидаги муаммолар табиатига кўра, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий масалаларга ажратилади (1.2-расм):



1.2-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг услубий масалалари²¹

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, ушбу масалалар ечимига индивидуал ёндашиш тижорат банклари активларининг реал баҳосини аниқлаш ҳамда муаммоли активлар ҳажмини камайтиришнинг комплекс механизмини ишлаб чиқишга кўмаклашади. Банklar фаолиятида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш нафақат соғлом банк тизимини шакллантириш, балки иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида ҳам молиявий ҳолатни бир маромда сақлаб туришга хизмат қилади. Бунда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- банklar актив амалиётлари самарадорлигини таъминлаш бўйича амалдаги қонунчилик базасини яхшилаш, бунда муаммоли банк активларини юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш, Марказий банкнинг бу борадаги назорат дастакларини мукамаллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- актив амалиётлар юзасидан корпоратив бошқарув органлари роли ва масъулиятини ошириш борасидаги талабларни мустаҳкамлаб бориш, корпоратив бошқарув усуллари ва механизмларини халқаро меъёрлар асосида такомиллаштириш ва сифатини ошириш;

- банк активларини бошқаришда банк Бошқаруви билан банк Кенгаши ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, хусусан, бунда банк Кенгашининг назорат тизими ҳамда банкни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришдаги ролини кучайтириш ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодий ва жаҳон молия бозори тажрибасига асосланган ҳолда мамлакатимиз банк тизими фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда банк тизими қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, банklar ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш мақсадида бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Натижада нафақат банк тизимининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича умумқабул қилинган халқаро

меъёрларга, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Жумладан, банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси 01.07.2019 й. ҳолатига кўра, 27 109 млрд. сўм – 85,8 фоиздан юқори бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумқабул қилинган кўрсаткичдан (минимал талаб 30 фоиз) 2.5 баробардан ҳам ортиқдир, ликвидлиқни қоплаш меъёри 170,7 фоизни (минимал талаб 100 фоиз) ва соф барқарор молиялаштириш меъёри 107,9 фоизни (минимал талаб 100 фоиз) ташкил этди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётининг сезиларли даражада кенгайтирилиши натижасида 2018 йил якуни бўйича банklar капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан 3,2 фоиз бандга камайиб, таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларга нисбатан 15,6 фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этди²².

Бунда ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банklarнинг капитал етарлилиги ва ликвидлиқ кўрсаткичларининг салбий ўзгариши ва тегишли меъёрларнинг бузилишини олдини олиш мақсадида “олдндан чора кўриш” тизимининг жорий этилиши ўз самарасини берди.

Шу билан бирга, банк тизимидаги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, активларни жойлаштириш бўйича банк хизматлари кўрсатиш, активлар бўйича эҳтимолий захиралар яратиш борасидаги амалдаги меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиб борилмоқда.

Айни пайтда банк хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳити ривожланиб бораётганлиги банк активлари самарадорлигини оширишнинг қуйидаги ташкилий талабларига чуқур эътибор қаратишни тақозо этмоқда:

- тижорат банкларида актив амалиётларни амалга оширувчи қўмиталарнинг кредитлар ажратишда хатарли

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://cbu.uz> расмий сайти маълумотлари.

ҳолатларни қисқартириш, ликвидлик билан боғлиқ хатарларни тўғри баҳолашдаги масъулиятини ошириш;

- банк активларини тўғри жойлаштириш, активлар сифати ва даромадлилик даражасини таъминлашга масъул бўлган бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- мазкур жараёнга бевосита боғлиқ бўлган ходимлар салоҳиятини мустақамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга ошириш.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини таъминлашда активларни жойлаштириш борасида таркибий тузилмалар фаолиятига талабларни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда банклар олдида банк Кенгаши томонидан банк Бошқаруви раиси ва аъзолари, ички аудит бўлими раҳбарларининг банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари ҳолати бўйича ҳисоботларини мунтазам равишда ҳар чорақда кўриб чиқиш ва таъсирчан чоралар белгилаб амалга ошириш амалиётидан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, активларни диверсификация қилиш, кредит портфелини яхшилаш, таваккалчиликларни самарали бошқаришни назорат қилиш мақсадида ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмиталари ташкил этилди. Тижорат банкларида активлар самарадорлигини оширишнинг иқтисодий масалалари банк активларини мақбул жойлаштириш ва доимий мониторингини амалга ошириш жараёнига қатъий талабларни белгилашни назарда тутди. Улар қуйидагилардан иборат:

- банк активларини жойлаштиришнинг дастлабки босқичларида қарздорларнинг тўловга қобилиятини комплекс таҳлил қилиш механизмини жорий этиш;

- банкларда активларни кенг диверсификация қилиш, кредит портфелини соғломлаштириш орқали таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган чора-тад-

бирларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб уларга зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;

- банк активлари сифати устидан доимий, таъсирчан мониторинг олиб бориш, банк активлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этиш механизмини мустаҳкамлаш;

- салоҳиятли мижозларга янги ва замонавий банк хизматлари турларини таклиф этиш орқали активлар ҳажмини ошириб бориш, бу каби мижозлар билан индивидуал ишлаш тизимини жорий этиш.

Тижорат банклари активлари билан боғлиқ амалиётлар самарадорлигини ошириш муҳим макро ва микро-иқтисодий аҳамиятга эга масалалар қаторига киради.

Банк активлари самарадорлигининг иқтисодий аҳамияти банкларо актив амалиётларни халқаро капитал ва молия бозори конъюнктурасига таъсири билан белгиланади. Айниқса, халқаро миқёсда банк активларининг қадрсизланиши жаҳон иқтисодиётида танглик ҳолатини келтириб чиқарувчи омилга айланиш хавфи юқори ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг алоҳида олинган давлатлар ва ҳудудларга таъсири оқибатлари Ўзбекистон банк-молия тизими ресурс базасининг нақадар мустаҳкам ва барқарор эканлигини яна бир бор амалда исботлади. Бундан ташқари, республикамизда халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратининг амалга оширилиши, банк ликвидлиги ва активлари сифати устидан доимий мониторинг олиб борилиши барча банкларга етакчи халқаро рейтинг агентликлари – "Fitch Ratings", "Moody's", "Standard&Poors"дан олинган ижобий рейтинг баҳоларини қайта тасдиқлаш имконини бермоқда.

"Moody's" халқаро рейтинг агентлиги эса ўзининг "Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқбол-

лари” ҳисоботида Ўзбекистон банк тизимини кетма-кет тўққизинчи йил “барқарор” деб баҳолади.

Фикримизча, микро даражада банк актив амалиётлари самарадорлигини ошириш заруратини юзага келтирувчи ўта муҳим жиҳатлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, актив амалиётлар банкларнинг даромадлилик даражасини оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бунда банк активларини самарали жойлаштириш, тўғри диверсификациялаш талаб этилади. О.И.Лаврушин, Т.Н.Ветроваларнинг фикрича, банклар фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг замонавий тажрибаси активлар, пассивлар, хусусий капиталнинг миқдорий ўсишига, уларнинг ликвидлиги ва даромадлигига асосланади²³.

Иккинчидан, банклар актив амалиётлари ҳажмининг ўсиши иқтисодиётнинг нефть ва газ қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, автомобилсозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати каби базавий тармоқларида янги ишлаб чиқариш тизимини барпо этишга, иқтисодиётга замонавий технологиялар, маркетинг ва менежментнинг илғор усулларини кириб келишига кўмаклашади. Пировардида бу ҳолатлар мамлакатимизда янги иш ўринларини яратилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини сифат жиҳатидан ошишига олиб келади.

Учинчидан, иқтисодиётда банк активларидан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан ҳисобланган инвестиция сиёсатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Бунда банк актив амалиётлари иқтисодиётда пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишда ҳамда иқтисодий ўсишни таъминловчи инвестицияларни жалб қилишда долзарб аҳамиятга эга.

Бешинчидан, банк актив амалиётларининг муҳим қисми ҳисобланган кредитлар аҳолини ижтимоий ҳи-

²³ Лаврушин О.И., Ветрова Т.Н. Эффективность банковской деятельности: методология, критерии, показатели, процедуры. —М.://Банковское дело, №5, 2015 -38-42-бетлар.

моялашда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, аҳолининг кенг қатламига истеъмол, ипотека кредитлари ажратилиши уларнинг харид қобилиятини ошишига ва шу орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун имконият яратилади.

Олтинчидан, банк актив амалиётлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқ корхоналарини зарурий пул маблағларини шаклланишида етакчи ўрин эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ялпи ички маҳсулотини ошиши ва иқтисодий ўсишни таъминланишига замин яратади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда бир қатор тижорат банклари иқтисодий ночор корхоналарни балансига олган ҳолда бевосита инвестиция лойиҳаларининг ташаббускори сифатида мазкур корхоналарни соғломлаштириш, уларнинг фаолиятини қайта тиклаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлиги юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёнига активларини жойлаштиришда фаоллик кўрсатишмоқда.

Шунга қарамай, банкларда активларнинг даромадлик даражасини баҳолашда халқаро тажрибада синовдан ўтган иқтисодий усул ва моделларни қўллаш долзарблигича қолмоқда. Жумладан, бугунги кунда банклар амалиётида банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари асосида банк молиявий ҳолатини стресс-тестлар ўтказиш усули орқали баҳолашнинг аҳамияти ортмоқда. Мазкур усул активлар самарадорлигига ликвидлик даражаси, операцион фаолият, бозор баҳоси, бошқарув ва таваккалчиликларни баҳолаш тизими каби омилларнинг жиддий таъсирини аниқлаш имконини беради.

Мазкур таҳлил натижалари банк активлари ва пасивларини самарали бошқариш ҳамда уларнинг сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Банк активлари самарадорлигини таъминлаш бир қатор иқтисодий-ижтимоий асосларга эга (1.3-расм).

Шу билан бирга, банклар фаолияти мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилиш замонавий услубиётининг амалиётини янада кенгайтиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.



1.3-расм. Банк активлари самарадорлигини таъминлашнинг иқтисодий-ижтимоий асослари²⁴

Фикримизча, тижорат банкларида актив амалиётлари самарадорлигини таъминлаш услубиёти бир қатор муҳим принципларга асосланиши лозим.

Актив амалиётларнинг даромадликка йўналтирилганлиги. Тижорат банкининг стратегик мақсади ҳар бир актив амалиётдан максимал даражада фойда олиш ҳисобланади. Чунки актив амалиётларни шаклланишида бир қатор харажатлар сарфланади.

Тадбирларнинг оқилона мувофиқлаштирилиши. Банк актив амалиётлари самарадорлигини таъминлаш элементларининг серқирралиги ҳамда турли банк бўлинмалари мажбуриятлари билан уйғунлашганлиги раҳбариятдан масъул бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Таҳлил маълумотларининг ишончлилиги. Банк активлари самарадорлигини баҳолашда ички ва ташқи ман-

²⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

балардан ишончли ҳамда етарли маълумотлар олиш муҳим аҳамият касб этади. Ташқи манба маълумотлари активларни самарали бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда, ички манба маълумотлари активларни бошқаришнинг ички сиёсатлари талабларини бажарилишини баҳолашга хизмат қилади. Айниқса, активлар сифатини таснифлаш бўйича маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши банк маблағларини йўқотиш хавфини ошишига олиб келади.


Банк ликвидлигининг таъминланиши. Актив амалиётлар ҳажмини оширилиши, ўз навбатида, банк ликвидлигини таъминловчи ресурсларни четланишига олиб келади. Шу боис тижорат банклари актив амалиётларни шакллантириш жараёнида мунтазам равишда ликвидлик талабларига риоя этишлари зарур.

Ликвидлилик даражаси бўйича активлар 3 та асосий гуруҳга бўлинади: 1. Юқори ликвидли активлар, 2. Ликвидли активлар, 3. Паст ликвидли активлар. Паст ликвидли активларга – қийинчилик билан пулга айланадиган активлар, буларга: узоқ муддатли кредитлар, инвестициялар, қийин сотиладиган бино ва иншоотлар ҳамда муддати ўтган қарзлар киради.

Актив амалиётлар сифати назоратининг тўғри ташкил қилиниши. Тижорат банкларида актив амалиётларнинг юқори рискка берилувчан эканлиги, шунингдек, мижозлар фаолиятидаги кескин ўзгаришлар активларни муаммога айланиш хавфини юзага келтиради. Бу ҳолат активлар амалиётлар устидан рискка асосланган назоратни тўғри ташкил этишни талаб этади. Банк ишини юритишнинг хориж тажрибасини тадқиқ этиш орқали банк актив амалиётлари самарадорлигини баҳолаш чора-тадбирлари, усул ва воситалари ҳамда ёндашувларини тизимлаштириш бўйича тадқиқотлар монографиянинг кейинги параграфида баён этилган.

1.3. Банк активлари самарадорлигини оширишнинг анъанавий ва замонавий усуллари

Банкларо рақобат муҳитининг ривожланиб бориши банк активларини жойлаштириш, самарадорлигини оширишнинг анъанавий усулларидадан воз кечиш, банк амалиётига самарадорликни баҳолашнинг янги ва замонавий усуллари жорий этишни рағбатлантирмоқда (1.4-расм). Охирги жаҳон молиявий инқироzi Америка Қўшма Штатларида ипотека кредитлаш тизимида руй берган танглик ҳолатидан бошланди.



1.4-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган усуллар таснифи²⁵

Шунингдек, ипотека кредитлари бериш талабларининг ҳаддан зиёд эркинлаштирилиши натижасида бозорда кўчмас мулкларга нисбатан талаб ортди ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши кузатилди. Бунинг устига АҚШ федерал захира тизими томонидан олиб борилган нораціонал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаштириш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида

²⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди. АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004–2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25 фоизгача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди²⁶.

Актив ва пасивларни биргаликда бошқариш усуллари тижорат банки учун юқори фойда маржасини таъминловчи оптимал актив ва пасивлар тузилмасини шакллантиришни назарда тутди.

Маблағларнинг умумий фонди усули банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларини бирлаштиришни назарда тутди. Бунда банкда дастлаб бирламчи ва иккиламчи захиралар шакллантирилади. Ушбу усул жалб қилинган ресурсларни имкон қадар банкнинг даромадли актив амалиётларига йўналтиришни назарда тутди. Бунда банкдан ликвидлик ва фойдалилик тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади. Негаки, ресурсларни фойда олиш учун актив амалиётларга, хусусан, кўп миқдорда юқори даромад келтирувчи соҳага йўналтириш, ўз навбатида, таваккалчилик даражасини назоратдан чиқишига ёки ликвидлик таваккалчилигини юзага келишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли мазкур усулни, асосан, ресурслар ортиқчалигида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Активларни тақсимлаш усули жалб қилинаётган ресурсларнинг манбалари таҳлилига асосланади. Мазкур усулда ресурсларнинг манбалари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг айланувчанлиги

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

билан боғлиқ бўлган муайян чекланишлар юзага келади. Яъни жалб қилинган қисқа муддатли ресурслар қисқа муддатли актив амалиётларга, узоқ муддатли ресурслар эса узоқ муддатли актив амалиётларга йўналтирилади. Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, бу усулни қўллаш жараёнида ресурсларни тоифаларига қараб тақсимлаш орқали ликвид активлар (кассадаги нақд пуллар)нинг жами активлардаги улушини қисқартириш имконияти юзага келади. Ушбу иккала усулнинг камчилиги шундаки, бу ҳолатларда мижозларнинг кредитларга бўлган талаби ва эҳтиёжи етарлича қондирилмайди, яъни кредитлашда мижозларнинг кредитларга бўлган мавсумий талаблари тўлиқ эътиборга олинмайди.

Активларни диверсификациялаш усули банк активлар портфелини оптимал таркибий тузилмасини шакллантиришни назарда тутаяди. Мазкур усулда актив амалиётларнинг тармоқ рискини пасайтириш, барқарор даромадлиқни таъминлаш долзарб ҳисобланади. Активлар портфели ва омиллар таҳлили усуллари жумласида кредит скоринги усули жисмоний шахсларга истеъмол кредитларини ажратишда уларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш, мақбул қарз олувчини танлаб олиш муаммосини ҳал этиш мақсадида 1940-йилларда америкалик иқтисодчи Д. Дюран томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур усул дастлаб қарз олувчи жисмоний шахсларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш модели сифатида шаклланган бўлса-да, ҳозирги кунда қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг ишончли универсал усули сифатида кенг фойдаланилмоқда. Кредит скоринги усулига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- мазкур усулни қўллаш орқали қарз олувчиларнинг кредит рейтинги кўрсаткичлари аниқланади;
- кредит рейтингини аниқлаш жараёнида мижозлар молиявий ҳолатидан келиб чиқиб муайян тоифалар (синф)ларга ажратилади;

- кредит скоринги усули қарз олувчининг молиявий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларини баллик тизим асосида баҳолашни назарда тутати;

- скоринг тизими қарз олувчининг кредитга лаёқатлик кўрсаткичларини баҳолашдан ташқари уларнинг дефолт ҳолатига учраш эҳтимолини баҳолаш, кредитни қисман қоплаш бўйича эҳтимолли истиқболни баҳолаш жараёнларини қамраб олади.

Фикримизча, тижорат банкларида кредит скоринги усулини қўллаш активлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қуйидаги афзалликларни беради:

- мижозларнинг кредит тарихини ўрганиш асосида юқори салоҳиятга эга қарз олувчини аниқлаш имконияти мавжуд, мазкур мезон кредит сифатини таъминланишида муҳим аҳамиятга эга;

- скоринг тизимида қарздорликни ундиришнинг узоқ муддатли истиқболини аниқлашга эътибор қаратилиши активларнинг муаммога айланиш эҳтимолини пасайтиради.

Шу ўринда мамлакатимиз банклари амалиётида кредит скорингини талаб даражасида ўтказиш билан боғлиқ бир қатор муаммоли жиҳатлар мавжудлигини қайд этиш жоиз.

Биринчидан, тижорат банклари кредит скоринги усулини, асосан, кредит сиёсатида кредитлашнинг элементларидан бири сифатида белгилаш билан чекланиб қолмоқда. Қарздорларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш жараёнида эса кредит скоринги усулидан умумий тартибда фойдаланилмоқда.

Тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатларида кредит скоринги усулига қўйиладиган талаблар, кредит скорингини қўллаш жараёни атрофлича белгиланмаган.

Иккинчидан, кредит скоринги усулини қўллашнинг самарадорлиги қарз олувчининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар манбасининг кенглигига боғлиқ. Шу

боис банкларда қарз олувчи тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва қайта ишлаш усулларини ҳам такомиллаштириш зарурати юзага келади.

Учинчидан, скоринг тизимининг моҳияти фақатгина қарз олувчининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни комплекс таҳлил қила олишда намоён бўлмайди. Скоринг тизимидан тўлақонли фойдаланиш учун тизимлаштирилган маълумотлардан аниқ банк кредитлаш хулосасини тайёрлай оладиган малакали мутахассислар хизматига эҳтиёж сезилади. Шу сабабли банкларда малакали ходимларнинг қўнимсизлигини пасайтирган ҳолда малакали кредитлаш ходимларини тайёрлашга эътибор қаратиш зарур.

Стресс-тестлаш усули. XX асрнинг 90-йилларида юзага келган молиявий инқирозлар банклар актив ва пасивларини бошқариш жараёнида қўлланилаётган молиявий инструментларнинг бир қатор муҳим камчиликлари мавжуд эканлигини исботлади. Бундай вазиятдан чиқиш учун халқаро молия институтлари аъзо давлатларнинг банк тизимидаги молиявий барқарорликни таҳлил қилиш механизмларини такомиллаштириш устида излашлар олиб борди. Мазкур жараёнда алоҳида портфеллар рискин баҳолаш имконини берадиган бошланғич стресс-тестлаш усули юзага келди.

2014 йил октябрь ойида Европа Марказий банки томонидан ўтказилган стресс-тестда танланган давлатлардан 11 та банк текширувлардан ўта олмаган. Ушбу банклар капитал етарлилиги, активларнинг рисклилик даражаси каби кўрсаткичларга белгиланган меъёрларни бажара олмасликлари аниқланди. Европа мамлакатлари банклари амалиётида стресс-тестлаш индивидуал кредит олувчилар ёки бир турдаги кредит олувчиларнинг эҳтимолий банкротлик рискин ҳисоблашда кенг қўлланилади.

Тадқиқотларимизга кўра, республикамиз банкларида активлар самарадорлигини таъминлашда стресс-тестни

самарали ўтказишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муам-моли жиҳатлар мавжуд.

Биринчидан, стресс-тест ўтказиш амалиёти бир омилли ва кўп омилли сценарийлар таҳлилига асосла-ниши сабабли, ўзига хос мураккаб жараёндир. Бугунги кунда стресс-тест ниҳоятда камчилик банклар фақатгина Бош банк доирасида фойдаланмоқдалар. Банкларнинг ҳудудий филиалларида таҳлилчи мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли, стресс-тестлашнинг қамрови тор-лигича қолмоқда.

Иккинчидан, стресс-тест натижалари ҳаққоний чиқи-ши учун тижорат банкларининг ҳар бир миждози бўйи-ча кредит тарихи маълумотлари сўнги 10-15 йил учун олиниши зарур. Аксарият банкларимизда миждозларнинг узоқ муддатли кредит тарихини жамлаш имконияти паст ҳисобланади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарорининг 5-бандида тижорат банкларига банк таваккалчилиги ва унинг вужудга келишини барвақт аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишда банк имкониятларини ошириш учун турли сценарийларни қўллаган ҳолда, ҳар чорақда лик-видлик позицияларининг стресс-тестларини олиб бориш тавсия этилган²⁷.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлигида 2015 йил 13 августда 2709-сон билан рўйхат-га олинган “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги” Низом-нинг 51-бандида “...банклар ўзларининг ликвидлилик ҳо-латларини ҳар чорақда камида бир марта стресс тестла-ридан ўтказишлари лозим. Стресс тестларининг якуний

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарори. –Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил, 38-сон.

натижаси бўйича таваккалчиликни бошқариш стратегиясини тўғрилаб боришлари керак. Стресс тестларининг натижаларидан келиб чиқиб банклар қутилмаган стресс ҳолатларида қўшимча маблағлар билан таъминлаш режаларини ишлаб чиқишлари зарур. Банклар стресс тестлари натижалари ва кўзда тутилмаган молиялашга доир тузилган режалар бўйича банк бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақида Марказий банкка маълумотлар тақдим этишлари лозим. Банк Кенгаши ва бошқаруви стресс кўрсаткичлари ва тахминларини ҳамда кўзда тутилмаган молиялаш режаларини етарлилиги ва мувофиқлигини ўрганиб боришлари лозим²⁸ лиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандида "тижорат банкларининг банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмаси банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресс-тестдан ўтказиш ва мижозларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш"²⁹ белгиланган.

Аммо ҳозирги кунда тижорат банкларида стресс-тестлаш, кредит скоринги каби замонавий ёндашувлар ички стандартлар (меъёрий ҳужжатлар) даражасида эмас, яъни мазкур усулларни қўллаш талаблари, қамрови, баҳолаш мезонлари каби муҳим жиҳатлар тартибга солинмаган.

Туртинчидан, фикримизча, тижорат банкларида активлар самарадорлигини баҳолашда стресс-тест ўтка-

²⁸ Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2709-сонли қарори. 13.08.2015

²⁹ Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2229-сонли қарори. 25.05.2011

зишнинг дастурий ҳисоб-китобларини шакллантириш ниҳоятда долзарбдир. Бу жараёнга дастур яратувчи компанияларни кенг миқёсда жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, тижорат банки ходимлари дастурлаштирилган стресс-тестлаш натижаларини таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини қарор қабул қилиш учун умумлаштириш малакасини эгаллашлари зарур бўлади.

Мижозларнинг кредитга қобилиятлигини баҳолаш усуллари, бунда М.Н. Конягина, Я.А. Клишиналар корпоратив мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш моделларини таснифий ва комплекс турларга ажратади³⁰.

Мамлакатимизнинг банк соҳасидаги етук иқтисодчи олимларидан бири Ш.Абдуллаева эса жаҳон амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилик даражаси баҳолашнинг урта анъанавий модели мавжудлигини, улар мустақил рейтинг агентликлари баҳолаш модели, статистик усуллар асосида баҳолаш модели, тўғридан-тўғри эксперт баҳолаш модели эканлигини таъкидлайди³¹.

Активлар сифатини баҳолаш бўйича – рейтинглаш усули. Жаҳон тажрибасида рейтинг тизимини вужудга келиши халқаро молия институтлари томонидан мамлакатларнинг муваффақиятларини ўлчаш зарурати билан боғлиқ. Бунда Жаҳон банки томонидан мамлакатларга қарз ва грант маблағлари ажратиш бўйича қарорлар тўғрилигини аниқлаш мақсадида “иқтисодий сиёсат ва институционал ривожланишни баҳолаш” услубини ишлаб чиқилиши рейтинг тизимини ривожланишига замин яратди. Жаҳон иқтисодий форуми 1979 йилдан бошлаб жаҳон мамлакатларининг доимий глобал рейтинги ҳамда рақобатдошлиги тўғрисидаги ҳисоботни чоп эта бошлади.

³⁰ Конягина М.Н., Клишина Я.А. Вопросы совершенствования подходов к оценке кредитоспособности //Деньги и кредит. –М.:2015.- №10. (67-68-бетлар).

³¹ Ш.Абдуллаева. Мижознинг молиявий ҳолатини баҳолашда замонавий ёндашув //Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2017.-№4. (39-бет).

II БОБ. БАНК АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

2.1. Банк активлари самарадорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси

Жаҳон иқтисодиётида ҳалигача давом этаётган иқтисодий инқироз дунёнинг кўплаб мамлакатларида тижорат банклари ликвидлигининг заифлашувига, йирик миқдорда активлар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқишига, тўлов баланслари ҳолатининг ёмонлашувига ва пировард натижада, миллий иқтисодиётларнинг рецессия ҳолатига тушиб қолишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг активлари самарадорлигини самарали бошқариш, уларнинг банк тизимини ривожлантиришдаги ролини қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

Халқаро банк активлари самарадорлигини таъминлашдаги турли номутаносибликлар халқаро миқёсда банklar тармоғини инқирозга юз тутишига ҳамда халқаро иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини пасайишига олиб келади. Жумладан, 2007–2008 йилларда АҚШда ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитларнинг 700 млрд. доллардан ошиб кетганлиги, ипотека кредитлари рискинни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилмаганлиги оқибатида йирик молиявий тузилмалар ва компанияларнинг ликвидлиги пасайди, натижада уларнинг халқаро фонд бозорларидаги қимматли қоғозларининг қиймати пасайиб кетди.

Бу ҳолат, ўз навбатида, бир қатор ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига, аҳолининг ишсизлик даражаси ошишига ҳамда банklarнинг банкрот бўлишига олиб келди. Бундай шароитда халқаро

миқёсда банк тизимининг амал қилиш механизмларини тадқиқ этиш, халқаро банк активларининг шаклланиш ва тақсимланиш тамойилларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Тижорат банкларининг фаолиятида активларни самарали жойлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиши ҳамда уни амалга оширишни назорат қилиш, банк кенгашининг ролини ошириш ва активларни жойлаштиришда оқилона қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш талаб этилади. Бунга эса бевосита тижорат банкларида корпоратив бошқарув шаклини кенг жорий қилиш орқали эришиш мумкин. Шунингдек, банкларнинг мустақил ривожланиши ва ресурсларни самарали бошқариш уларда банк менежменти сифатини оширишни талаб этади ҳамда бу ҳам корпоратив бошқарув билан боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда ривожланган мамлакатларда сингари Ўзбекистонда ҳам банкларни корпоратив бошқарув масалалари, асосан, тартибга солувчи давлат органлари томонидан амалга ошириш талаб этилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2000 йил 24 июндаги 11/6-сонли баённомаси, №472-сонли "Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида"ги Низоми³² ишлаб чиқилиб, шунга мувофиқ банкларда корпоратив бошқарув ишлари ташкил этилади. Корпоратив бошқарув тушунчаси 1970-йилларнинг охирида АҚШда қўлланилган. Бунинг сабаби ўша пайтларда АҚШдаги йирик компаниялар ва фирмалар сиёсий партияларни молиялаштириш ҳамда коррупциянинг ривожланиши натижасида мулкни бошқаришнинг жамоавий шаклига ўтишга мажбур бўлган.

Корпоратив бошқариш турли мамлакатларда турлича талқин қилинади. АҚШда ва Англияда компанияларнинг капиталига кўпчилик алоҳида шахслар ва фирмалар эгалик қилади. Корпоратив бошқарувнинг континентал

³² www.lex.uz

модели амал қилувчи давлатларда (Европа, МДХ, Лотин Америкаси) асосан, жамият улуши гуруҳларга тегишли бўлади. Шундан келиб чиқиб, ушбу мамлакатларда АҚШга нисбатан капитал тақсимоти ва унда овозлар берилиши концентрацияси нисбатан юқори.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда 50 фоиз аҳолиси тўғридан-тўғри ёки билвосита компанияларнинг акцияларига эгалик қилади. Германияда эса ушбу кўрсаткич 20 фоизни ташкил қилади. Шундан хулоса қилиш мумкин-ки, тижорат банклари фаолиятини бошқаришнинг икки модели “менежерлар ҳукмронлик қилувчи модель” АҚШ амалиётида қўлланилади ва Европа мамлакатларида қўлланиладиган “акция пакетига эга акциядорлар ҳукмронлик қиладиган” моделларни ажратиб кўрсатиш мумкин³³.

Тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва молиявий менежментнинг муҳим йўналишларидан бири активларни бошқариш ҳисобланади. Банк активларини бошқариш 1960 йиллардан қўлланила бошлаган.

Фоиз ставкалар туриши ва кўтарилиши шароитида банк рискларини бошқаришда долзарб масала активларни бошқаришдир. Дастлаб банкларда активларни бошқариш алоҳида йўналишда, активларни, пассивларни ва спредни бошқаришда қўлланилган. Тижорат банклари активлари, биринчи навбатда, қисқа муддатли келажакни назарда тутаяди ва ҳар кунги банк балансини бошқариш иши билан боғлиқдир. Банк фаолиятида активларни бошқариш фоизли даромадларни ошириш ва рискларни чегаралашга йўналтирилган. Шунинг учун активларни бошқаришнинг молиявий жиҳатдан асосий мақсади, даромадларни ошириш ва банк фаолиятидаги рискларни пасайтиришдан иборат³⁴.

Тижорат банклари активларини таҳлил қилиш учун муаммоли кредитларни таснифлаш асосида берилган

³³ https://link.springer.com/chapter/10.1057/9781137360014_5

³⁴ https://www.tutorialspoint.com/bank_management/bank_management_commercial_banking.htm

ссудалар ва бошқа активларни баҳолаш зарур. Активларни андозавий, шубҳали ва зарар келтирадиган турларига таснифлаш тизими барча активлар рейтингини миқдор жиҳатдан аниқлаш, шунингдек, кредитлардан зарар кўриш ҳолларида мўлжалланган захиралар етарлилигини баҳолаш имконини беради. Асосан, узоқ муддатли кредитлар, нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварақлари, ссуда ва бошқа активлар ҳолатига эътибор қаратилади. Банк активларини бошқариш, кўп жиҳатдан, молиявий рискларни назорат қилиш ва камайтиришга боғлиқ.

Банк бошқарувининг муҳим масалаларидан бири банк активларини самарали жойлаштириш ҳисобланади. Банклар активларни бошқаришда камида энг асосий 3 та мақсадни амалга ошириш лозим:

- юқори самарадорликка эришиш (активларни самарали бошқариш);

- етарли даражада ликвидликни сақлаш;

- банк барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш;

Банкларнинг олдига бошқа мақсадлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, операциялар ҳажмини сон ва сифат жиҳатидан ўстириш, шунингдек, ўз капитали ва банк захираларини ошириб бориш каби мақсадлар шулар жумласидандир. Бироқ юқорида айтиб ўтилган асосий учта мақсад устувор мақсадлар сирасига киради³⁵.

Самарадорлик фойданинг харажатга нисбати билан аниқланиб, унда харажатларни банк фаолиятидаги юқори ўрин тутиши маълум. Банк харажатларини камайтириш, банк фаолиятининг самарадорлиги шунча юқори бўлишини таъминлайди. Банкларни харажатлар ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмай, балки ташкилий тузилишни, банк технологияларини қўллаш орқали ҳам юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш

³⁵ <https://pdfs.semanticscholar.org>

муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар банк активлари самарадорлигини ошириш амалиётида чизиқли ва матрицали моделлардан фойдаланилади. Албатта, ҳар бир банк бунда ўзининг алоҳида хусусиятидан келиб чиқади.

Чизиқли модель банкларнинг хизматлари таркиби, ҳудуди, ихтисослашувига мувофиқ бўлиб, шулардан биттаси негизида шакллантириладиган банкнинг ташкилий тузилиши ҳисобланади. Ҳар бир тижорат банки уни мустақил равишда ўз фаолиятидан келиб чиқиб фойдаланади.

Чизиқли модель, ўз навбатида, қуйидаги турларга бўлинади:

- функционал модель – аниқ бир хизмат ва маҳсулотларга йўналтирилган;
- дивизион модель – тармоқ фаолиятига йўналтирилган;
- географик модель – банк мижозлари ва бозорга йўналтирилган.

Тижорат банклар активларини самарали жойлаштириш ва қарорлар қабул қилишни ташкил этишнинг чизиқли моделларини комбинациялашган ҳолда, яъни икки ва ундан ортиқ моделнинг бир вақтда қўлланиши матрицали модель ҳисобланади.

Матрицали модель бир неча турларга бўлинади:

- икки ўлчамли матрицали модель;
- уч ўлчамли матрицали модель;
- кўп ўлчамли матрицали модель.

Икки ўлчамли матрицали модель – функционал бўлиниш ва мижозлар гуруҳлари бўйича бўлинишининг комбинацияси сифатида фойдаланиб ташкил этилади. Икки ўлчамли матрицали моделдан фойдаланиш у ёки бу операцияларни амалга оширувчи бўлимларни шакллантириш, маҳсулот ва хизматларни кўрсатишдан келиб чиқади.

Уч ўлчамли матрицали модель, учта тенг ўлчамли: ва-зифавий, ҳудудий ва мижоз гуруҳлари бўйича мезонлар-

нинг бирлашувига асосланади.

Уч ўлчамли матрицали моделнинг афзаллиги шундаки, қарор қабул қилишда бир вақтнинг ўзида учта нуқтаи назар инobatга олинади. Бозорнинг айрим бўлимлари ва сегментларига бўлган маълумот Банк бошқарувининг юқори босқичига етказилади.

Уч ўлчамли матрицали модел тузилишининг ташкиллаштирувини уч ўлчамли чизиқ моделидан фарқлаш лозим. Уч ўлчамли модель ўз ичига маркетинг (бозор соҳаси), мижозларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган банк операциялари таҳлили соҳаси ва менежмент соҳаларини (бошқарув) олади. Бу дегани ҳар қандай мижоз ва банк орасидаги битим уч қисмдан иборат: битим тузиш (шартнома; масалан: кредит келишуви, ҳисоб рақами очиш), банк операцияларини ташкиллаштириш (масалан: кредит бериш ёки тугатиш, қимматбаҳо қоғозларини сотуви ёки хариди) ва банк операцияларини бажарилиши билан боғлиқ бошқарув (режалаштириш, ривожлантириш, бошқариш, йўналтириш, назорат; баъзида буни банк операциялари таҳлили дейилади).

Уч ўлчамли матрицали моделда банк бизнесининг умумий маркетинг фикрлари тўлалигича намоён бўлади. Унинг қўлланиш жараёнида савдога йўналтирилган алоҳида мақсадли бозорларга хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилади, алоҳида гуруҳларга хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилади. Бунда банклар катта эътиборни сотувдан кейинги хизматга йўналтиришади.

Кўп ўлчамли матрицали модель. Тўрт ўлчамли матрицали модель, 4 та тамойилнинг бирлашувига асосланган бўлиб (маҳсулотга йўналиш, соҳа фаолияти, география, мижозлар, гуруҳлар), амалиётда деярли учрамайди.

Матрицали модель хизматларни табақалаштиришга, уларнинг сифатини кафолатлашга, таклифлар ва рекламалар бўлимини ташкил этишга, мижозларнинг банк билан келгусидаги ҳамкорликларига қизиқишларини

ва банк активлари самарадорлигини оширишга имкон беради^{36,37,38,39}.

Тижорат банклари активлари даромадлилик, ликвидлилик ва рисклилик даражасига кўра туркумланади. Ҳар учаласи ҳам халқаро амалиётда энг асосий баҳолаш параметрларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тижорат банклари, асосан, ўзидаги мавжуд активларидан оқилона фойдаланган ҳолда кам йўқотишлар орқали юқори даромад олишга ҳаракат қилади. Лекин даромад олишга йўналтирилган ҳар қандай актив ўзининг ликвидлилик ва рисклилик нуқтаи назаридан тескари муносибда бўлади, яъни активларни даромад олишга йўналтирилиши бу, ўз навбатида, уни рисклилик даражаси, яъни ушбу активлардан йўқотишлар эҳтимоли юқорилашиб бориши ва унинг ликвидлиги тушиб бориш характериға эға.

Тижорат банкларининг асосий пировард мақсади кам йўқотишлар билан юқори даромад олиш бўлганлиги учун активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғини ошириб (камида 65-70 фоиз) бориш талаб қилинади. Бу ерда энг асосий масала шундаки тижорат банклари ўз фаолиятида активларни шундай бошқариш лозимки, ликвидлиликни ушлаб туриш учун жами активлар таркибида етарли миқдорда ликвид, яъни даромад келтирмайдиган активларни улушини сақлаб турган ҳолда, асосан, даромад келтирувчи активлар улушида юқори салмоққа эға бўлган кредит қўйилмаларига, уларнинг

³⁶ Tobias Olweny, Themba Mamba Shipho "Effects of banking sectoral factors on the profitability of commercial banks in Kenya", Economics and Finance Review Vol. 1(5) pp. 01 – 30, July. 2011. Available online at <http://www.businessjournalz.org/efr>

³⁷ <https://studfiles.net/preview/6724315/page:7/>

³⁸ <https://pandia.ru/text/80/296/92531.php>

³⁹ http://www.adogalakov.narod.ru/trudy/A_G_Dogalakov/bankovsky_management/glava3.html

фоиз ставкалари (банкнинг маржасига), муддатига ва қайтиши (сундирилиши) билан боғлиқ таъминланганлигига эътибор бериш керак. Паст фоиз ставкада, қоплаш давридан узоқ муддатга, қайтариш таъминот етарли бўлмаган ҳолда кредит қўйилмаларига банк активларини йўналтирилиши бу гарчи жами активлар таркибида даромад келтирувчи активлар улушини ортишига олиб келса-да, лекин иккинчи томондан банкларни ликвидлигининг тушишига, рискка тортилган активларнинг ортишига, натижада ушбу активлар келгусида даромад келтирмайдиган активларга (суд жараёнидаги ёки банк балансига олинган мулклар) таркибига кириш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун даромад келтирувчи активлар улушида кредит қўйилмаларидан олинаётган даромадли активлари қанча улушга эга, уларнинг қайси маблағлар (жалб қилинган ёки ўз маблағлар) ҳисобидан шаклланганлиги, даромад келтирмайдиган активларга айланиш тенденцияси каби муҳим бир қатор кўрсаткичлар таҳлил қилиб борилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг халқаро банк тизими иштирокчилари ҳисобланган молиявий ташкилотлар томонидан активлар самарадорлигини яхшилаш борасида бир қатор ислоҳотлар ўтказилди.

Халқаро валюта фонди 2009 йилдан бошлаб фонднинг назорат фаолиятини ва аъзо давлатлар молиявий сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилади. Бу борадаги ислоҳотлар узлуксиз ва очиқ назоратни йўлга қўйиш, эҳтимолий инқирозларни олдиндан аниқлаш имконини берувчи иқтисодий кўрсаткичларни кенгроқ ошкор қилиш, молиявий тизимнинг ишончлигини таъминлаш, фавқулодда молиялаштириш механизминини жорий этиш каби йўналишлардан иборат.

Халқаро валюта фонди эҳтимолий инқирозларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни молиявий бошқарув, назорат, молиялаш механизмлари, халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш каби устувор соҳаларга

ажратган ҳолда ишлаб чиқди. Молиявий бошқарув ва назоратни яхшилаш чора-тадбирлари кредитлар рейтинг билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш ҳамда инвесторлар томонидан текширишларни такомиллаштиришни назарда тутди.

Молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда эса, кредитлаш тизимини аъзо давлатлар талаблари ва ўзгарувчан бозор шароитларига мослаштирилади, яъни соддалаштирилади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирларида кредитлаш жараёнида ривожланаётган мамлакатларнинг овозлар улушини ошириш, ривожланиши паст мамлакатларнинг овоз бериш ҳуқуқини кенгайтириш масалалари белгиланади.

Хориж банкларида қарз олувчилар молиявий ҳолатини баҳолаш, қарз олувчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ишончли манбасини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Россия банки 2014 йил 29 мартдан бошлаб мижозларни уларга хизмат кўрсатишдан олдин идентификациялашга оид қўшимча талабларни ўз ичига олган кўрсатмани кучга киритди. Унга мувофиқ, юридик шахс ва яқка тадбиркорлар хизмат кўрсатувчи банкка молия-хўжалик фаолиятдан мақсад ҳақидаги, ташқи савдо операциялари, асосий ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотлар кабиларни тақдим этадилар. Банklar ҳам, мижозлари ҳам халқаро ва миллий рейтинг агентликлари расмий сайтларида жойлаштирилган компания рейтинглари, Интернетда жойлаштирилган ижроия ҳокимияти федерал органларининг очиқ маълумотлари манбаларидан фойдаланишлари зарур⁴⁰.

Кредит ахбороти алмашинуви тизими замонавий ишбилармонлик оламида молиявий инфратузилманинг энг қизиқарли ва тез суръатларда ривожланаётган унсурларидан бири ҳисобланади.

⁴⁰ <http://lexandbusiness.ru> расмий сайти маълумотлари.

Хорижий мамлакатларда кредиторлар кредит бюрolari тармоқлари ёрдамида алмашадиган ахборотлар ҳажми анча йирик ҳисобланади. Масалан, АҚШ, Бельгия, Бразилия, Буюк Британия, Япония ва Германияда тақдим этилаётган ҳисоботлар миқдори аҳоли сонидан ошади. Кредит ахбороти алмашинуви бўйича фаолиятнинг муҳимлиги шу даражадаки, унинг ривожланишини рағбатлантириш дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат органларининг доимий назоратида туради. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давлат органига ўзининг ахборот базаси мавжуд бўлиши ниҳоятда зарурлигини кўрсатди. Сабаби ташқи аудиторлик ташкилотларининг хулосалари, рейтинг агентликларининг баҳолари кредит бюрolarининг ахбороти муайян бизнес субъектининг ҳақиқий аҳолини доим ҳам тўғри акс эттиравмаслиги аён бўлди.

Шунинг учун кредит ахборотининг давлат реестри тимсолида иштирок этувчи давлат мувофиқлаштирувчи органининг молия-кредит муассасаларидаги вазият тўғрисида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиши ўта зарурдир.

Кредит бюрolarининг кўплигига қарамай, ахборот хизматларини тақдим этиш соҳасида капиталнинг жамланиш даражаси анча юқори. Масалан, АҚШ, Буюк Британия ва Японияда ахборотнинг барча мажмуасини тақдим этувчи икки-учта йирик кредит бюроси устунлик мавқеига эга. Бразилия, Финляндия ва Ирландия каби давлатларда эса фақат битта шундай универсал кредит бюроси фаолият кўрсатади. Бошқалари алоҳида турдаги ахборотларни тақдим этган ҳолда, асосан, бозорнинг кичик бўшлиқларини эгаллайди. Бу йирик компания ўз маълумотлар базасида максимал ҳажмдаги ишончли ва тўлиқ ахборотни жамлаши, шунингдек, ўз фаолиятида энг илғор ахборот технологияларидан фойдалана олиши мумкинлиги билан изоҳланади. Австрия, Аргентина,

Бельгия, Испания сингари давлатларда кредит ахбороти алмашинувининг икки босқичли тизими амал қилади. Яъни керакли кредит ахборотини кредит бюролари ҳам кредит ахбороти давлат реестри ҳам тақдим эта олади.

Мексикада кредит бюролари хусусий бўлиб, Марказий банк ва давлат уларнинг устав капиталида иштирок этмайди, қарздорлар тўғрисидаги барча кредит ахборотини улардан ҳақ эвазига олади. Германияда барча кредит институтлари мижозлар тўғрисидаги маълумотларни банклар хусусий мижозларининг кредит тарихи ҳисобини юритиш учун ташкил этилган “кредит операциялари хавфсизлигини таъминлаш бўйича жамият”га жўнатади.

Ахборотни йиғишга ёндашув ҳам турличадир. Масалан, Бразилияда кредит бюролари фақат салбий ахборотни тақдим этади (фаолият кўрсатаётган барча кредит бюроларининг 32 фоизи), бошқалари ҳам салбий, ҳам ижобий ахборотни тақдим этади. Ҳозирги пайтда 70 дан ортиқ мамлакатларда кредит ахбороти давлат реестрлари ишламоқда, лекин 40 та давлатда давлат реестри фаолият кўрсатиб, уларда кредит бюролари мавжуд эмас. Масалан, Хитой ва Францияда фақатгина кредит ахбороти давлат реестрлари тузилган. Бинобарин, Францияда қонунчилик Франция Марказий банкининг бўлинмаларидан бири бўлган ва давлат назорати остида турган марказий хатарлар бюросига ахборотни мажбурий тарзда тақдим этишини назарда тутаяди. Буюк Британияда иккита хусусий кредит агентлиги бўлиб, улар қарздорларнинг кредит тарихи бўйича маълумотлар базасини шакллантириш билан шуғулланади.

Европада 2003 йилда ҳисобот ташкилотларига топшириш мақсадида марказий кредит реестрлари ўртасида ахборот алмашинуви масалаларида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумни Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Италия ва Испания имзолади. 2010 йилда Ме-

морандумни Руминия ва Чехия Республикаси имзолади. Ҳзаро англашув, маълумотларни олиш воситачилар орасида тарқатиш, назорат мақсадларида фойдаланиш ушбу ҳужжатнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. Амалда бу кредит ахборотининг давлатлараро алмашинув тўғрисида дунёдаги биринчи ҳужжатдир.

МДҲ мамлакатларига келсак, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина, Молдова, Беларус Республикаси ва Тожикистонда ҳам кредит ахбороти алмашинувини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Бошқа давлатларда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Беларусда Миллий банк ҳузурида кредит бюроси фаолият кўрсатмоқда.


Халқаро молия корпорацияси билан кредит-ахборот хизматлари сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ташкил этилган "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" кредит бюроси" масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари таркибига танлов асосида Италиянинг "CRIF" халқаро кредит бюроси жалб этилганлигини қайд этиш мумкин.

Ҳозирги кунда тижорат банкларининг барча филиаллари Интернет тармоғи орқали "garov.uz" сайтига улашиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида ташкил этилган "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси маълумотлар базасидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу гаров муносабатларига тегишли барча ахборотларни фаолиятда доимий ва тезкор қўллаш ҳамда тегишли ҳулосалар чиқариш имконини беради.

Шу ўринда Ўзбекистон ички молия бозорини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий бозор сифими кичик ҳамда маҳаллий капитал бозори кам ривожланган ва хусусий секторнинг спекулятив сифдаги қарзларини тақдим қилиш учун мамлакатда фаол бозор мавжуд эмас. Юқори даражадаги давлат иштироки, шаффофлик йўқ-

лиги ва ҳуқуқ қўллашдаги тенгсизлик сабабли, банк тизими ва мамлакатда инвестиция киритиш хавфи юқори даражада бўлиши кузатилмоқда. Аҳолининг харид қилиш қобилиятининг пастлиги пассивларни жалб қилиш ва банк маҳсулотларини ривожлантириш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Халқаро талабларга жумладан, мувофиқлик тизими, молиявий ҳисобот ва корпоратив бошқарув стандартларига мувофиқликнинг даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ўзбекистонда кредитлаш амалиётлари ва андеррайтинг стандартлари жаҳон даражасидан ортда қолмоқда. Марказий банк тизимининг шаффофлигини оширишга қаратилган, жумладан, тарифларни пасайтириш ва бир қатор банк хизматлари учун комиссияларни бекор қилиш бўйича тавсияларни ўз ичига оладиган қарор қабул қилди. Молиявий ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган янги нормативларни жорий этиш. Пул-кредит сиёсатини либераллаштириш ва инфляциялик мўлжаллашни банк тизимининг инвестициялар учун шокларини камайтириш ва жозибадорлигини ошириш мақсадида такомиллаштириш. Ривожланишнинг муаммоларидан бири – лабораторияларнинг етишмаслиги ва банклар ҳамда давлат тузилмаларининг маҳсулотларга бўлган кооперация йўқлиги ҳисобланади.


Шу билан бирга, банк секторининг юқори концентрацияси: 2017 йил бошида – 5 та энг йирик банклар жами банкларнинг капиталига эга бўлган бўлса, 2018 йил бошида – фақат 3 таси. Банк секторининг пассивлари ҳажми, асосан, жалб қилинган кредитлар ва депозитлар ҳисобига йил давомида 94 фоизга ўсди (2.1-расм).



2.1-расм. Чет эл валютасида жалб қилинган кредитлар ва депозитларнинг қиймати⁴¹

Ушбу ўсишнинг 71 фоизи (ёки 50 трлн. сўм) миллий валютанинг кескин девальвацияси ҳисобига чет эл валютасида жалб қилинган кредитлар ва депозитларнинг қиймати (миллий валютада) кўпайиши билан боғлиқ.

Жаҳон мамлакатлари банк тизими тажрибасида бир неча стратегик вариантларнинг таҳлилини амалга ошириш мумкин. Шулар жумласига Япония, Россия, Сингапур ва Ҳиндистон банк тизимидаги давлатнинг иштирокини баҳолаш муҳим⁴².



2.2-расм. Хорижий мамлакатларда банк тизимидаги давлатнинг иштирокини баҳолаш

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz>

⁴² Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz>

Ушбу жараёнларни бир қанча омиллар асосида амалга ошириш тажрибаси мавжуд бўлиб, буларга:

1. Босқичма-босқич. Мавжуд моделлардан (давлат сектори иштирокининг катта даражаси) молиявий оқимларнинг ривожланиш институтлари орқали тақсимланишига, банк тизимини хусусийлаштириш ва янада тўлиқ либераллаштиришга босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу жараён Россия тажрибасида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, бу жараёнда:

а) секторни тўлиқ либераллаштиришга босқичма-босқич эволюцион равишда ўтилади;

б) молия секторининг анъанавий тузилмаларини бузишни талаб этмайди;

в) ривожланиш институтлари орқали устувор тармоқларни қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Шу билан бирга, давлат маблағларининг самарасиз сарфланиши, банк соҳасида давлатнинг катта улуши каби ҳолатлар банк тизимига бўлган барча муаммоларни ечишга имкон бермайди.

2. Либерал. Биринчи босқичда хусусий ва мустақил банклар, жумладан, давлат лойиҳалари ривожланиш институтларида амалга оширилади. Иккинчи босқичда банк бозорини тўлиқ либераллаштириш амалга ошади, давлат иштирокчиларининг йўқлиги. Давлат фақат назорат ва тартибга солиш функцияларини сақлаб қолади. Ушбу модель Япония, Сингапур мамлакатлар амалиётида қўлланилган ва унда қуйидагилар назарда тутилади:

а) секторнинг давлатнинг юқори улушини назарда тутадиган босқичсиз тўлиқ либераллаштиришга босқичма-босқич ўтиши;

б) нисбатан босқичма-босқич ўтиш, давлат иштирокининг катта улуши мавжуд босқичсиз ўтиб кетиш.

в) ривожланиш институтлари орқали устувор тармоқларни қўллаб-қувватлашга имкон беради.

г) қисқа муддатда банк соҳасининг барча муаммоларини ечишга имкон бермайди.

3. Шок. Ҳозирги ҳолатдан Сингапур банк сектори моделига кескин ўтиш. Банк бозорининг тўлиқ либераллаштириш, давлат иштирокчиларининг йўқлиги. Давлат фақат назорат ва тартибга солиш функцияларини сақлаб қолади. Ушбу модель Сингапур амалиётида қўлланилган ва унда қуйидагилар назарда тутилади:

а) банк секторининг тўлиқ либераллашувига шок равишда ўтиш;

б) қисқа муддатда банк секторининг барча муаммоларини ечиш имконини беради;

в) молия соҳасини ишлашининг анъанавий моделини бузишни талаб этади;

г) давлатга устувор дастурларни, лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун банк секторидан фойдаланишга рухсат бермайди⁴³.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда банк ҳисоб рақамларига масофавий хизматлар фойдаланувчиларининг сони тез ўсди: юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар орасида қарийб 3 баробар ва жисмоний шахслар томонидан 4,3 баробар. Инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига банк хизматларининг тарқалиши аста-секин ўсиб бормоқда. Аммо аҳолининг катта қисмини асосий банк маҳсулотлари билан ҳали ҳам таъминланмаган.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этишда замонавий дастурий таъминотлардан самарали фойдаланилган ҳолда банк маҳсулотларини кенгайтириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозим.

2.2. Ривожланган мамлакатларнинг тижорат банклар тизимидаги инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматлари

XXI аср – глобаллашув даврида жаҳон молия тизимида юз бераётган жиддий ўзгаришлар, ахборот тизими-

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси лойиҳаси. <https://uzbekistan2035.uz>

нинг дунё иқтисодиётида тутаётган ўрни мунтазам ўсиб бориши, молия бозори иштирокчиларининг талаб ва таклифга нисбатан муносабатлари ўзгариши, шунингдек, юртимизда миллий иқтисодиётни кенг қўламли ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришда янгича ёндашув ҳамда принципларнинг самарали ва тўғри қўлланилиши банк ва мижозлар ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш имконини бермоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда тижорат банклар тизимидаги замонавий инновацион дастурий таъминотлар ва махсус платформалар асосида рақамли банк ривожланиб бормоқда. Бу эса тижорат банк активларини самарали бошқаришда қўл келмоқда. Рақамли банк – инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Қолган ҳолларда унинг фаолиятини лицензиялаш стандарт тартиб-таомилдан фарқ қилмайди.

Охирги пайтларда “рақамли банклар” молия бозорига кириб келмоқда ва анъанавий банклар билан кучли рақобатлашмоқда. Буларга UniCredit (Италия), CaixaBank (Испания), Atom Bank (Буюк Британия), Halvi (Швеция) банкларини мисол келтириш мумкин. Фақат рақамли банклар икки турда фаолият юритади: биринчиси, таъсис этган банк лицензиясига мувофиқ асосан банк чакана хизматларини кўрсатади; иккинчиси, янги лицензия асосида янги товар ва хизматлар билан бозорда алоҳида юридик шахс сифатида фаолият юритади. Ҳар икки ҳолатда ҳам хизматлар рақамли тизимнинг устувор имконият ва ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда кўрсатилади ҳамда олинган тажриба ва ютуқларга таяниб келажакда анъанавий банк тизимининг ўрнини тўлиқ эгаллаш мақсад қилинган.

“Жаҳон иқтисодий форумининг 2016 йилги Глобал ахборот технологиялари ҳисоботига кўра, Финляндия, Швейцария, Швеция, Исроил, Сингапур, Голландия ва АҚШ ахборот-коммуникация технологияларни иқтисодиётга татбиқ қилиш бўйича дунёга етакчилик қилмоқда”⁴⁴.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, хорижий банклари амалиётида рақамли банкнинг муҳим элементларидан ҳисобланган приват-банкнинг; холдинг-банкнинг; интернет-банкнинг, мобил-банкнинг тизимлари (SMS-банкнинг, STK-банкнинг, Java-банкнинг, WAP-банкнинг), ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг инновацион моделлари каби замонавий банк хизматлари тобора ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Канада, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда металл тангалар муомаласи учун Penny Arcade банк автоматик қурилмаси хизматлари, почта бўлимларининг молиявий ва банк хизматлари, молиявий компаниялар (уйлар) хизматлари кенг йўлга қўйилган бўлиб, активларнинг самарадорлик даражасини сақлаб туришда ва актив операциялар ҳажмини ошириб боришда катта роль ўйнамоқда.

Ҳозир кунда тобора виртуал банкнинг тузилмалари хизматларига талаб ошиб бормоқда. Натижада ҳозирги кунда яна бир интернет-банкнинг модели пайдо бўлди: анъанавий банклар, банк хизматларини кўплаб тармоқларда, жумладан, интернет тармоғи билан боғланиб бормоқда. Узоқ хизматларни чакана тармоқ орқали хизмат кўрсатиш билан бирлаштирган бундай банклар “кўп тармоқли” деб номлана бошланди.

Банк соҳасидаги капиталлашув сезиларли даражада яхшиланишига қарамасдан, даромадларни ошириш ва харажатларни камайтириш стратегияси янада қийинлашиб бормоқда. Шу билан бирга, банк ва кредит уюшма-

⁴⁴ <https://www.weforum.org> расмий сайти маълумотлари.

ларига истеъмоличиларнинг талаблари ошиб бораётган бир даврда технологик нуқтаи назаридан ёндашув долзарб бўлиб бормоқда.

Шу ўринда Ж.Исақовни қайд этишича, "...интернет-банкнинг хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган ҳамда мижозларнинг депозит ҳисоб варақларини, жумладан, пластик карталарга очилган ҳисобварақларини Интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали киради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверидида жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча маълумотларини (тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар) кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади. Интернет-банкнинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига уланиб ўз ҳисоб рақамига тушаётган пулларни кўриши, пул ўтказмаларини тайёрлаб банкка узатиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, банк бизнесини янада такомиллаштириш, банк активларини самарали бошқариш ва мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун "сунъий ақл-идрок" (artificial intelligence) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.

"Atos" – ахборот технологиялар соҳасида Европа корпорацияси глобал молиявий хизматлар ва суғурта компаниясининг катта вице-президенти Дан Коэннинг айтишича, "Замонавий FinTech ва блокчейн технологияларининг банк хизматлари бозорига кириб келиши молиявий хизматларининг ривожланиш учун кўплаб имкониятлар очмоқда".

Ахборот технологиялар Европа корпорацияси тадқиқотида кўра, келгуси 5 йил мобайнида банкнинг келажаги учун тўртта трансформацион муаммолар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, улар:

Мижозларнинг кенг қамровдаги эҳтиёжларини қондириш. “Digital banking report” агентлиги томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида сўнги тўрт йил ичида энг муҳим тенденцияни ҳисобга олган ҳолда, молиявий институтлар жисмоний таъсирлардан рақамли алоқага ўтишлари мақсадга мувофиқ. Рақамли банклар ва кредит иттифоқлари учун харидор мунтазам ташрифларини ва харажатларни қисқартириш, мижозларнинг эҳтиёжини қондириш муаммоси долзарб бўлиб, мавжуд муаммолар бартараф этилса, банклар учун катта фойдага айланиши мумкин.

Нархларни оптималлаштириш. Рақамли рақобатнинг самарадорлиги туфайли банклар ва кредит уюшмалари нодавлат операциялардан ажралиб чиқишни ва ақлли автоматлаштириш тизимини (Intelligent automation) қўллаш ўйлашлари керак. Бундан ташқари, ташкилотларга офис жараёнларини қайта тиклаш ва маънавий эскирган инфратузилмасини ўзгартириш керак бўлади.

Янги даромад оқимларини яратиш. Банклар махсус дастурий таъминотларидан фойдаланиши харажатларнинг қисқаришига ва даромадларнинг кўпайишига ва янги имкониятларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Банк экотизими анъанавий банк хизматларини оптималлаштиради, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва сегментлар ажратади, бу фарқли таклифлар ва монетизация имкониятларини тақдим этади.

Хавфсизлик ва мувофиқлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш. Кўплаб молиявий институтлар учун мижозлар маълумоти “маҳсулот” бўлишига қарамасдан, ривожланган хавфсизлик ва илғор тушунчалар қаторида сунъий идрокни ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, харажатларни камайитиришга ва банкларнинг капиталлашувига олиб келиши мумкин.

“Innovation in Retail Banking” ҳисоботида 2018 йил банклар, истеъмолчи талабларига жавоб бериш учун

“Cloud technologies” каби булутли технологиялардан, илғор таҳлиллар ва янги тарқатиш альтернативларидан фойдаланган ҳолда, рақамлаш ҳамда инновацион ташаббусларнинг кўпайтиришига алоҳида аҳамият беришлари керак. Ахборот технологиялар Европа корпорацияси тадқиқотига кўра, ушбу ташаббусларнинг барчасида учта нарса мавжуд:

- харидорга йўналтирилган позиция;
- ҳақиқий вақтда ақлли маълумотларнинг (Intelligent data integration) интеграцияси;
- очиқ платформа пойдевори.

Ушбу ўзгаришлардан баъзилари ҳамкорликни ривожлантиришни ёки ташқи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни, банкларда эскириб қолган технологияларни модернизация қилиш ва ташкилот тuzилмаларини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда иккинчи даражали позицияни эгаллаган технологиядан фарқли ўлароқ, фақатгина операцияларни қайта ишлашни қўллаб-қувватловчи келажак технологиялари мижозларга таклиф этиш самарали бўлади ва мақсадли, хавфсиз ечимларни таклиф этади.

Технология келгусида ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, улар ўзларини бозорда янада рақобатбардош ва бозор эҳтиёжларига жавоб бериш учун қайта белгилашга қодир бўлади.

Ахборот технологиялар Европа корпорацияси келгуси беш йил мобайнида технологияларнинг бизнестасирини ва интеграция вақтини назарда тутадиган жуда фойдали Global Banking Technology Radar ишлаб чиқди .

IBM (International Business Machines) маълумотларига кўра, hybrid cloud) банк соҳасига кириб келиб, тижорат банклар ўз анъанавий технологиялардан воз кечган ҳолда, корпоратив миқёсда гибрид булутли стратегияга ўтиб боради. Гибрид булут тизимининг афзалликлари шундаки, харажатларнинг камайишига, банкларнинг самара-

дорлиги ошишига ва янги тармоқларининг кенгайишига, даромадларнинг ошишига ва кредит портфели кенгайишига олиб келади.

Тижорат банклари фаолиятида шахсий IVR-кабинет ёки IVR (Interactive Voice Response) – Овозли хабарлаш тизими сервиси ҳам мавжуд. Мазкур интеллектуал платформа уяли ёки шаҳар телефон рақамларидан банкнинг сервис рақамига қўнғироқ қилиб, шахсий IVR кабинет орқали интерактив режимда банк маҳсулотлари ва хизматлари, шунингдек, мижознинг депозит ҳисобварақлари бўйича ахборот олиш имконини беради. IVR сервисидан фойдаланувчи мижоз ахборот хизматлари бўйича хабарларни мустақил равишда улаши ёки бекор қилиши, шунингдек, ўзининг банк/карточка ҳисобварағи ҳолатини кузатиши ва бажарилган охириги операциялар ҳақида маълумот сўраб, SMS-хабар кўринишида жавоб олиши мумкин.

Бугунги кунда мобиль қурилмалар кўплаб истеъмолчилар ҳаётининг асосий қисми бўлиб, улар функционаликни оширади ва мижозларни вақтини тежайди. Мобиль инновациялар доимий равишда мобиль банкинг хизматларини ривожлантиради.

Мобиль-банкнинг ўзаро алоқаларни тезроқ, хавфсизроқ, қулайроқ қилиш хусусиятига эга бўлган ва мижозларга ўзларининг телефонларидаги мураккаб хизматларга киришга имкон бериб, мижозлар сони кўпайишига ёрдам беради. Бу мобиль-банкнинг ва мобиль тўлов қобилиятларини талаб қилади.

Ривожланган мамлакатлардаги банклар операцияларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби, қимматли қоғозларга инвестиция қилиш ва мулкни бошқариш учун сунъий ақл тизимларини қўлламоқда. Онлайн савдо қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнида IA Intelligent automation машиналаридан фойдаланиш катта иқтисодий натижаларга олиб келди. Таҳлилчиларнинг фикрига

кура, IA 2030 йилга бориб, банк соҳасини 1 триллион долларгача тежаб, банкларнинг самарадорлигини ошишига олиб келади.

2.1-жадвал

Замонавий Мобиль банкинг хизмати талаблари⁴⁵

Мезонлар	Мазмуни
Масофадан хизмат кўрсатиш	Мижоз тизимни узоқ масофадан туриб ишга тушириши мумкин
Созлаш қулайлиги	Мижоз мобиль телефонини қандай бўлса ҳам созлаши керак эмас
Ахборот олиш тезкорлиги	Мижоз маслаҳатни банкда ва уяли алоқа оператори орқали бир хил даражадаги тезкорлик ва асослилиқ билан олиши мумкин
Интерфейс қулайлиги	Тизим керакли даражадаги аниқликни таъминлаши зарур – мижоз мураккаб лотин ва араб рақамлари уйғунлигини тўлов учун эслаб қолиши керак эмас. Идеал ҳолатда –интерфейсда логотиплар, тушунарли иконкалар ва шу кабилар бўлиши керак
Банк операциялари хилма-хиллиги	Функционаллик барча талаб этиладиган банк операцияларини қамраб олиши керак
Тайёр намуналар мавжудлиги	Функционалликдан фойдаланиш оддий бўлиши керак: тайёр рўйхат мавжудлиги, олдиндан киритилган маълум доирадаги матн ва ҳоказо – мижоз мобиль телефон клавиатурасидан минимал миқдорда белгилар киритиши лозим
Воситачилик ҳақи	Тизим ёрдамида амалга ошириладиган операцияларга ҳеч қандай қўшимча воситачилик ҳақи олиниши керак эмас ёки воситачилик ҳақи рамзий бўлиши керак
Универсаллиги	Тизим турли мобил терминалларида муваффақиятли ва бир хилда ишлайди

⁴⁵ Аликориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. 2011. 8.б.

Мисол учун, Америка банклари аллақачон IA асосланган ERICA чатботни ишлаб чиққан, бу – банкнинг мижозларига овозли ва матнли хабарлар орқали молиявий консалтинг хизмати тақдим этувчи воситадир.

Хизматдан кунига 24 соат фойдаланиш ва кунлик операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу мижозларга хизмат кўрсатиш одамлардан кўпроқ пул сарфламасдан ҳар қандай вақтда хизматларга кириш имконини беради. Чатбот, вақтинча камроқ сўровларни ҳозирги вазиятга нисбатан тайёр жавобларга эга бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, IA машиналари молия бозорида савдо харажатларини камайтириш билан бозорларни самаралироқ қилади. Шунингдек, IA бозорларда хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини чеклайди ва бозорларни янада самаралироқ қилади.

Кейинги йўналиш, бу – блокчейн технологиялар ва уларнинг банк-молия соҳасидаги самарадорлиги ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, блокчейн банк соҳасига трансформацион таъсир кўрсатиши мумкин. Кўпчилик молиявий хизматларнинг бутун спектри бўйича самарадорлик, иқтисодий самарадорлик ва хавфсизликни яхшилаш учун блокчейн технологияларини қўллаётган банклар кўпайиб бормоқда. Баъзи молиявий ташкилотлар аллақачон банклараро ўтказмалар учун блокчейнлардан фойдаланишни синовдан ўтказа бошладилар, бошқалари тўловлар, фирибгарликларни камайтириш, мижозларини билиш ва кредитларни қайта ишлаш соҳасида синовлар ўтказишди. Кўпчилик IA орқали жараёнларни тартибга солиш ва автоматлаштириш сабабли, жуда катта фойда кўрди. Банкларнинг блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилганимизда, юқоридаги ахборот технологияларининг афзалликларини ўрганиш ҳамда босқичма-босқич мамлакатимиз банклари амалиётида активларни

жойлаштириш, муаммога айланиш белгиларини олдиндан аниқлашда жорий этиш ва фойдаланиш соҳа самарадорлигини оширишда аҳамиятли бўлиб, тадқиқотлар мақсад ва вазифаларига мос ҳисобланади.

2.3. Кучли ва барқарор банк муҳитини яратишнинг АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия тажрибаси ва йўналишлари

Ривожланган мамлакатларда тижорат банклари актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб, мижозлардан жалб этилган муддатли ва жамғарма депозитлар ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади, иккинчидан, тижорат банклари фаолиятининг моҳиятига кўра, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини депозит ҳисоб рақамларига жалб қилиш ва уларни кредитлар, инвестициялар шаклида жойлаштириш билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари ҳисобланади.

Фикримизча, кучли ва барқарор банк муҳитини яратишнинг асосий мезони банклар активларининг самарадорлик даражаси ҳисобланади.

Хорижий банклар тажрибасини тадқиқ этганимизда, банк активлари самарадорлигига мамлакатдаги иқтисодий вазият барқарорлиги, банк бошқаруви фаолиятининг асоси ҳисобланган стратегик, тактик ва жорий режалаштириш мавжудлиги, банк раҳбарияти ва ходимларининг малакаси, бошқарув ахборот тизимларининг ташкил этилиши, банк ресурс базасининг шаклланиш даражаси, кредитни қайтаришга қодир қарз олувчиларнинг мавжудлиги; депозит бозорининг ривожланганлиги ва барқарорлиги, банк бўлинмаларининг молиявий аҳолини мунтазам равишда кузатиб бориш имкониятининг

мавжудлиги каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда хорижий банкларда активлар самарадорлигини баҳолаш тизимлари муҳим ўрин тутди (2.2-жадвал):

2.2-жадвал

Хорижий банкларда активлар самарадорлигини баҳолаш тизимлари⁴⁶

Мам-лакат	Назорат органи	Тизимлар	Жорий этилган йил	Тизим тури
Франция	Франция банк комиссияси	ORAP - (Organisation et Renforcement de l'Action Préventive)	1997	Дистанцияли рейтинг тизими (хатарнинг олдини олиш ҳаракатларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш)
		SAABA - (Système d'Aide à l'Analyse Bancaire)	1998	Тезкор ҳаракат тизими
		SIGAL (Système d'information de l'Inspection Générale)	2001	Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ахборот тизими
Германия	Германия Федерал идораси	BAKIS (BAKred Information System)	1997	Айрим банк гуруҳларини таҳлил қилиш орқали хавфни баҳолаш тизими
АҚШ	Федерал резерв тизими	CAMELS	1980	Тармоқ рейтинг тизими
		SEER rating	1995	Тезкор ҳаракат тизими (рейтинг пасайиши)

⁴⁶ Sahajwala R., P. Van den Bergh (2000) "Supervisory Risk Assessment and Early Warning Systems", BCBS Working Paper No.4, p. 5; central banks' sites: www.oenb.at; www.bnr.ro; www.cnb.cz

		SEER risk rank	1995	Тезкор ҳаракат тизими (банк муваффақиятсизлиги прогнози)
АҚШ		BOPEC (Banksubsidiaries coveredby the bank depositinsurance fund)	1979	Банк активларини баҳолаш учун тармоқ рейтинг тизими
	OCC	Canary Project	2000	Хатарларни мониторинг қилиш ва эрта огоҳлантириш воситаси
	FDIC	SCOR (StatisticalCamels Off-site Rating)	1995	Тезкор ҳаракат тизими (рейтинг пасайиши)
		GMS (Growth MonitoringSystem)	1990	Тезкор ҳаракат тизими (банк муваффақиятлиги прогнози)
Италия	Италия банки	PATROL	1993	Масофавий рейтинг тизими
		Cox Proportional Hazard Rate	2000	Тезкор ҳаракат тизими
Буюк Британия	Молиявий хизматлар бошқармаси	RATE	1998	Банк хатарларини баҳолаш комплекс тизими
Чехия Республикаси	Чехия миллий банки	CAMELS	1998	Тармоқ рейтинг тизими
		Logit model	2001	Тезкор ҳаракат тизими (банк муваффақиятсизлиги)
Нидерландия	Нидерландия миллий банки	RAST (Risk AnalysisSupport Tool)	1999	Банк хатарларини баҳолаш комплекс тизими

Руминия	Руминия миллий банки	CAAMPLS	1999	Тармоқ рейтинг тизими
		Early Warning System of CAAMPL Rating Downgrade Events	2007	Тезкор ҳаракат тизими
		Early Warning System on Currency Crises	2006	Тезкор ҳаракат тизими
Австрия	Австрия миллий банки	CAMEL	1995	Тармоқ рейтинг тизими
		Logit and Cox hazard rate models	2004	Воқеа бошла- нишидан олдин эҳтимоллик ва вақтни баҳолай- диган эрта огоҳлан- тириш тизими
		Value at Risk	2005	Банкларнинг зарарларни қоплаш қобилиятини баҳолаш тизими моделли
		SRM (Systemic riskmonitor)	2006	Стресс тестларини ўтказиш орқали tizimли бар- қарор- ликни назорат қилиш тизими

Банк сектори нафақат мамлакатнинг иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнайди, чунки у ишончнинг иқтисодий жиҳатларига оид далилларнинг асосий элементи бўлиб хизмат қилади. Ишлаш самардорлигини аниқлаш учун банклар FAS-Financial American Standarts (АҚШнинг молиявий стандартлари) – бўйича банкнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ўлчайдиган CAMELS⁴⁷ америка моделидан фойдаланадилар.

⁴⁷ <https://cyberleninka.ru>.

Ҳозирги кунда CAMELS моделидан фойдаланган ҳолда тижорат банкларининг самарадорлигини баҳолаш тобора муҳим ва долзарб бўлиб келмоқда.

Ушбу тизимда капиталнинг етарлилиги Базель қўмитасининг капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган талабларига асосланган. Шу сабабли капиталнинг етарлилиги икки коэффицент – умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти орқали баҳоланади. Мазкур рейтинг тизимида капитал тижорат банкларининг тўловга қобилиятлилиги, активларнинг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлашнинг ишончли воситаси ҳисобланади.

Шу сабабли, CAMELS рейтинг тизимида асосланган инспекцион текшириш жараёнида тижорат банкларининг активларида юз берган ва бераётган ўзгаришларни таҳлил қилишга, сабабларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқилади.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасини кўрсатишича, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ва ривожланишида кредит муносабатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда ва банк кредитларидан фойдаланиш кўлами кенгайиб бормоқда. Мазкур жараёнда асосий вазифа кредит маблағларидан иқтисодий самара олиш ҳисобига ўз вақтида қайтаришдир. Бу эса, юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит маблағлари ва у билан боғлиқ муносабатларни кенг кўламда молиявий таҳлил қилишни талаб этмоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасаларидан бири ҳисобланган Жаҳон банки томонидан иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда банк кредитлари улушини янада ошириш мақсадида ҳудудлар иқтисодий ривожланиши, барқарор ўсиши ва фаровонликни таъминлаш йўналишларида тадқиқотлар

ўтказилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор кредит ҳажмини оширишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу жараёнда кредит тўловлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили етарлича ўрганилмаган. Кредит муносабатларида банклар молиявий барқарорлиги ва ҳужалик юритувчи субъектлар иқтисодини ривожланишини таъминлаш учун кредит рискинни минималлаштириш талаб этилади.

Фикримизча, ривожланган мамлакатларда банк мижозларининг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш тажрибасини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, бу борада кенг қўлланиладиган моделлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Альтман (беш факторли), Бивер, Лиса, Таффлер, Савицкий, Кадилова, Жданова ва ҳ.к.. Бу моделлар қарзни қайтара олмаслик даражасига қараб мижозларни лаёқатлилиқ таснифларига ажратишни назарда тутди. Амалиётда энг кўп қўлланиладиган модель бу Альтман моделидир⁴⁸.

Альтман модели кўп ҳадли чизиқли дискриминант таҳлилига (multiple discriminant analysis – MDA) асосан қурилган – қўрилаётган гуруҳлар орасида дисперсияси максимал бўладиган, гуруҳлар ўз ичида эса минимал бўладиган шундай таснифловчи ўзгарувчанларни териб олиш имкониятини берадиган статистик метод ҳисобланади⁴⁹. Методологияни ишлаб чиқишда профессор Э.Альтман 1946–1965 йиллар оралиғида банкрот бўлган 66 та корхонани текширган ва эҳтимолий инқирозни башоратлашда фойдали бўладиган 22 та аналитик коэффицентни тадқиқ этган. Ушбу кўрсаткичларда кўп

⁴⁸ http://economicportal.ru/ponyatiya-all/altman_z_model.html.

⁴⁹ John B. Caouette, Edward I. Altman, Paul Narayanan, Robert Nimmo. *Managing Credit Risk: The Great Challenge for Global Financial Markets* 2nd Edition. John Wiley; 2 edition (May 16, 2008). 528 pages.

омилли регрессион тенглама тузган. Альтман индекси корхонанинг иқтисодий салоҳиятини характерловчи бир неча кўрсаткичлар функциясини ва ўтган давр учун ишлари натижаларини кўрсатади⁵⁰.

Ушбу модель куйидагича акс этади:

(Z-ҳисоб) кредитга лаёқатлик индекси кўриниши биржада акциялари котировкаланадиган компаниялар учун:

$$1) Z = 1,2X_1 + 1,4X_2 + 3,3X_3 + 0,6X_4 + 0,999X_5$$

биржада акциялари котировкаланмайдиган компаниялар учун куйидагича тартибдаги формула келтирилади:

$$2) Z = 0,717X_1 + 0,847X_2 + 3,107X_3 + 0,42X_4 + 0,999X_5$$

Бунда,

Z – индекс қиймати;

X₁ - X₅ – молиявий кўрсаткичлар.

Бу ерда X₁ – активлар суммасига нисбатан айланма капитал дахлдорлиги;

X₂ – актив суммасига нисбатан тақсимланмаган фойданинг боғлиқлиги;

X₃ – актив суммасига нисбатан жорий фойданинг боғлиқлиги;

X₄ – қарздорликка нисбатан акциялар бозор қийматининг боғлиқлиги;

X₄ – жалб этилган капиталга шахсий капиталнинг баланс қиймати боғлиқлиги акциялари биржада котировкаланмайдиган компаниялар учун);

X₅ – активлар суммасига даромаднинг боғлиқлиги.

Альтман модели бир ва икки йилгача банкротлик эҳтимолини етарли даражада аниқ прогнозлаштиради. Z-модель амалий жиҳати нисбатан соддалиги ва қарз олувчининг кредит рейтингини аниқлашдан иборат.

1977 йилда Альтман, Холдмен ва Нараянан дастлабки

⁵⁰ Антикризисное управление предприятием: учебное пособие / сост. Т. Н. Рогова; Ульян. гос. техн. Ун-т. – Ульяновск: УлГТУ, 2014. – 200 с.С-60-62.

Z-моделдан анча деталлашган ва аниқроқ кредит лаёқатлилигини баҳоловчи моделнинг иккинчи авлодини тақдим этишди⁵¹. Уларни мақсади банкротликдан икки йил олдин активлари қиймати ўртача 100 млн. долларгача бўлган йирик корхоналар учун дефолт эҳтимолини прогнозлаштирадиган моделни ишлаб чиқиш эди. ZETA модели компаниялар банкротлигини олдиндан бир йилгача 90 фоиз аниқликда ва беш йилгача 70 фоиздан ортиқ аниқликда прогнозлаштира олади. Текширишлар натижасида ZETA модели қўлланилиши Z-моделидан юқори аниқликни кўрсатди, айниқса, узоқ муддатли истиқболни прогнозлашда.

Дастлаб моделда 27 молиявий кўрсаткичлар қатнашган, пировардида эса улардан фақат еттitasi саралаб олинди:

- X1 – активлар рентабеллиги;
- X2 – фойда барқарорлиги, охирги 5–10 йиллик учун ҳисобланган;
- X3 – фоиз қопланиш кўрсаткичи (interest coverage): бу одатда ўрнатилган даромадга эга бўлган қимматли қоғозлар бўйича фундаментал таҳлил ўтказилганда ва уларнинг рейтингини аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири саналади;
- X4 – умумий фойдалилик: ушбу кўрсаткич компания ёши, дивиденд сиёсати ва фаолият давомидаги умумий даромадлилик даражаси каби омилларни ҳисобга олади;
- X5 – жорий ликвидлилик коэффициенти;
- X6 – охирги беш йиллик ўртача капитализация баҳоси:
- X7 – компания размери: компания жами активларининг логарифми орқали ҳисобланади.

Z-моделни ва ZETA моделларини банк кредит сиёсатини

⁵¹ А.А. Лобанов и А.В. Чугунов. Энциклопедия финансового менеджмента. 4-е издание. М.: Альпина бизнес букс, 2009, 117 стр.

шаклантириш, кредит назоратини амалга ошириш, кредит баҳосини аниқлашда қўллаш ижобий натижалар беради.

Z-модели ва ZETA моделларининг камчиликлари:

- ҳар икки модель ҳам эмпирик модель ҳисобланади, яъни "саралаш орқали мослаштирилган (келтирилган)" ва ҳеч қайси асосли назарий концепцияга таянмаган;

- моделларда корхонанинг реал ҳолатини фақатгина қисман ёки бўлмаса кечиктирган ҳолда акс эттирадиган молиявий ҳисоботлар маълумотидан фойдаланилади;

- иккала модель ҳам чизиқли ҳисобланади.

Банкротлик rischi даражаси билан кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари ҳисоб-китоби мос келиши кўрсатилади.

Шундай қилиб, Альтман Z-модели ва ZETA моделларининг юқорида келтирилган камчиликларига қарамай, улар:

1. Ҳозирги кунда қарз олувчининг кредит лаёқатлилигини баҳолаш учун юқори малакали экспертларни жалб қилиш учун кўп харажат ва кўп вақт талаб этадиган классик кредит таҳлиliga қараганда кредит тўлай олмаслик эҳтимолини аниқроқ прогнозлаштиради. Бинобарин, кредит олувчининг банкротлилигини аниқлаш учун кам меҳнат талаб этадиган ва камхарж моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Умуман олганда, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятида таваккалчилигини бошқариш ва кредит таваккалчилиги даражаси ошиб кетишига йўл қўймаслик мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади ҳамда айнан шу муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

3. Мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш фаолияти доирасида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва уларни самарали

бошқаришнинг ушбу назарий-методологик жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш мамлакатимиз банк тизимининг янада ривожланишига ва мамлакатимизда корхоналарнинг кредит олиш жараёнининг янада самарали ташкил этилишига замин яратади.

Хорижий давлатларда кредитга лаёқатлилиқни башорат қилишда аксарият ҳолларда омилли моделлардан фойдаланилади. Шундай моделлардан бири сифатида тўрт омилли моделни кўрсатиш мумкин. Британия олимлари Р.Тафлер ва Г.Тишоу молиявий нобарқарорликни ифодаловчи Z-ҳисобнинг тўрт омилли моделини таклиф этишган⁵² :

$$3) Z = 0,53X_1 + 0,13X_2 + 0,18X_3 + 0,16X_4$$

X₁, - реализациядан олинган фойда / қисқа муддатли мажбуриятлар;

X₂- айланма активлар / жами мажбуриятлар;

X₃-қисқа муддатли мажбуриятлар / жами активлар (молиявий риск);

X₄- реализация тушумлари / жами активлар.

Ушбу формулада Z-ҳисобнинг бошланғич кўрсаткичи – 0,2 га тенг. Агар Z-ҳисобнинг катталиги 0,3 дан катта бўлса, у ҳолда фирманинг узоқ муддатли истиқболи ёмон эмас, агарда 0,3 дан кам бўлса, банкротлик эҳтимоли мавжуд. Ушбу моделлар орқали корхоналарнинг молиявий барқарорлик, рентабеллик ва ликвидлик даражаларини баҳолаш мумкин.


Кредитга лаёқатлилиқни аниқ, тўғри ва тезкор баҳолаш нафақат банклар учун кредит рискинни пасайтириш, балки хўжалик юритувчи субъектлар учун кредитни қайтара олмаслик рискинни қисқартириш имконини бериши билан ҳам аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018

⁵² Антикризисное управление: Учебник/Е.П.Жарковская, Б.Е. Бродский. М.: Омега-Л, 2004.–336 С- (Успешный менеджмент). С- 137.

Йил 23 мартда “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 6-банди “в” кичик бандида “тижорат банклари томонидан потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи ўз скоринг моделини яратиш, шунингдек, 5-бандида банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш⁵³” ва уларни амалиётга жорий этиш вазифаси кўрсатиб ўтилган.

Ушбу муҳим вазифалардан келиб чиқиб, фикримизча, юқоридаги моделлар Ўзбекистондаги корхоналарни ўрганиш натижасида ишлаб чиқилгани боис уларни Ўзбекистон шароитида татбиқ этишда иқтисодийотимизнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш лозим.



2.3-расм. АҚШ иқтисодийотидаги тижорат ва саноат кредитларининг умумий миқдори⁵⁴

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620-сонли қарори. www.lex.uz.


⁵⁴ <https://fred.stlouisfed.org> расмий интернет сайти маълумотлари.

Банк секторининг соғлом муҳитни яратиш борасида иккита кўрсаткичи бор. Тадқиқотлар давомида таҳлил этилган биринчи иқтисодий кўрсаткич иқтисодиётдаги тижорат ва саноат кредитларининг умумий миқдори.

Кўриб турганимиздек, тижорат ва саноат барқарор тижорат кредитлари билан таъминланган. Кредитлар турғун, аммо турғунлик барқарорликдир. Бизнес кредитлари реал иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолмоқда.

Таҳлиллар доирасида кредитларнинг 2,2 фоиз ўсиш кўрсаткичи кичик кўринади. Аммо бизнес кредитлари бўйича бу кўрсаткич 46,1 млрд. доллар. Бу 2012 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда йилига 100–200 миллиард долларга яқинлашиб келаётган бўлса, бу ўсиш умуман тикланган банк сектори билан тарихий жиҳатдан ўшашдир. Бу бизнесни кредитлашдаги барқарорлик АҚШ банкларининг умумий барқарорлиги учун кучли кўрсаткичдир.

АҚШ банклари активлари портфели таҳлил қилишга ёрдам берадиган иккинчи иқтисодий кўрсаткич банкларнинг барча кредитлари ва лизингларининг умумий миқдоридир (2.4-расм).



2.4-расм. Банклардаги барча кредитлар ва лизингларининг умумий миқдори⁵⁵

⁵⁵ <https://fred.stlouisfed.org> расмий интернет сайти маълумотлари.

Ушбу расмда келтирилган маълумотлар АҚШ иқтисодида фаолият кўрсатадиган ҳар бир тижорат банкининг барча кредитлари ва лизинглари қиймати ҳисобланади. Бунга ўқув кредитлари, бизнес кредитлари, ипотекалар, автоуловлар, автомобиль лизинги киради. Фақат сўнги ўн икки ойда АҚШ банкларида кредит ва лизингга 352,1 миллиард доллар қўшилди. Бу Мисрнинг ялпи ички маҳсулотидан кўпроқдир.

2.3-жадвал

Дунёнинг энг кучли 20 та банки
(банк активлари бўйича млрд. АҚШ доллари
2018 йил)⁵⁶

Банк	Мамлакат номи	Жами активлар	Ўрни
Industrial & Commercial Bank of China	Хитой	4 005,58	1
China Construction Bank Corp	Хитой	3 397,13	2
Agricultural bank of China	Хитой	3 232,68	3
Bank of China	Хитой	2 989,16	4
Mitsubishi UFJ Financial Group	Япония	2 773,82	5
JPMORGAN chase & co	АҚШ	2 533,60	6
HSBC holdings	Буюк Британия	2 521,77	7
Bnp paribas	Франция	2 348,11	8
Bank of America	АҚШ	2 281,23	9
China Development Bank	Хитой	2 201,86	10
Credit Agricole Group	Франция	2 112,04	11
Wells Fargo	АҚШ	1 951,76	12
Japan Post Bank	Япония	1 873,50	13
Mizuho Financial Group	Япония	1 850,10	14
Sumitomo Mitsui Financial Group	Япония	1 847,47	15
Citigroup INC	АҚШ	1 843,06	16
Deutsche Bank	Германия	1 766,85	17
Banco Santander	Испания	1 730,08	18
Barclays PLC	Буюк Британия	1 528,89	19
Societe Generale	Франция	1 527,43	20

56 <https://www.relbanks.com> расмий интернет сайти маълумотлари.

Келтирилган жадвалларда жами активлар бўйича дунёдаги энг йирик банклар рўйхати келтирилган. Олти йил мобайнида Хитойнинг саноат ва тижорат банки (ISBS-INDUSTRIAL & COMMERCIAL BANK OF CHINA) дунёдаги энг йирик банк бўлиб, унинг активлари 26 087 триллион юанни (4 триллион АҚШ доллари) ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, у дунёдаги энг йирик банк бўлиб, омонатлар, кредитлар, мижозлар ва ишчилар сони бўйича етакчилик қилмоқда. Ҳозирги кунда дунёда энг йирик банклардан тўрттаси Хитой молия институтлари ҳисобланади.

Биринчи ўнталikka эга банкларнинг жами активлари 28 трлн. долларни ташкил қилмоқда. "Banks around the World" хабарига кўра, дунёда энг кўп активлар 100 та банк таркибига 20 та Хитой банки, 10 та АҚШ банки, 6 та Буюк Британия банки, 6 та Франция банки, 9 та Япония банки, 6 та Германия банки, 5 та Канада банки, 5 та Жанубий Корея банки, 5 та Бразилия банки, 4 та Австралия банки, 3 та Италия банки, 3 та Испания банки, 3 та Голландия банки, 2 та Сингапур банки, 2 та Швейцария банклари кирган.

Юқоридаги жадвалдан маълум бўладики, дунё тижорат банкларининг барчаси бозор капиталлашуви бўйича юқори кўрсаткичларни тақдим этмоқда. Айрим банкларда эса ушбу кўрсаткич 4-6 баробар кўпроқдир. Улар орасида JP Morgan Chase & CO 390,9 млрд. доллар, Industrial & Commercial bank of China (ICBC) 345,21 млрд. доллар, Bank of America 325,33 млрд. долларни ташкил қилмоқда.

Дунёнинг энг кучли 30 та банки (банк активлари буйича миллиард АҚШ доллари. 2018 йил)⁵⁷

Банк	Мамлакат номи	Жами активлар	Ўрни
Royal Bank Of Scotland Group	Буюк Британия	995,72	1
Industrial Bank Co. Ltd	Хитой	985,64	2
China Merchants Bank	Хитой	966,11	3
Intesa Sanpaolo	Италия	954,53	4
Credit Mutuel	Франция	950,53	5
Ubs Group ag	Швейцария	937,80	6
Shanghai Pudong Development Bank	Хитой	942,77	7
Goldman Sachs Group	АҚШ	916,78	8
Agricultural Development Bank Of China	Хитой	873,41	9
China Minsheng Banking corp	Хитой	859,40	10
Morgan stanley	АҚШ	851,73	11
China Citic Bank Corp	Хитой	832,99	12
BBVA	Испания	826,59	13
Credit Suisse Group	Швейцария	815,58	14
Bank of Nova Scotia	Канада	754,50	15
Commonwealth Bank of Australia	Австралия	750,77	16
Rabobank Group	Голландия	722,30	17
Australia & New Zealand Banking Group	Австралия	700,35	18
Nordea	Швеция	695,79	19
European Investment Bank	Люксембург	686,65	20
Westpac Banking corp	Австралия	664,87	21
Standard Chartered plc	Буюк Британия	663,50	22
National Australia Bank	Австралия	615,51	23
China Everbright Bank	Хитой	627,73	24
Dz Bank ag	Германия	605,64	25
Bank of Montreal	Канада	578,53	26

⁵⁷ <https://www.relbanks.com> расмий интернет сайти маълумотлари.

Sumitomo Mitsui Trust Holdings	Япония	569,94	27
Danske Bank	Дания	569,33	28
KFW Group	Германия	565,39	29
Commerzbank	Германия	541,43	30

Тижорат банкларининг тўловга қобиллигини ва уларнинг балансини ликвидлигини тавсифловчи асосий иқтисодий меъёрлар бўлиб, капиталнинг етарлилик коэффициенти, жорий ликвидлик коэффициенти ва бозор капиталлашуви бўйича белгиланган меъёрлар ҳисобланади. Чунки учала меъёрнинг бажарилиши банкнинг тўловга қобиллигини сақлаш имконини беради. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунё тижорат банклари томонидан ушбу иқтисодий меъёрга риоя этиш амалиётининг таҳлили мазкур меъёрга риоя этиш борасида жиддий муаммолар мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Хорижий тажриба нуқтаи назаридан, АҚШ ва Европа мамлакатлари тажрибаси қаторида Россия молия-банк тизими фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Россия Марказий банки томонидан тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш икки хил усул бўйича амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Пул-кредит инструментлари асосида ва иқтисодий меъёрларни ўрнатиш орқали амалга оширилмоқда.

Тижорат банклари иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорига ҳар доим амал қилиб боришни таъминлашлари учун қуйидаги соҳаларда ишни самарали ташкил этилиши талаб этилади:

- банк портфелини яхшилаш;
- банк амаллари билан боғлиқ хатарларни камайтириш;
- банк баланси ликвидлигини таъминлаш;
- ўз сармоясининг адекватлигини таъминлаш;
- зарарлар ўрнини қоплаш захирасини вужудга келтириш.

Ҳозирги кунда Россияда умуман банк тизимининг барқарорлиги, ишончилиги ва барқарорлиги масала-

лари ва унинг элементлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк барқарорлиги ташқи ва ички омилларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишнинг зарур даражасини таъминловчи динамик ҳолатни англатади. Банкнинг барқарорлиги унинг илғор ҳаракатининг шарти сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Россия банкларининг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан улар фаолиятининг молиявий натижалари, банклар томонидан қабул қилинадиган таваккалчилик даражаси, банкларнинг ликвидлиги ва рентабеллиги билан боғлиқ.

Банк ликвидлиги муайян санада банкнинг аҳолини тезкор баҳолашни назарда тутади. Шу билан бирга, тижорат банкларининг балансида аналитик ва синтетик ҳисобга олиш маълумотлари банкнинг жами ликвидлигини ҳисоблаш учун мақбул бўлган шаклда тақдим этишни таъминлаши керак. Тижорат банкининг ликвидлиги ва тўлов қобилияти бир қатор макроиқтисодий ва микроиқтисодий омиллар таъсирида шаклланади. Микроиқтисодий омиллар тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига таъсир қилади. Банкнинг ресурс базаси, инвестициялар сифати, бошқарув даражаси, банк фаолиятининг функционал тузилиши ва рағбатлантирилиши асосий омиллардир.

Банк учун унинг фаолияти нафақат ички таҳлил қилиш, балки унинг ишлашини бошқа банклар натижалари билан таққослаш ҳам жуда муҳимдир.

Бугунги кунда Россияда тижорат банклари фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборотлар етарли эмас. Шунинг учун банклар рейтинги уларнинг фаолиятини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Дунёнинг ҳар бир мамлакатада ўзига хос ривожланиш муаммолари мавжуд. Бу миллий барқарор ривожланиш стратегиясини тўлиқ акс эттиради. Бозор иқтисодиётида банк тизими активларини ривожланиш тенденцияларини миллий даражада кузатиб бориш муҳимдир (2.5-жадвал):

**Россия Федерацияси банк тизими активлари
портфелининг асосий кўрсаткичлари, млрд. рублда⁵⁸**

№	Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1	Жами активлар	77 653	83 000	80 063	85 192	94 084	96 581
2	Номолиявий соҳага ажратилган кредитлар	29 536	33 301	30 135	30 193	33 372	33 777
3	Молиявий соҳага ажратилган кредитлар	1 306	1 659	2 777	4 170	4 215	4 628
4	Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	11 330	10 684	10 804	12 174	14 901	17 651

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Россия Федерацияси банк тизимида 2014–2019 йиллар мобайнида активларнинг йиллик ўртача ўсиши 4,6 фоизни ёки 3 785,6 млрд. рублни ташкил этди. Мазкур давр оралиғида номолиявий соҳага ажратилган кредитларнинг йиллик ўртача ўсиши 3,0 фоизни ёки 848,2 млрд. рублни, молиявий соҳага ажратилган кредитлар 31,1 фоизни ёки 664,4 млрд. рублни, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 9,8 фоизни ёки 1 264,2 млрд. рублни ташкил этди. Шунингдек, 2014–2019 йиллар мобайнида актив амалиётлар таркибида юқори кредитлаш фаоллиги кўрсаткичи жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнида кузатилди, яъни жами активлар таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар улуши 2014 йилда 14,6 фоизни, 2019 йилда эса 18,3 фоизни ташкил этди.

Аксинча, жами активлар таркибида номолиявий соҳага ажратилган кредитларнинг улуши 2014 йилда 38,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 35,0 фоизга пасайди.

2017 йилнинг иккинчи ярмида, Россия банк сектори активларининг номинал динамикаси ижобий тенденци-

58 О развитии банковского сектора Российской Федерации в 2019 году. Информационно-аналитический материал.-М.: Центральный банк Российской Федерации, 2020.

яни кўрсатди. Бунда кредитларнинг ўсиши, асосан, паст фоиз ставкаларига боғлиқлигини кузатиш мумкин. Россия банк сектори активларини консолидация қилиш суръати 2018 йилда нисбатан юқори даражада сақланиб қолди. Биринчидан, лицензияларни қайта кўриб чиқиш ва тижорат банкларини соғломлаштириш охириги пайтларда энг ишончли банкларга сезиларли даражада мижозлар оқимининг тўпланишини таъминлади. Иккинчидан, ставкаларнинг пасайиши йирик банкларга ёрдам берди. Бу ерда ўрта ва кичик банклар сезиларли даражада ўсиши мумкин. Бундан ташқари, банк бозоридаги қатнашчиларнинг давомий қисқариши, табиий равишда, саноатнинг мустақкамланишига олиб келади⁵⁹.

Россия Федерацияси банк тизимини ривожланишида тижорат банкларининг ўзига хос ўрни мавжуд. Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда тижорат банклари активлари фаоллик билан ўсиб бормоқда (2.6-жадвал).

Жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда, 2012–2019 йиллар мобайнида Россия Федерацияси банклари ўртасида активларнинг юқори улуши Сбербанк ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, мазкур давр оралиғида активларининг йиллик ўртача юқори ўсиш кўрсаткичи ВТБ банкда – 39,0 фоиз ёки 1 465,4 млрд. рублни, Газпромбанкда – 21,6 фоиз ёки 544,7 млрд. рублни, Промсвязьбанкда – 16,3 фоиз ёки 168,3 млрд. рублни, Альфа банкда – 15,8 фоиз ёки 295,14 млрд. рублни, Россельхозбанкда – 12,6 фоиз ёки 296,0 млрд. рублни, Сбербанкда – 11,7 фоиз ёки 2 194,5 млрд. рублни, Райффайзенбанкда – 11,5 фоиз ёки 89,8 млрд. рублни ташкил этмоқда.

⁵⁹ Rating of the largest Russian banks in terms of profitability as of January 1, 2018 [Electronic resource] // "RIA Rating" (date of access: March, 31 2018).

**Россия Федерациясининг айрим банклари
активлари динамикаси, (млрд. рублда)⁶⁰**

№	Банклар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1	Сбербанк	13 612	15 986	20 451	22 433	22 607	23 633	27 357	28 973
2	ВТБ	4 226	5 263	7 718	8 742	9 959	4 226	13 832	14 484
3	Газпром-банк	2 802	3 511	4 528	4 984	5 268	2 802	6 181	6 614
4	Россельхозбанк	1 615	1 842	2 114	2 552	2 760	3 118	3 228	3 687
5	Альфа-Банк	1 232	1 496	2 124	2 166	2 342	2 700	3 243	3 298
6	Пром-связьбанк	652	759	1 005	1 221	1 311	1 326	1 663	1 830
7	Росбанк	666	751	891	886	784	929	1 018	1 212
8	Райффайзенбанк	597	763	906	874	833	870	1 058	1 226
9	Ситибанк	359	250	382	420	425	498	537	579
10	Банк Зенит	224	259	289	277	263	242	237	256

Банк активларининг ўсиши билан бирга, активлар портфелида муддати ўтган қарздорликлар миқдорини назорат қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга, мазкур кўрсаткич активлар портфели сифатини ифодаловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Россия банк тизимида кредит портфелидаги муаммоли активларнинг улуши 2019 йил бошида 12,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 11,3 фоизга пасайди. Шунингдек, чакана кредитлари ҳажмини 2019 йил бошига нисбатан кескин ўсишига қарамадан мазкур кредитлар портфелидаги муаммоли қарздорликлар улуши 6,8 фоизгача пасайди. Ушбу кўрсаткич Россия Федерацияси банкларининг 2012–2019 йиллар оралиғидаги қуйидаги маълумотларида кўриш мумкин (2.7-жадвал):

⁶⁰ Жадвал www.banki.ru расмий сайти маълумотлари асосида тузилган.

Россия Федерациясининг айрим банклари активлари портфелида муддати ўтган кредит қарздорлиги динамикаси, (млрд. рублда)⁶¹

№	Банклар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1	Сбербанк	286,9	287,3	350,6	545,6	458,7	416,7	446,6	478,5
2	Газ-промбанк	10,7	14,1	24,5	56,7	97,8	65,8	82,9	103,4
3	ВТБ	106,3	101,5	107,4	117,7	131,1	180,8	268,6	245,5
4	Россельхозбанк	107,2	111,6	152,5	199,6	194,1	207,2	230,5	205,2
5	Промсвязьбанк	16,6	17,1	30,9	80,6	85,1	70,4	79,5	84,2
6	Альфа-Банк	27,7	44,9	66,5	152,4	146,5	167,9	123,5	171,9
7	Росбанк	33,9	32,8	32,6	37,4	36,9	30,3	26,4	27,5
8	Райффайзенбанк	13,1	11,6	17,4	28,1	26,8	20,5	18,2	15,4
9	Ситибанк	73,3	152,3	181,6	500	320,7	350,4	227,8	281,1
10	Банк Зенит	4,6	4,2	5,5	7,1	10,1	9,5	4,6	7,3

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, деярли келтирилган барча банкларда 2015 йилда муддати ўтган кредит қарздорликлари ўсган, 2016 йилда эса мазкур кўрсаткичда пасайиш юз берган. Умуман олганда, танланган тижорат банкларида 2012–2019 йиллар оралиғида муддати ўтган кредит қарздорликларининг йиллик ўртача ўсиши Сбербанкда – 27,4 млрд. рублни, Газпромбанкда – 13,2 млрд. рублни, ВТБ банкда – 19,9 млрд. рублни, Россельхозбанкда – 14,0 млрд. рублни, Промсвязьбанкда – 9,7 млрд. рублни, Альфа-Банкда – 20,6 млрд. рублни, Райффайзенбанкда – 0,3 млрд. рублни, Ситибанкда – 29,7 млрд. рублни, Банк Зенитда – 0,4 млрд.

61 Жадвал www.banki.ru расмий сайти маълумотлари асосида тузилган.

рублини ташкил этган, Росбанкда эса, – 0,9 млрд. рубль камайиш кузатилган.

Таҳлиллар Россия Федерацияси банк тизимида активлар рентабеллиги кўрсаткичини ҳам ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, активлар рентабеллиги кўрсаткичи 01.01.2018 йил ҳолатига 1,0 фоизни ташкил этган бўлса, 01.01.2019 йил ҳолатига 1,5 фоизни, 01.01.2020 йил ҳолатига 2,2 фоизни ташкил этди. Аммо алоҳида банклар тизимида бу кўрсаткич таҳлил қилинса, айрим тижорат банкларини пасайганлигини кўриш мумкин (2.8-жадвал):

2.8-жадвал

Россия Федерацияси банк тизимида активлар рентабеллиги кўрсаткичи

№	Банклар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1	Сбербанк	2,51	2,60	1,79	1,02	2,29	2,98	3,26	3,10
2	Газпром-банк	1,79	0,88	0,93	-0,59	0,66	0,73	0,49	0,99
3	ВТБ	0,46	0,95	1,42	0,77	0,81	1,05	1,77	1,30
4	Россельхоз банк	0,15	0,22	0,06	-1,55	0,00	0,07	0,17	0,33
5	Пром-связьбанк	1,40	0,60	0,02	1,23	1,11	1,34	0,80	0,50
6	Альфа-Банк	2,03	2,22	4,29	1,25	-0,12	1,61	3,35	1,90
7	Росбанк	2,18	0,03	0,83	-0,38	0,89	0,78	1,08	1,10
8	Райф-файзен-банк	2,97	3,50	3,17	2,49	2,76	2,84	2,47	3,36
9	Ситибанк	3,25	2,21	1,29	3,59	2,09	2,83	2,33	2,76
10	Банк Зенит	1,50	0,73	-0,05	-1,15	-2,20	-0,69	0,24	1,46

Жадвалдан кўринадики, активлар рентабеллиги кўрсаткичининг юқори даражаси Райффайзенбанк (3,36 фоиз) ва Сбербанк (3,10 фоиз)да кузатилган. Шунингдек, активлар рентабеллиги кўрсаткичининг пасайиши 2019 йилда 2018 йилга нисбатан Сбербанкда

– 0,16 фоиз, ВТБ банкда – 0,47 фоиз, Промсвязьбанкда – 0,30 фоиз, Альфа-Банкда – 1,45 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси банк тизими учун 2017 йил “фойдали” бўлди. Чунки ойлик ижобий натижаларга эришилди. Бунда банк тизимининг тузилмасини ва CAMELS тижорат банкларининг самардорлик модели кўрилган. Кўрсатилган бешта банкнинг кўрсаткичлари асосида, муаллифлар ушбу модель учун Россиянинг энг барқарор банклари рейтингини тузганлар. Хусусан, жорий йилнинг бошида банк секторининг даромадлари юқори ўсиш суръатлари билан ажралиб турди ва унинг ҳажми 100 млрд. рублдан ошди ва фақат саккиз ойнинг учтасида бу даражадан паст бўлди. Апрель ойида банкларнинг даромади 215 миллиард рубль даражасида бўлиб, ой учун фойда миқдорида янги тарихий рекорд ўрнатилди. Бошқа томондан, сентябрдан бошлаб, банкларнинг даромад кўрсаткичи пасая бошлади. Сентябрь ойида, 322 миллиард долларга тенг ойлик йўқотиш кузатилди. Шу билан бирга, сентябрь ойи нафақат Россия банк сектори учун 2017 йил учун фойдасиз, декабрь эса салбий молиявий натижага (-81 миллиард рубль) эга бўлди. Шундай қилиб, 2017 йили банк сектори фойда ва зарарни ҳисобга олиш билан бир вақтда, бу одатда салбийроқ ва банк соҳасида сезиларли инқирозни кўрсатмоқда. Россиядаги банк секторининг активларини қайтариш 2017 йилда сўнги йиллардаги стандартлар бўйича салбий натижани кўрсатди. Шундай қилиб, 2018 йил 1 январда тугалланган 12 ой мобайнида активлар даромади (ROA) 2017 йил бошида 1,15 фоизга нисбатан 0,97 фоизни ташкил этди (2015 йилда 0,25 фоиз). Шундай қилиб, уч банк гуруҳининг (Банк очик акциялари, банклар гуруҳи БИН, Промсвязьбанк) молиявий соғломлаштирилиши активлар даромадини сезиларли даражада таъсир қилди. Шуни таъкидлаш керакки, август ойида банк секторининг даромадлари энг юқори чўққисига етганида, банк

активларининг рентабеллиги 1,74 фоизни ташкил этди. Россиядаги энг даромадли банк мутлақ тарзда, шунингдек, сўнги 20 йил мобайнида Сбербанк бўлди. У 2017 йилда 848 миллиард рубль фойда кўрди, бу ўтган йилга нисбатан 27 фоиз кўпдир. Сбербанкнинг яхши натижаларига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар аниқ фоизли харажатларнинг ўсиши (асосан, молиялаштириш харажатлари пасайиши ҳисобига), комиссия даромадларининг ўсиши, қимматли қоғозлар билан операциялардан олинadиган даромадларнинг ўсиши бўлди. Ўтган йили солиққа нисбатан мутлақ фойданинг иккинчи қисми ВТБ банк бўлди. Унинг молиявий натижаси 76 миллиард рублни ташкил этди, бу эса етакчининг натижаларидан кўра каттароқ тартибга эга.

Бундан ташқари, тижорат банкларини CAMELS моделидан тўлиқ фойдаланишни баҳолаш учун ликвидлик стандартларини ҳисобга олиш керак (2.9-жадвал):

2.9-жадвал

Россияда тижорат банкларининг ликвидлик стандартларининг таҳлили⁶²

№	Банкларнинг номи	Л1, %	Л2, %	Л3, %	Л4, %	Л5, %
1	Райффайзен-банк	6,93	10,26	5,85	7,58	117,4
2	Россельхозбанк	8,35	16,18	6,53	7,79	275,05
3	ВТБ	2,61	6,80	4,9	6,15	100,15
4	Пост банк	10,53	10,53	10,16	13,11	132,21
5	Сбербанк	6,36	13,49	6,24	7,86	222,15
Муқобил қиймат		8-12	12-15	15-20	100	

Л1 - “биринчи даража захираси” даражасини баҳолаш учун мўлжалланган;

⁶² CAMELS RAIFFEISENBANK [Electronic resource] // Portal of the bank analyst (date of access: March, 31.2018).

Л2 - "иккинчи босқич захирасини" баҳолаш даражасига хизмат қилади;

Л3 - баланс структурасида талаб қилинадиган юқори ликвидли активларни тавсифлайди;

Л4 - банкнинг барча мажбуриятларини бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш қобилиятини баҳолайди;

Л5 - оптимал ликвидлиликка эришиш учун банкнинг фаол ва пассив сиёсат балансини тавсифлайди.

Жадвалда келтирилган маълумотларга қараганда, муддатли депозит ва муддатли депозитлар бўйича жалб қилинган ВТБ банк ресурсларининг фақат 2,61 фоизига биринчи даражали ликвидлиги, бошқа тижорат маълумотлар банклари юқорида ёки нормада. Бундан ташқари, Л2 коэффициенти меъёрдан паст, шунинг учун банкнинг ресурс базаси барқарор эмас ва биринчи даражали суюқ маблағлар билан таъминланадиган маблағлар етарли миқдорда эмас.

Тақдим этилган банкларнинг Л3 ва Л4 коэффицентлари мақбул қийматдан паст, бу банк активларини нақд пул алмаштириш имконияти етарли эмаслиги ва жалб қилинган маблағларнинг тавсия этилган қиймати (камида 15%) юқори ликвидли активлар билан қопланмаганлигини кўрсатади. Л5 ликвидлиги даражаси оптимал қиймати 100 фоизни ташкил этади (жорий активларнинг классик нисбати ва жорий мажбуриятлар 1:1).

Шу билан бирга, тақдим этилган банклардаги бу нисбат 100 фоиздан ортиқ, бу тижорат банкларининг даромадлари харажатлардан ошиб кетаётганлигини кўрсатади. Л5 ликвидлиги даражаси оптимал қиймати 100 фоизни ташкил этади (жорий активларнинг классик нисбати ва жорий мажбуриятлар 1:1). Шу билан бирга, тақдим этилган банклардаги бу нисбат 100 фоиздан ортиқ, бу тижорат банкларининг даромадлари харажатлардан ошиб кетаётганлигини кўрсатади.

Келтирилган таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, Россия Федерацияси банк тизимида активларни самарали бошқариш қуйидагилардан иборат:

- банк даромади ва харажати ўртасидаги маржа ўринишидаги фарқнинг ўсиши;
- даромад ва кредит ресурслари таваккалчилигига етарли даражада риоя қилиш;
- банк активларида фоиз ставкаси ўзгариши билан фоиз таваккалчилигини камайтириш мақсадида эътиборни қаратиш;
- банк активларини турли активларга жойлаштириш юқори ликвидлик даражасини ушлаб туриш.

Юқорида хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиши асосида қуйидаги фикрларни илгари суриш зарур, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, миллий хусусий тижорат банклари ва бошқа молия институтлари аҳолининг молиявий хизматларга эҳтиёжини қоплайди, ривожланиш институтлари ва хусусий инвесторлар давлат лойиҳаларини молиялаштиради. Бу борада инфратузилма янги-ланишини, замонавий банк амалиёти ва стандартларини жорий қилиш, шу жумладан, замонавий IT тизимларини мунтазам жорий этиб боришни, рақамли банкингга ўтиш ва илгари киритилган хизматлар турларини сақлашни, банк секторининг тўлиқ либераллашувини таъминлаш зарур бўлади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

3.1. Тижорат банклари активлари самарадорлик кўрсаткичлари ва унга таъсир қилувчи омиллар

Миллий ва жаҳон молия бозорларидаги кескин рақобат шароитида банклар фаолиятидаги ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиб бориш, бошқариш қарорларини асосланган таҳлилий маълумотларга таяниб қабул қилишни тақозо этади. Бундай ҳолатда менежерлардан банк фаолиятини ҳар бир йўналишидаги тенденцияларни комплекс равишда баҳолаб бориш талаб қилинади. Баҳолаш жараёнида турли гуруҳларга ажратилган самарадорлик кўрсаткичларига таянилади.

Фикримизча, тижорат банкларида активларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш, уларни умумлаштиришнинг бир қатор зарурий жиҳатлари мавжуд.

Биринчидан, банкларда самарадорлик кўрсаткичлари банк активларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш омилларини намоён этади. Ушбу омиллар таҳлили асосида банк раҳбарияти томонидан активларнинг жорий ва истиқболли ҳолати баҳоланади, активларни бошқариш юзасидан қарор қабул қилинади.

Иккинчидан, самарадорлик кўрсаткичлари банк-молия тизимининг юқори поёнасидаги кредит-молия институтларига назорат ва баҳолаш функциясини амалга оширишда зарур маълумотларни йиғиб бериш вазифасини бажаради.

Учинчидан, самарадорлик кўрсаткичлари банк тизимининг инвестициявий салоҳиятини баҳолашда муҳим

ўрин тутади. Бунда банкнинг молиявий кўрсаткичларини яхшиланиши халқаро молиявий институтларнинг барқарор кредит линияларини самарали ўзлаштиришга хизмат қилади.

Миқдорий кўрсаткичлар банк активларининг таркибий ўзгаришларини миқдорий жиҳатдан ифодалайди. Мазкур кўрсаткичлардан активларни мутлақ миқдорларининг ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Банк активлари самарадорлигининг сифат кўрсаткичлари миқдорий кўрсаткичларнинг ички ва ташқи омиллар таъсирида ижобий ёки салбий томонга ўзгаришини кўрсатиб беради. Шунингдек, сифат кўрсаткичлари миқдор кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлигини ифодалайди.

Тижорат банклари амалиётида активлар самарадорлигини ифодаловчи қиёсий кўрсаткичлар актив амалиётлар билан боғлиқ кўрсаткичларни муайян даврга, жамига нисбатан таққослашда қўлланилади.

Миллий ва халқаро молия бозорлардаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиши банклар активлари самарадорлигини баҳолашда интеграл кўрсаткичларнинг шаклланиши ва ривожланишига замин яратмоқда. Интеграл кўрсаткичлар активлар самарадорлигига омиллар таъсирини комплекс таҳлил қилишда фойдаланилади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг активлари самарадорлигини баҳолашда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бундай кўрсаткичларга активлар рентабеллиги (ROA), кредит ва фоиз самарадорлиги каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Маълумки, бирламчи қиймат омиллари банкларнинг бозор, операцион, инвестицион, молиявий фаолияти ва унинг қиймат яратиш қобилиятига комплекс баҳо беради. Фаолият юритишнинг якуний натижалари ҳисобланган фойда рентабеллик кўрсаткичларини бирламчи қиймат омилларидан кўра тўлароқ тавсифлайди. Чун-

ки мазкур кўрсаткич нақд ва фойдаланилган ресурслар билан самара нисбатини кўрсатади. Тижорат банклари фойдасини баҳолаш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилади:

- мос келувчи ўзгаришлар ва йўналишлар фаолияти самарадорлигини аниқлаш;
- унинг қийматини ошириш бўйича вақт жиҳатидан бошқарув самарадорлигини белгилаш.

Бунда, биринчи навбатда, коэффициент усули ёрдамида риск ва ноаниқлик шароитларида банк фаолияти молиявий натижаларига бошқарув таъсирини аниқлаш ва қатор бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, айрим иқтисодчи олимлар риск ва беқарорлик шароитида нисбий кўрсаткичларни афзал билади.

Ж.К.Ван Хорн ва Ж.М.Вахович фикрига кўра, рентабеллик кўрсаткичлари якуний натижаларни фойдадан кўра тўлароқ тавсифлайди. Чунки уларнинг ҳажми киритилган капитал ёки истеъмол қилинган ресурслар билан самаранинг нисбатини акс эттиради. Улар ташкилот фаолиятини баҳолаш учун ҳам, инвестиция сиёсати воситаси сифатида ҳам фойдаланилади⁶³. Рентабеллик иқтисодий тоифа, баҳолаш натижавий кўрсаткичи ва турли молиялаштириш манбаси сифатида намоён бўлади. Натижавий кўрсаткич сифатида у мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди, бизнес юритиш самарадорлигини ва фаолият ҳажмининг ўсишини (пасайишини) акс эттиради. Масалан, О.Н.Ефимова, А.Д.Шеремет “рентабеллик”, “даромадлилик”, “самарадорлик”, “фойдалилик” тушунчаларини бир-биридан ажратмайди ва улардан синоним сифатида фойдаланади⁶⁴. Валерий ва Виталий Ковалевлар фойдалиликни бизнеснинг “фойда

⁶³ Жеймс К. Ван Хорн, Жон М. Вахович, Основы финансового менеджмента: [пер. с англ.] – М.: Вильямс, 2016. – 1232 с.

⁶⁴ Ефимова О.В. Финансовый анализ: 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во “Бухгалтерский учет”, 2002. – 528с

қилиш”, яъни молиявий натижа – бизнес муваффақия-
тининг далолати ҳосил қилиш имконияти ва қобилияти
сифатида тавсифлайди⁶⁵.

Юқоридаги иқтисодчиларнинг фикрларини таҳлил
қилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, тижорат банклари
фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўр-
саткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобла-
нади. Рентабеллик – тижорат банклари фойдалилик да-
ражасини тавсифлайди. Одатда унинг бир неча турлари
ҳисоб-китоб қилинади.

Тижорат банклари рентабеллиги даражасини таҳлил
қилиш кенг ўрганилган мавзулардан бири ҳисобланади.
Ушбу мавзу қанчалик чуқур ўрганилса, шунча амалиётда
қўллаш мумкин бўлган фойдали таклифлар вужудга кел-
моқда. Шу нуқтаи назардан банк активлари даромадли-
лигини таҳлил қилиш усулларини тадқиқ этиш долзарб
мавзу ҳисобланади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қи-
лишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча
омилларни аниқлаш, бу омилларни самарадорлиқнинг
умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш
услугиётини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу омилларни бошқариш орқали банкда даромадни
ошириш захираларини излаб топиш ва рентабеллик-
нинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини
яратиш мумкин. Рентабеллик даражаси кўрсаткичининг
юқори бўлиши банк ихтиёридаги асосий ва айланма
маблағлардан оқилона фойдаланилаётганини ва банк-
нинг маълум миқдорда фойда (даромад) олаётганлигини
кўрсатади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активларини мукамал
таркибий тузилишини шакллантиришдан манфаатдор
бўлади ва уни шакллантиришда маълум бир қийинчи-

⁶⁵ Ковалев В., Ковалев В. Корпоративные финансы и учет. Понятия, алгоритмы, показатели. Учебное пособие М.: ПРОСПЕКТ, 2015.

ликларга дуч келади. Бундан ташқари, активларнинг таркибий тузилишида банкнинг қайси мамлакатда фаолият кўрсатишига қараб кўплаб миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради (3.1-жадвал):

3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси АТ “Алоқабанк”нинг активлари туғрисида маълумот,
(минг сўмда, 2014–2018 йил ҳолатига)⁶⁶**

№	Активлар	2014	2015	2016	2017	2018
1	Кассадаги маблағлар	26 833 232	18 334 799	21 959 589	98 726 772	100 350 859
2	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	251	12 190 459	13 563 719	9 061 034	24 115 167
3	Кредитлар	700 616 927	947 427 746	1 101 517 164	1 627 263 282	4 739 069 646
4	Асосий воситалар	52 148 464	59 829 800	68 296 126	62 992 923	83 074 650
5	Бошқа активлар	229 958 010	180 052 595	368 884 356	994 199 453	900 016 179
Жами	-	-	-	-	-	-

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, АТ “Алоқабанк”нинг активлари сўнги беш йилда қарийб 3 баробарга кўпайган. 2018 йилда эса банк активлари ўтган йилга нисбатан 109 фоизга ошган. АТ “Алоқабанк”нинг активлари таркиби таҳлилининг кўрсатишича, кредит операцияларидан тушган даромадлар активларни шакллантиришда асосий ўринни эгалламоқда.

АТ “Алоқабанк” корпоратив мижозларни миллий ва хорижий валютада кредитлаш бўйича кенг миқёсдаги хизматларни тақдим этиб келмоқда ва шу билан бирга, турли хил мулкчилик шаклидаги кичик ва йирик бизнес

⁶⁶ ижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

корхоналарига, шу жумладан, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга ҳам кредитлар ажратмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон тижорат банклари активлари рентабеллигини аниқлашда ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган ҳисоб-китоблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банклари активлари даромадлилик даражасини ҳисоблашнинг энг содда ва кенг тарқалган усули бу активлар рентабеллиги кўрсаткичи (RoA) ва операция харажатлар рентабеллиги (Cost to Income)ни ҳисоблашдан иборатдир. Активлар рентабеллиги формуласи банк фаолияти самарадорлигини белгилаб берадиган молиявий кўрсаткични аниқлашга имкон беради. Ҳисобот даври учун активлар рентабеллигини (Return on Assets – RoA) аниқлаш учун исталган танланган давр учун соф фойдани шу давр учун активларнинг ўртача миқдорига бўлиш орқали муайян санага ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткич доимий равишда самарали маълумот тақдим этмаслиги мумкин. Амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари йириклашиб борган сари RoA кўрсаткичи пасайиб бориш эҳтимоли кучаяди. Бу бир тарафдан банк активларини бошқариш қийинчилиги вужудга келаётганлигидан далолат берса, бошқа тарафдан бозорнинг юқори рентабеллик қисми ўзлаштириб бўлиб, паст рентабеллик қисмига ўтилганлигидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан, банк активлари рентабеллиги даражасини ҳисоблашда банк активлари кенгайишини инобатга олиш, хусусан, қилинаётган харажатлар қанча даромад келтираётганлигига баҳо бериш лозим бўлади. Ушбу кўрсаткич банкнинг кенгайиши қанчалик самара келтираётганлигини баҳолаш имкониятини беради. Банк активлари рентабеллигини ҳисоблашда банк активлари таснифланиб, ҳар бир таснифланган актив бўйича алоҳи-

да ҳамда жами актив бўйича рентабелликни ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Бу банкнинг қайси йўналишдаги активлари даромадлилик даражаси юқорилигини баҳолаш имконини беради.

Биз буни 2014–2018 йилларда АТ “Алоқабанк” ва унга таққосланаётган банкларнинг активлари рентабеллиги мисолида кўришимиз мумкин.

Ушбу кўрсаткич 2018 йилга келиб, АТ “Алоқабанк” учун 3,2 фоизни, “Ипак Йўли” АТИБ 4,5 фоизни, “Ҳамкорбанк” АТБ 3,1 фоизни, АТИБ “Ипотека-банк” 1,5 фоизни, АТБ “Қишлоққурилишбанк” 1,1 фоизга ошган.

Рентабеллик кўрсаткичи ўртача йилига ўсиш АТ “Алоқабанк” учун 2,8 фоизни, АТИБ “Ипак Йўли” 3,0 фоизни, АТБ “Ҳамкорбанк” 3,6 фоизни, АТИБ “Ипотека-банк” 1,8 фоизни, АТБ “Қишлоққурилишбанк” 0,9 фоизни кўрсатмоқда.

3.2-жадвал

АТ “Алоқабанк” ва унга таққосланаётган банкларнинг активлари рентабеллиги⁶⁷


№	Банк номи	ROA	2014-2018 йиллар орасидаги фарқ					
		2014	2015	2016	2017	2018	миқдор	фоизда
1	АТ “Алоқабанк”	2,6%	2,6%	2,5%	3,2%	3,2%	0,6%	123,2%
2	АТИБ “Ипак Йўли”	2,4%	2,4%	2,7%	3,3%	4,5%	2,1%	186,5%
3	АТБ “Ҳамкорбанк”	3,5%	4,1%	3,6%	3,5%	3,1%	-0,4%	87,6%
4	АТИБ “Ипотека-банк”	1,7%	1,6%	1,5%	2,9%	1,5%	-0,2%	87,7%
5	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”	1,0%	1,0%	0,9%	0,5%	1,1%	0,1%	109,7%

Ўртача ўсиш суръати бўйича АТИБ “Ипак Йўли” (3,0 %) ва АТБ “Ҳамкорбанк” (3,6 %) кўрсаткичлари юқорилигини кўриш мумкин.

2018 йил якуни бўйича банк тизимида жами активлар рентабеллиги 2,0 фоизни, шундан дав-

⁶⁷ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лат улушига эга тижорат банкларида 1,6 фоиз ва бошқа банкларда 4,3 фоизни ташкил этди. Шунингдек, банк тизимининг капитал рентабеллиги кўрсаткичи 16,2 фоиз, давлат улушига эга тижорат банкларида 13,1 фоиз ва бошқа банкларда 30,3 фоиз даражасида шаклланди (3.1-расм).



3.1-расм. Активлар ва капитал рентабеллиги, фоизда⁶⁸

Банкларнинг молиявий самарадорлик коэффициентларини солиштириш натижалари давлат улушига эга ва бошқа тижорат банкларида молиявий бошқариш стратегиялари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Бунда давлат улушига эга тижорат банклари активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги мазкур банкларнинг, асосан, давлат аҳамиятига эга бўлган паст маржали дастурларни молиялаштириш билан шуғулланиши ҳамда уларнинг фаолиятида даромадлилиги юқори бўлган тижорат кредитларининг ва чакана банк хизматлари улушининг паст даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Кредитлаш жараёнининг банкларда тўғри ташкил этилиши кредит муносабатларидаги риск даражасини па-

⁶⁸ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сайтириш ва кредит самарадорлигини таъминловчи бош омил ҳисобланади ва бу омил банк ходимларининг қай даражада масъулият билан ўз вазифаларига ёндашишларига, уларнинг маҳорат ва малакаларига, шунингдек, қарз олувчининг ҳам кредит муносабатига қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқ.

Кредитнинг самарадорлиги масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий хулосалар шакллантирилган. Профессор О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди⁶⁹.

Профессор Н.Э.Соклинскаянинг хулосасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади⁷⁰.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш ва кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади⁷¹.

Таниқли иқтисодчи олимларнинг юқорида қайд этилган илмий-назарий қарашларидан хулоса қилиш мум-

⁶⁹ Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. -4-е изд., стереотип. -М.: КНОРУС, 2008. – С. 36-37.

⁷⁰ Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.

⁷¹ www.worldbank.org расмий интернет сайти маълумотлари.

кинки, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредит рискининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш ҳамда кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Кредитларнинг самарадорлигини баҳолашда инобатга олинадиган асосий омиллардан бири бу – кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ва динамикаси ҳисобланади. Дунё банк амалиётида кредитларнинг самарадорлигини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади:

А. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси (ККЗҚМЗАД).

$$\text{ККЗҚМЗАД} = (\text{ЗАС} / \text{БАЎС}) \times 100\% \quad (1)$$

бу ерда:

ЗАС – захира ажратмалари суммаси;

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси.

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлари таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

Б. Муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси (МЎКМД).

$$\text{МЎКМД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\% \quad (2)$$

бу ерда: МЎКС – муддати ўтган кредитларнинг ўртача суммаси; БК – брутто кредитлар.

Мазкур кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегараси 3,0 фоиз қилиб белгиланган.

В. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси. Ушбу кўрсаткич 2-формула орқали ҳисобланади ва унинг юқори меъёрий даражаси 5,0 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ республикада таснифланган кредитлар тоифалар бўйича захира ажратмалари шакллантирилади.

3.3-жадвал

Кредитлар таркиби ва захира ажратмалари ставкаси⁷²

Таснифланган кредитлар таркиби	Захира ажратмалари ставкаси
Стандарт кредитлар	1 %
Субстандарт кредитлар	10 %
Қониқарсиз кредитлар	25 %
Шубҳали кредитлар	50 %
Умидсиз кредитлар	100 %

3.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2014–2018 йилларда 6 та тижорат банклари (АТ "Алоқабанк", АТИБ "Ипак Йўли", АТБ "Ҳамкорбанк", АТИБ "Ипотека-банк", АТБ "Қишлоққурилишбанк") кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси меъёрий даражадан сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса юқоридаги банкларда таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради ва унинг кредитлаш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

⁷² Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3.4-жадвал

АТ "Алоқабанк" ва унга таққосланаётган банкларнинг активлар бўйича захиралари⁷³

№	Банк номи	Захиралар	2014–2018 йиллар фарқ					
			2014	2015	2016	2017	2018	Микдор
1	АТ "Алоқабанк"	0,2	14,9	14,4	9,7	4,5	4,3	2181,3%
2	АТИБ "Ипак йўли"	35,7	49,4	59,0	79,9	93,5	57,7	261,5%
3	АТБ "Ҳамкор-банк"	25,8	39,3	40,8	58,1	61,5	35,7	238,5%
4	АТИБ "Ипотека банк"	19,7	34,2	38,2	110,8	141,7	122,1	720,4%
5	АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"	17,4	29,2	32,2	10,1	61,9	44,5	356,3%

Кредитларнинг самарадорлигини баҳолашда инобатга олинadиган асосий омиллардан бири бу – кредитлардан қўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ва динамикаси ҳисобланади. Кредитлаш Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли, кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди⁷⁴.

Бозор шароитида ҳар бир тижорат банкининг мақбул фаолият кўрсатиши банк тизимини турли иқтисодий-ижтимоий жараёнларга мослаша олиши, рақобатдошлик кўрсаткичларини сақлаб қолишига бевосита боғлиқ. Банкларда оптимал активлар портфелини шакллантиришда, энг аввало, актив амалиётлар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш муҳим, чунки ҳар бир

⁷³ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁷⁴ Нафасов Дониёр Бахтиёрович. Банк рискларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. "Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил № 1 1, 2017. www.iqtisodiyot.uz

актив амалиётлар муайян ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади. Тижорат банклари фаолиятида активлар самарадорлигига омиллар таъсирини мунтазам равишда тадқиқ этиб боришнинг иқтисодий заруратини юзага келтирувчи бир жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, юқори даромад келтирувчи активлар юқори риск даражасига эга бўлади. Банк томонидан амалга оширилган ҳар бир актив амалиёт мижозлар фаолиятидаги ўзгаришлар таъсирида сифат даражасини шакллантириб боради.

Иккинчидан, банк қонунчилигидаги ва молия бозоридаги ўзгаришлар банк томонидан ишлаб чиқилган ривожлантириш стратегиясини жорий этиш имкониятларини пасайтириш эҳтимоли юқори бўлади. Бундай ҳолатда банк раҳбариятига ички ва ташқи омиллар ўзгариши бўйича мунтазам равишда ахборот тақдим этиб бориш зарур.

Учинчидан, банк инфратузилмасини кенгайтириш, янги банк маҳсулотларини жорий этишдан аввал чуқур асосланган омилли таҳлил ўтказиш талаб этилади. Бундай таҳлил банкни йирик молиявий йўқотишдан сақлайди. Тадқиқотлар бугунги кунда айрим тижорат банкларида активлар самарадорлигига омиллар таъсирини комплекс баҳолаш борасида бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.


Биринчи гуруҳ муаммолар – банкларда менежментни ривожланиш даражаси билан боғлиқ жиҳатларни ифодалайди. Самарадор менежмент банк фаолиятини тўғри ташкил этишнинг бош омили ҳисобланади. Тижорат банкларида бу гуруҳдаги асосий масалалар қаторига активларни бошқариш стратегияси ва назоратини самарали ташкил этилмаганлиги, масъул таркибий тузилма фаолиятининг мувофиқлаштирилмаганлиги кабилар киради.

Иккинчи гуруҳ муаммолар – омиллар таъсирини

баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ. Бугунги кунда банклараро рақобат шиддат билан ривожланмоқда, бундай шароитда банк фаолиятига муҳим аҳамиятли муайян омил таъсирини зарур даражада баҳоламаслик ҳатто банкротлик белгиларини юзага келтириши мумкин.

Бизнингча, учинчи гуруҳдаги муаммолар – омилларни таҳлил этиш жараёнидаги технологик жиҳатларни қамраб олади. Халқаро тажрибада замонавий банк амалиётини ташкил этиш, банк асосий кўрсаткичлари динамикаси ва унга омиллар таъсирини тезкор баҳолаб боришда янги технологияларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда банк фаолиятини комплекс бошқаришнинг ахборот тизими банк ликвидлиги ва мижозлар базасини, активлар ва пасивларни жойлашув мутаносиблигини баҳолаш, активларнинг даромадлиқ кўрсаткичларини дастурий таҳлил қилишда муҳим ўрин тутиши зарур. Уз навбатида, банклар активлари самарадорлигига ички ва ташқи омиллар таъсирини баҳолашнинг интеграллашган ахборот тизимини ташкил этишдаги муаммолар банк хизматлари сифатини пасайишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банклари амалиётида активлар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш жараёнини уларни таркибий ўрганишдан бошлаш зарур (3.2-расм).



3.2-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигига микроиқтисодий ва макроиқтисодий омиллар таъсирини баҳолаш модели⁷⁵

⁷⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биз қуйида тижорат банклари активлари самарадор-лигига микроиқтисодий ва макроиқтисодий омиллар таъсирини умумий тартибда кўриб чиқамиз.

Микроиқтисодий омиллар банк ички фаолияти хусусиятларини намоён қилиши боис бошқарилувчан тавсифга эга, шу сабабли, мазкур омиллар таъсирини мақбуллаштиришда тезкор ички чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Кредит менежментининг сифати. Кредит менежменти банкда кредитларни самарали жойлаштириш ва уларни мониторинг қилиш билан боғлиқ жараёнларни бошқариш талабларини ифодалайди. Шу боис сифатли кредит менежменти активларнинг тезкор айланиши, ўз вақтида қайтишини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Активлар портфелининг диверсификациялаш даражаси. Банкларда диверсификациялаш стратегияси банк активлар таваккалчилигини жиловлашнинг ишончли воситаси ҳисобланиши билан бирга, янги хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар ҳажмини ошириш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шакллари амалиётга татбиқ этиб бориш; банк пасивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлашга хизмат қилади. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, банк активларини диверсификациялаш муаммоси фақатгина микроиқтисодий доирада эмас, балки умумиқтисодий масалалар қаторига киради. Фикримизни қуйидаги жиҳатлар исботлайди:

биринчидан, банк активларининг мақбул диверсификацияланиши иқтисодиётда хўжалик субъектлари томонидан пул ресурсларидан самарали фойдаланилишни таъминлаб беради;

иккинчидан, диверсификация стратегияси активлар портфелини риска берилувчанлигини камайтиради, на-

тижада банкнинг молиявий йўқотиш эҳтимоли жиловланади;

учинчидан, банкни тармоқлараро молиялаштириши иқтисодий ўсишнинг ҳудудий мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Активларни бошқаришнинг мақбул тизимини мавжудлиги. Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим банкларда актив амалиётлар ҳажмига мос равишда таркибий тузилмани шаклланмаганлик муаммоси сақланиб қолмоқда. Айниқса, банкларнинг валютадаги активларини бошқариш ва даромадлигини таъминловчи бўлинмалар етишмайди. Бу ҳолат, ўз навбатида, активлар билан боғлиқ рискларни ошишига олиб келади.

Капиталлашув даражасининг оширилиши. Капитал маблағлар банк актив амалиётларининг арзон манбаси сифатида активларни жойлаштиришдан олинадиган даромадни ўсишини таъминлайди.

Ресурс манбасининг мустаҳкамлиги. Банкларда даромадли активлар ҳажмини ошиши ресурс манбасининг тўғри шаклланишига бевосита боғлиқ. Бунда юқори фоизли ресурслар ҳажмини оширишга эмас, балки банк маржасини режалаштирган ҳолда “узун пуллар”, яъни узоқ муддатли маблағларни жалб этишга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётда “узун пуллар” деганда банк ресурслари таркибидаги уч йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган маблағлар тушунилади. “Узун пуллар” банклар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларни узоқ муддатли кредитлаш, стратегик ва инвестициявий дастурларни молиялаштирилишига хизмат қилади. Айниқса, узоқ муддатли кредитларнинг манбалари қанчалик “узун пуллар”дан ташкил топса, уларнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади, акс ҳолда ликвидлик муаммоси юзага келади.

“Узун пуллар”нинг манбалари ҳукуматнинг узоқ муддатга мўлжалланган облигациялари, нодавлат пенсия

фондлари, суғурта ва инвестиция компанияларининг узоқ муддатли маблағлари ҳисобланади.

Ресурс базасини мустақкамлашда банк активлари шаклланишининг ички манбасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда мижозлар билан ўзаро манфаатдорликда фаолият олиб бориш банкнинг кредитлаш манбасини мустақкамланишига замин яратади. Банкларнинг кредитлаш амалиётлар бир томондан мижозларнинг молиявий аҳволини яхшилашга қўмаклашса, иккинчи томондан мижозлар ҳисоб рақамларидаги кунлик маблағларнинг кўпайиши банклар учун кредитлаш ҳажмини оширишнинг арзон манбаси ҳамда мижозлар дебет айланмасидан олинадиган банк воситачилик даромади кўпайишининг асосий омилidir.

Малакали кредит ходимларининг етарлилиги. Банкларда активлар рискинни самарали баҳолаш муаммосини ҳал этиш бевосита малакали ходимларга боғлиқ. Одатда, малакали ходимларнинг шаклланиши узоқ муддатни талаб этади. Шу сабабли банкларда индивидуал мотивациялаш тизимини ривожлантириш орқали малакали ходимларни жалб этиш зарур.

Кредит хизматлари баҳоси. Кузатиш натижаларига кўра, айнан кредит хизматлари баҳоси салоҳиятли мижозларнинг хизмат кўрсатувчи банкни танлашида муҳим омиллардан биридир. Шу билан бирга, кредит хизматларига мақбул тарзда баҳо белгилаш ижобий фоизли маржани таъминлаб беради.

Макроиқтисодий омиллар эса, банк имкониятларидан ташқари тавсифга эга бўлиб, бу омиллар таъсирини мақбуллаштиришнинг ягона йўли доимий таҳлил асосида мослашувчанлик даражасини ошириб боришдир.

Иқтисодий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги. Иқтисодий вазият жамиятнинг барча соҳаларида молиявий ресурсларнинг ўзаро узвий боғлиқликда, бир маромда

айланишини таъминлаб беради. Айниқса, банк активларининг турли соҳаларни кредитлаш асосида шаклланишини инобатга оладиган бўлса, муайян соҳадаги инқирозли вазият банк активларининг сифатига салбий таъсир қилади.

Банк қонунчилигидаги ўзгаришлар. Халқаро банк амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, банк қонунчилигидаги ўзгаришлар нафақат банк активлари ҳажмини, балки банк фаолиятидаги бошқа ўзгаришларни ҳам белгилаб беради.

Мижозларнинг тўловга қобилиятлиги. Банк амалиётининг тасдиқлашича, банк ва миждоз ҳамкорлигининг ривожланиши миждозларнинг тўловга қобилиятлилиги даражасига асосланади. Миждозларнинг тўловга қобилиятлилиги банк кредитларининг қайтувчанлиги ҳамда даромадлигини таъминлайди.

Худуддаги рақобатчи банклар сони. Банкларнинг жуғрофий кенг доирада зич жойлашуви банк хизматлари баҳосини белгилаш ва сифатини оширишда банклар томонидан миждозларга нисбатан арзон таклифлар тақдим этилишини рағбатлантиради. Бу ҳолат молиявий барқарор банк филиалида даромадли активларнинг тўпланишига, айрим банкларда эса, аксинча активлар портфели сифатининг пасайишига олиб келади.

Йирик миждозлар миқдори. Бу тоифадаги миждозлар банкнинг кредитлаш салоҳиятини юқори даражада таъминлаш билан бирга, ликвидликни меъёр даражасида сақлаб туришга хизмат қилади. Бундан ташқари, йирик миждозларни кредитлаш даромадли активлар ҳажмини қисқа муддатларда ошириш имконини беради.

Худуддаги аҳолининг даромадли даражаси. Бугунги кунда республикамиз банкларида жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажми тез суръатларда ошиб бормоқда. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари чакана кредитлаш таомиллари-

нинг нисбатан соддалиги ва юқори қийматга эга эканлиги билан изоҳланади. Шу боис кўпчилик банклар, айниқса, хусусий банклар аҳолининг даромадли қатлами жойлашган ҳудудларда тезкор хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш орқали рақобатда устунликка эришмоқда.

3.2. Тижорат банклари активлари самарадорлик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати

Рақобат шароитида ҳар бир тижорат банкнинг бош стратегик мақсади актив амалиётлар ҳажмидан юқори фойда олишдир, шунингдек, актив амалиётлар самарадорлиги активлар ҳисобига қанча фойда тўғри келиши билан белгиланади.

3.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари тўғрисида маълумот, (млн. сўмда 30.06.2019 йил ҳолатида)⁷⁶

№	Банк номи	Активлари	Улуши, %да
1	ТИФ Миллий банк	73 971 375	27,97
2	АТБ "Асакабанк"	35 712 909	13,51
3	АТ "Ўзсаноатқурилиш-банк"	34 944 341	13,22
4	"Ипотека-банк" АТИБ	23 984 573	9,07
5	"Агробанк" АТБ	16 541 234	6,26
6	АТ "Халқ банки"	12 801 529	4,84
7	АТ "Қишлоққурилишбанк"	10 996 843	4,16
8	"Ҳамкор банк"	7 506 900	2,84

⁷⁶ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

9	"Алоқабанк"	6 700 054	2,53
10	"Капитал банк"	5 157 584	1,95
11	"KDB Bank Uzbekistan"	4 739 631	1,79
12	"Ипак Йўли банк"	4 480 293	1,69
13	"Микрокредит банк"	4 102 888	1,55
14	"Турон банк"	4 077 005	1,54
15	"Ориент-финанс банк"	4 060 485	1,54
16	"Инвест Финанс Банк"	3 763 308	1,42
17	"Трастбанк"	3 024 247	1,14
18	"Азия Альянс банк"	2 137 974	0,81
19	"Давр банк"	1 187 000	0,45
20	"Савдогар" АТБ	923 736	0,35
21	"Туркистон банк"	860 661	0,33
22	"Ziraat bank Uzbekistan" AJ	624 979	0,24
23	"Универсал банк"	536 468	0,20
24	"Равнақ банк"	469 397	0,18
25	"Садерат"	329 724	0,12
26	"Hi-tech bank"	266 595	0,10
27	"Мадад Инвест Банк"	216 084	0,08
28	"Пойтахт Банк"	200 621	0,08
29	"Узагроэкспортбанк"	103 387	0,04
Жами	264 421 826		100,00

И.А.Кетованинг таъкидлашича, "...актив амалиётлар банк ресурсларини жойлаштиришнинг бош инструменти сифатида даромад олишни рағбатлантиради ва банк ликвидлигини сақлаб туради"⁷⁷.

Аммо бизнинг фикримизча, бу ерда банк активлари даромадлиги ва ликвидлигининг ўзаро қарама-қарши муносабатда эканлигига эътибор қаратиш зарур. Банк активларининг ликвидлик даражаси ортган сари риск даражаси пасаяди, шунга мутаносиб равишда даромадлик даражаси ҳам пасаяди.

Ўз навбатида, актив амалиётларни тўғри бошқарилиши ликвидликни йўқотиш рискинни ҳам назорат қилишни талаб этади. Шу ўринда А.И.Копитованинг "...муваффақиятли банк фаолиятини учта омил: юқори даромадлик, ликвидлик ва тўловга қобилиятликнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаб беради" деган фикри ниҳоятда ўринли, деб ҳисоблаймиз⁷⁸.

Миллий тижорат банклар фаолиятида активлар, уларнинг таркиби, сифати, даромадлиги, ликвидлиги ва уларнинг динамикасини ўрганиб бориш катта аҳамиятга эга. Банк активлар таркиби дейилганда баланс якунига кўра ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушунилиб, банкнинг актив ва мажбуриятлари риск, даромадлик ва ликвидликка таъсири нуқтаи назаридан таққослама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз буни қуйидаги жадвалдан АТ "Алоқабанк" ва унга таққосланаётган банклар активларининг таркибини кўришимиз мумкин.

⁷⁷ Кетова И.А. Анализ и оценка показателей активности банковского сектора региона //Деньги и кредит. –М.:2014.- №11. С. 48-49.

⁷⁸ Копитова А. И. Банки и банковское дело. Учеб. пособие. -Томск : Изд-во ТГПУ, 2009. С. 208-209.

**Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат
банкларининг активлари тўғрисида маълумот,
млн. сўмда⁷⁹**

31.12.2014 йил ҳолати						
№	Активлар	Алоқабанк	Ипак йўли банки	Ҳамкор- банк	Ипотека банк	Қишлоқ қури- лиш банк
1	Кассадаги маблағлар	26 833 232	134 207 726	84 510 275	71 929 032	22 026 843
2	Қимматли қоғоз- ларга қилинган инвестициялар	251	23 966 205	20 920 404	73 355 436	45 457 416
3	Кредитлар	700 616 927	651 733 988	1139 478 573	2 503331 338	2 996 098 083
4	Асосий воситалар	52 148 464	61 533 552	51 272 120	98 497 526	49 573 047
5	Бошқа активлар	229 958 010	404 703 236	429 612 164	544 983 322	352 609 742
31.12.2018 йил ҳолати						
№	Активлар	Алоқабанк	Ипак йўли банки	Ҳамкор- банк	Ипотека банк	Қишлоқ қурилиш банк
1	Кассадаги маблағлар	100 350 859	480 354 607	340 155 373	350 213 400	128 759 772
2	Қимматли қоғоз- ларга қилинган инвес- тициялар	24 115 167	2 973 574	149 717 764	256 085 216	513 080
3	Кредитлар	4739 069 646	2438 262 685	4933 800 600	17195777 302	8 414 312 679
4	Асосий воситалар	83 074 650	192 996 280	160 299 461	193 350 426	129 766 415
5	Бошқа активлар	900 016 179	817 514 636	1284 411 572	1759 432 537	668 917 186

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин-ки, 2014 йилда активларнинг кўплиги бўйича 5 та тижорат банклари ичида АТ "Қишлоқ қурилиш банк" 3 465,7 млрд. сўм билан устунлик қилган бўлса, 2018 йилга келиб "Ипотека-банк" АТИБ 19 754,8 млрд. сўмдан ортиқ активларга эгалик қилган. Кредитлар ажратиш бўйи-

⁷⁹ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ча 2014 йилда АТ “Қишлоқ қурилиш банк” 2996,0 млрд. сўмлик активга эгалик қилган бўлса, 2018 йилга келиб АТИБ “Ипотека-банк” 8414,3 млрд. сўмлик активга эгалик қилган. “Ипотека-банк” АТИБ кассадаги маблағлар ҳам, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳам йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган.

“Ипотека-банк” АТИБ кассадаги маблағлар 2014 йилда 71,0 млрд. сўм, 2015 йилда 350 млрд. сўм, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар 2014–2018 йиллар ҳисобига 73 млрд. сўмдан 256 млрд. сўмга ортган.

3.6-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банкларининг активлар рентабеллик даражаси таҳлили таққосланаётган йилларда (2014–2018) жами активлар бўйича АТ “Қишлоқ қурилиш банк” 2014 йилда 3 465,7 млрд. сўмни ташкил қилмоқда ва энг кам кўрсаткич АТ “Алоқабанк” 1 009,5 млрд. сўмга эгалик қилган, фойдага эришиш бўйича шу йилда “Ҳамкорбанк” АТБ устунликка эришган 75,3 млрд. сўм ва шу билан бирга, “Ҳамкорбанк” АТБ банк активлари рентабеллиги (ROA) 4,4 фоизни ташкил қилган. Қолган банклар АТ “Алоқабанк” 2,4 фоиз, “Ипак йўли” АТИБ 2,2 фоиз, “Ипотека-банк” АТИБ 1,6 фоиз ва АТ “Қишлоқ қурилиш банк” 0,8 фоизга эришган. 2018 йилга келиб банк активлари рентабеллиги талаб даражасида бўлган. Бу талабни, асосан, “Ҳамкорбанк” АТБ активлари рентабеллиги (ROA) 5,8 фоиз халқаро стандарт бўйича белгиланган меъёридан ўсган. Шундай бўлса-да, уни янада кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жами активларнинг ўтган йилдагига нисбатан ўсиши бўйича АТ “Алоқабанк” 109,4 фоиз, “Ипак йўли” АТИБ 21,2 фоиз, “Ҳамкорбанк” АТБ 23,3 фоиз, “Ипотека-банк” АТИБ 47,5 фоиз ва АТ “Қишлоқ қурилиш банк” 40,5 фоизни ташкил қилган. Банк активлари рентабеллигининг ўтган йилга нисбатан ўсиши АТ “Алоқабанк” 48,2 фоиз, АТ “Қишлоқ қурилиш банк” 371,5 фоиз, “Ипак йўли” АТИБ 15,1 фоиз, “Ипотека-банк” АТИБ -39,2 фоизни ташкил қилган.

**Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат
банкларининг активлар рентабеллик даражаси
таҳлили, (минг сўм⁸⁰)**

31.12.2014 йил ҳолати					
Курсаткичлар	Алоқабанк	Ипак йўли банки	Ҳамкорбанк	Ипотка-банк	Қишлоқ қурилиш банк
Жами активлар (млн. сўмда)	1 009 566 884	1 276 144 707	1 725 793 536	3 292 096 654	3 465 765 131
Жами активлар- нинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	x	x	x	X	X
Фойда (млн. сўмда)	24 109 960	27 515 851	75 328 196	53 833 164	27 207 361
Фойданинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	x	x	x	X	X
Банк активлари рентабеллиги (RoA) (фоизда)	2,4%	2,2%	4,4%	1,6%	0,8%
Банк активлари рентабеллиги- нинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	x	x	x	X	x

⁸⁰ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

31.12.2018 йил ҳолати

Кўрсаткичлар	Алоқабанк	Ипак йўли банки	Ҳамкорбанк	Ипотека-банк	Қишлоқ қурилиш банк
Жами активлар (млн. сўмда)	5 846 626 501	3 932 101 782	6 868 384 770	19 754 858 881	9 342 269 132
Жами активларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	109,4%	21,2%	23,3%	47,5%	40,5%
Фойда (млн. сўмда)	158 720 245	126 683 029	395 588 649	250 162 015	87 254 161
Фойданинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	210,4%	39,5%	33,7%	-10,3%	562,7%
Банк активлари рентабеллиги (RoA) (фоизда)	2,7%	3,2%	5,8%	1,3%	0,9%
Банк активлари рентабеллигининг ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	48,2%	15,1%	8,5%	-39,2%	371,5%

3.8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банкларининг фойда кўрсаткичлари динамикаси таҳлили, (минг сўм⁸¹)

31.12.2014 йил ҳолати					
Кўрсаткичлар	Алоқабанк	Ипак йўли банки	Ҳамкорбанк	Ипотека-банк	Қишлоқ қурилиш банк
Соф фоизли фойда	42 076 304	59 694 445	102 393 988	124 728 640	134 155 610
Захирани баҳолаш чиқариб ташлангандан кейинги соф фоизли фойда	37 801 591	37 858 750	75 549 200	109 079 104	119 895 112
Соф фоизсиз фойда	82 986 047	129 161 530	197 198 284	277 429 227	153 748 311

⁸¹ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фойда солиғи туланишдан олдинги фойда (зарар)	26 449 310	34 861 676	62 015 447	67 140 304	38 057 415
Соф фойда (зарар)	22 070 000	27 515 851	49 210 852	53 825 542	28 879 135
31.12.2018 йил ҳолати					
Курсаткичлар	Алоқабанк	Ипак йўли банки	Ҳамкорбанк	Ипотека банк	Қишлоқ қурилиш банк
Соф фоизли фойда	264 253 039	245 758 226	380 639 966	553 773 279	365 069 239
Захирано баҳолаш чиқариб ташлангандан кейинги соф фоизли фойда	261 380 990	183 711 865	307 664 803	430 109 253	306 116 179
Соф фоизсиз фойда	361 031 159	443 095 546	583 168 706	798 334 049	379 477 040
Фойда солиғи туланишдан олдинги фойда (зарар)	172 634 844	196 494 653	241 310 102	307 041 274	114 332 149
Соф фойда (зарар)	137 777 778	160 376 012	190 205 647	250 162 015	86 278 627

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, тижорат банклари амалиёт харажатларини оптималлаштириш қийинлашган шароитда ликвидликни йўқотиш рискинни эътибордан четда қолдиришади. Бунинг натижасида қарз олувчилар билан юзага келадиган зиддиятли жиҳатлар банк активлари сифатини пасайишида намоён бўлади. Чунки банк ликвидлиги пасайганида хўжалик субъектлари операцияларида узилишлар юзага келади. Ушбулардан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини ҳаққоний баҳоланиши асосий даромад манбаи ҳисобланган кредит амалиётлари ҳажмини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, кредитлаш салоҳиятининг юқорилиги банк ликвидлиги барқарорлигини таъминлаб берадиган асосий курсаткич ҳамдир.

**Республикамизнинг айрим тижорат банклари
кредит портфелини диверсификацияланиши,
фоизда (01.01.2018 йил ҳолатига)⁸²**

№	Банklar	Диверсификацияланиш соҳалари						
		Жами	Саноат ишлаб чиқар- иш	Қишлоқ ҳўжа- лиги	Транс- порт ва комму- никация	Қури- лиш	Савдо ва умумий овқатла- ниш	Бошқа соҳалар
1	АТ "Алоқабанк"	100	18,4	2,8	25,2	6,2	7,4	40,1
2	АТ "Қишлоқ қурилиш банк"	100	5,7	2,4	0,8	66,6	5,6	18,9
3	АТИБ "Ипоте- ка-банк"	100	54,2	3,5	2,3	6,4	10,1	25,2
4	АТБ "Ўзсаноат- қурилишбанк"	100	68,1	1,9	8,2	1,1	3,2	18,4
5	АТБ "Асака- банк"	100	37,3	5,8	1,1	12,2	2,9	40,7
6	АТБ "Агробанк"	100	36,1	36,2	11,4	5,1	3,1	8,5
7	АТБ "Мик- роқредитбанк"	100	12,2	50,3	1,4	7,3	10,3	20,1
8	ТИФ "Миллий- банк"	100	28,7	3,1	25,3	3,1	3,3	37,2
9	АТБ "Капитал- банк"	100	24,1	6,2	3,4	5,2	14,3	48,5
10	АТБ "Ҳамкор- банк"	100	29,9	7,4	7,8	5,8	41,5	7,6

Ўзбекистон иқтисодиётида аҳоли ўртасида банкларнинг кредитлаш хизматида нисбатан талаб тобора ортиб бормоқда. Хусусан, ўз эҳтиёжлари учун маҳсулотлар сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишда кредит маблағларининг ҳиссаси ўсмоқда. Ушбу ҳолатни жадвал маълумотларида кузатиш мумкин.

⁸² Жадвал тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари ва расмий интернет сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон тижорат банкларининг 2009–2018 йиллар оралиғида кредитлаш амалиётлари ва уларнинг манбалари уртасидаги боғлиқлик динамикаси, (трлн. сумда⁸³)

№	Йиллар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	Жами банк активлари	15,7	20,7	27,5	35,7	43,8	56,2	65,2	80,4	166,6	214,3
2	Жами кредит маблағлари	8,6	11,5	15,7	20,4	26,5	34,8	42,7	53,4	109,0	165,4
3	Кредит маблағларининг жами банк активларидаги улуши, (фонзда)	54,8	55,6	57,1	57,1	60,5	61,9	65,5	66,4	65,4	77,2
4	Хусусий капитал	3,0	4,1	5,2	5,5	6,2	6,9	7,8	9,4	20,6	26,6
5	Депозит маблағлари	11,1	14,6	17,4	22,8	21,8	28,5	35,6	44,6	59,4	70,0
6	Кредит маблағларига нисбатан депозит маблағларининг етарлилиги	2,5	3,1	1,7	2,4	-4,7	-6,3	-7,1	-8,8	-49,6	-95,4

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон банкларида 2009–2017 йиллар мобайнида мижозларни кредитлаш тенденцияси барқарор ўсишни таъминлаганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, кредитлаш ҳажми 01.01.2018 йил

⁸³ Жадвал “Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлигининг 2008–2017 йиллар учун маълумотлар бюллетени асосида тузилган.

ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жами банк активлари ўсишига мутаносиб равишда 57,2 трлн. сўмга ёки 2,1 мартага ўсган.


Кредитлаш амалиётлари манбаси ҳисобланган депозит маблағлари ҳам 2009–2018 йиллар мобайнида ўсиш тенденциясини намоён қилган бўлса-да, 2013 йилдан бошлаб, кредит маблағларига нисбатан депозит маблағларининг етишмовчилиги юзага келган.



3.3-расм. Юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар улуши, фоизда⁸⁴

Бу ҳолатни кредитлаш амалиётлари манбаси сифатида депозит маблағларидан ташқари хусусий капитал ҳажмининг кескин ўсганлиги изоҳлайди. Тижорат банклари хусусий капитали ҳажми 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 17,5 трлн. сўмга ёки 2,8 мартага ошди.

⁸⁴ Расмлар тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



3.4-расм. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар улуши, фоизда⁸⁵

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, охириги йиллар давомида Ўзбекистон банкларининг нафақат кредитлаш ҳажми, балки хусусий капитал, депозит маблағлари каби бошқа асосий кўрсаткичларида ҳам сезиларли ўсиш тенденцияси юз берди. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётида ишбилармонлик муҳитининг яхшиланганлигидан далолат беради.



3.5-расм. Миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитлар улуши, фоизда⁸⁶

⁸⁵ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸⁶ Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**АТ “Алоқабанк”нинг 2009–2018 йиллар
оралиғида кредит портфелининг тармоқлар
бўйича диверсификацияланиши, фоизда⁸⁷**

№	Курсаткичлар номи	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	Саноат	13,9	22,1	29,1	32,4	33,5	31,4	21,1	20,9	18,4	15,9
2	Кишлоқ хўжалиги	11,5	10,4	7,7	7,5	4,9	3,8	3,4	3,3	2,8	2,3
3	Транспорт ва коммуникация (алоқа тизими)	26,1	18,5	9,9	7,9	6,5	17,4	30,1	29,3	25,3	16,0
4	Қурилиш	8,7	10,4	10,2	6,7	7,6	7,9	6,1	9,2	6,6	6,2
5	Савдо ва умумий оқатланиш	11,2	9,4	11,1	13,4	13,5	10,4	8,7	9,1	7,4	4,2
6	Моддий-техник таъминоти ва соғуви	0,02	0,01	2,9	2,2	1,4	2,1	1,8	1,8	2,5	1,7
7	Уй коммунал хизмати соҳаси	1,2	0,5	0,2	0,2	0,3	0,5	0,5	0,8	1,0	0,4
8	Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига ажратилган кредитлар	0,0	0,0	5,2	30,9	44,1	47,2	55,2	63,9	59,7	63,6
9	Бошқа соҳалар	27,5	28,7	28,9	29,7	32,3	26,6	28,3	25,7	36,0	53,2

⁸⁷ Жадвал “Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлигининг 2008–2018 йиллар учун маълумотлар бюллетени асосида тузилган.



3.6-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг гуруҳланиши⁸⁸

Даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлар ҳажми. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида замонавий хизмат турларини кўпайиши, шунингдек, актив операциялар ҳажмининг ортиши банклардан активларни даромадлигига қараб таснифлаган ҳолда бошқаришни талаб қилади.

Умуман олганда, активларни даромадлигига қараб бошқаришнинг банк даромадлигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш; банк жами активлари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни туғри тақсимлаш каби зарурати мавжуд.

Банк даромад келтирувчи активларини бошқариш жараёни даромад келтирмайдиган активларга нисбатан

⁸⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мураккаб жараён ҳисобланади. Фикримизча, даромад келтирувчи активларнинг асосий қисми ҳисобланган кредитларнинг юқори таваккалчиликка эга эканлиги; миждозлар томонидан тақдим этилган бизнес-режада кўрсатилган фаолиятни турли сабабларга кўра тўхтаб қолиши ёки берилган кредит маблағларини мақсадсиз ишлатилиши натижасида мазкур маблағларнинг қайтиш имкониятлари пасайиб кетиши; кўпгина ҳолларда кредит таъминотининг ликвидлик даражаси пастлиги ёки кредит муддати давомида таъминотнинг аҳволи ёмонлашиши сабабли муаммоли активларнинг ҳажмининг ортиши; бозор инфратузилмаси яхши ривожланмаган ҳудудларга жойлаштирилган активлардан олинган даромаднинг жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятни қоплай олмаслиги каби жиҳатлар сабаб бўлади.

Тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни жойлаштириш даврида лойиҳанинг хусусиятлари ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда миждознинг қайси мулкчилик шаклида фаолият кўрсатиши; жалб қилинган маблағлар қиймати; лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш сифатлари; лойиҳанинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятидан; миждознинг кредит тарихи, банк билан молиявий муносабатлар олиб борган давридаги молиявий ҳолати кабилардан келиб чиқиб диверсификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Даромад келтирмайдиган активлар таркибида суд жараёнидаги активларнинг ўсиши банк учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради, хусусан, бу ҳолат пул маблағлари айланмасига салбий таъсир қилади; ушбу активларни ундириш ишларини ташкил этиш учун махсус ишчи гуруҳ тузиш зарур бўлади, бу эса, ўз навбатида, хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни оширади. Шу сабабли, активларни жойлаштиришдан олдин миждозларнинг молиявий ҳолатини чуқурроқ таҳлил қилиш ва қўйилган таъминот объекти аҳволини дастлабки монито-

рингдан ўтказишга эътибор қаратиш зарур.

Даромад келтирмайдиган активлар таркибида асосий воситалар салмоқли ўрин эгаллайди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, кўпгина банклар балансида бошқа активлар (банк эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган, аммо банкка келтирилмаган қимматликлар, тугалланмаган қурилишлар учун бунак туловлари, ходимларнинг банк олдидаги қарзлари, келгуси давр харажатлари ва ҳ.к.) миқдори ҳисобот даври охирида йирик суммани ташкил этиб қолмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар амалиётида зарур таҳлилни амалга оширмасдан асосий воситаларга сарфланадиган маблағларни кескин камайтириш ҳам хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилиши мумкин. Жумладан, қуйидаги ҳолатлар доимий равишда асосий воситаларга маблағ сарфлаш заруратини юзага келтиради:

- аксарият дастурий тизимларни банк фаолиятида ҳисоблаш техникаларига ўрнатиш уларни самарали ишлатишни таъминламайди. Ушбу дастурий тизимларни жорий этиш учун замонавий, бир нечта амалларни бажара оладиган технологиялар зарур;

- банк амалиётига замонавий хизмат турлари (ҳалқаро пул ўтказмалари бўйича, “Банк-мижоз” дастури, Интернет-банкнинг, СМС-банкнинг кабилар)ни жорий этиш зарур иш шароити яратиш учун техник жиҳозланишни талаб қилади;

- банк мижозларига қулайликлар яратиш, шунингдек, илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида тулов терминаллари, инфокиосклар, банкоматлар каби жиҳозларга маблағлар сарфлаш зарурати мавжуд.

Тижорат банкларида активларни бошқаришда уларни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга ажратишнинг асосий мақсади – активлар таркибида уларнинг сифатини ёмонлашишига олиб келаётган

омилларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборатдир. Миллий банк қонунчилигида белгиланишича, даромад келтирмайдиган активларнинг улуши жами активларнинг етмиш фоизидан ортиқ бўлиши банк кредит сиёсати, кредитлар ажратиш ва уларни бошқариш жараёнининг бўшлигини билдирувчи кўрсаткич ҳисобланади⁸⁹. Тижорат банклари ички сиёсатларида даромад келтирмайдиган активларни йирик миқдорда тўпланиб қолмаслигини таъминлаш бўйича мониторинг қилиш талаблари аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Муаммоли активлар қолдиғи. Республикамиз банк қонунчилигига мувофиқ, муаммоли активлар сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлардир. Шунингдек, тижорат банки балансида ва балансдан ташқари моддаларда юритилаётган муаммоли активларнинг улуши жами активларнинг ун фоизидан ортиқ бўлса, Марказий банк томонидан тижорат банки ижро раҳбариятининг малакаси Марказий банк талабларига мувофиқ эмас, деб топилшига ҳамда тижорат банки Кенгаши томонидан банк фаолияти устидан ўрнатилган назорат етарли эмас, деб ҳисобланишига асос бўлади⁹⁰.

Активлар таркибидаги муаммоли активлар салмоғининг ошиши банк активлари сифатининг ёмонлашиши билан бир қаторда, мижозлар манфаатига хавф туғилиши, банкнинг амалиёт харажатлари (суд харажатлари, га-

⁸⁹ “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-банди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган.—Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 йил 20 июль, 28-сон.

⁹⁰ “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1, 4-бандлари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган.—Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 йил 20 июль, 28-сон.

ровларни сақлаш, хизмат сафари кабилар)нинг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, банк активларини бошқариш тизимининг талабга жавоб бермаслигидан далолат беради.

Активлар сифати. Амалдаги банк қонунчилигида тижорат банкларининг активлари сифатига кўра “стандарт”, “субстандарт”, “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” тоифаларга таснифланади. Банк активлари сифатининг таҳлили ва таснифи кредит портфели ва бошқа активларидаги таваккалчиликни аниқлаш ҳамда баҳолаш мақсадида қўлланилади⁹¹.

Активлар сифатини таснифлаш тизими барча турдаги кредитлар, жумладан, банк кафолатлари, кредит линиялари, банклараро кредитлар, овердрафтлар учун қўлланилади ва балансдан ташқари мажбуриятларни таснифлашни назарда тутаети.

Кредитлаш салоҳияти. Иқтисодиётда банк секторининг тезкор молиялаштириш функциясини рағбатлантириш, хусусан, банкларнинг ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш доимий равишда банкларни кредитлаш салоҳиятини мониторинг қилиб боришни тақозо этади.

Тижорат банкларида кредитлаш салоҳияти – иқтисодиётнинг турли соҳаларини кредитлаш амалиётларига йўналтирилиши мумкин бўлган, банк ликвидлигини таъминлашдан ортган соф ресурсларнинг тўпланишини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади. Банкларда кредитлаш салоҳиятининг молиявий манбалари хусусий капитал, депозит маблағлари (аҳолининг омонатлари, юридик шахслардан жалб қилинган маблағлар, миждозлар ҳисоб рақамидаги қолдиқлар) ташкил этади.

⁹¹ “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1, 4-бандлари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган.–Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 йил 20 июль, 28-сон.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, тижорат банклари кредитлаш салоҳиятига ички (микроиқтисодий) ва ташқи (макроиқтисодий) омиллар таъсирининг юқорилиги банк фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Айниқса, банк тизимини иқтисодиёт соҳалари билан параллел ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар банкни кредитлаш салоҳиятига муҳим таъсир кўрсатади.

Ички (микроиқтисодий) омиллар кредит салоҳияти шаклланишининг устувор жиҳатларини белгилаб беради. Улар қаторига банк менежментининг ташкил этилганлик даражаси, фоиз ва тариф сиёсати талаблари, корпоратив миждозлар сони, ресурсларнинг барқарорлиги, кредит портфелининг сифати кабилар киради.

Ташқи (макроиқтисодий) омиллар банк фаолиятига бошқариш имконияти чекланган жиҳатларни намоён қилади. Ташқи омиллар иқтисодий вазият ва ҳуқуқий асослардаги ўзгаришлар, банк миждозлари фаолиятидаги ўзгаришлар, молия бозоридаги конъюктуравий силжишлар кабиларни қамраб олади. Банкларда кредит салоҳиятига омиллар таъсирини оптималлаштириш кредит ресурслари тақчиллигини юзага келиши билан боғлиқ рискларни назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Рақобат шароитида банк тизимини ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошиб бориши, кредит ресурсларига нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши каби жараён кредитлаш салоҳияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ечимига алоҳида ёндашишни талаб этади.

Биринчи гуруҳдаги муаммолар бевосита банклар амалиётида кредитлаш салоҳиятини шаклланишининг барқарор манбаларини ривожлантириш борасидаги тадбирларнинг давр талабига мос келмаслиги билан боғлиқ ҳолатлардир. Бунда "узун пассивлар" сифатида узоқ муддатли депозитларни жалб этиш, маблағлар манбаларининг янги гуруҳларини топиш чораларини куриш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи гуруҳдаги муаммолар эса, банкларда кредитлаш салоҳиятининг сифат жиҳатларини тўғри баҳолашнинг интеграл кўрсаткичлари ва усулларини такомиллаштириб бориш тадбирларига боғланган.

Учинчи гуруҳ муаммолари. Бу ҳолатда асосий масала банк активлари ва пасивлар ўртасидаги номутаносибликни минимал риск доирасида сақлаб туришдан иборат.

Активларнинг диверсификацияланганлик даражаси. Банк активларини диверсификацияланиш даражаси ҳам активларни самарали бошқаришга муҳим таъсир кўрсатади. Хусусан, тижорат банкларида активларни бошқаришда диверсификациялаш банк активлари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтириш; хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шакллари амалиётга татбиқ этиб бориш; банк пасивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш каби афзалликларга эга.

Активлар концентрацияси ўзига хос макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, таҳлил жараёнида банк активларини географик ҳудудлар, йирик банклар ёки қарздорлар гуруҳида тўпланишини ифодалайди. Активлар концентрацияси активлар портфели диверсификацияланиш принципларига амал қилинган ҳолатда ҳам юзага келади. Мисол тариқасида, 01.01.2018 йил ҳолатига республика-миз банкларида активлар концентрациясининг йирик миқдорлари мос равишда: ТИФ Миллий банки – 24,59, АТ “Асакабанк” – 12,43, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” – 12,43, “Ипотека-банк” АТИБ – 6,84, АТ “Қишлоқ қурилиш банк” – 6,44 фоизни, жами кредит портфели бўйича эса, мос равишда: ТИФ Миллий банки – 24,73, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” – 16,26, АТ “Асакабанк” – 10,1, АТ “Қишлоқ қурилиш банк” – 8,98, “Ипотека-банк” АТИБ – 8,78 фоизни ташкил этди.

Активлар рентабеллиги тижорат банкларида активларни қай даражада самарали бошқарилаётганлигини ифодалайди. Шунингдек, бу кўрсаткич орқали активлар ҳиссасига тўғри келаётган соф фойда улушини таҳлил қилиш мумкин.

3.3. Тижорат банклари активлари самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили

Тижорат банклари активларни самарадорлигига макро ва микро даражадаги омиллар таъсири яққол намоён бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимизда тижорат банклари активларига таъсир этувчи макро ва микро даражадаги омиллар ҳамда уларнинг корреляцион боғлиқлиги бўйича таҳлилларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Регрессион ва корреляцион боғлиқлик махсус кўрсаткич, яъни панель маълумотлари⁹² асосида таҳлил қилиниб, хусусан, ушбу панель бирликлари сифатида АТ “Алоқабанк” 10 та филиалининг 2009–2018 йиллар бўйича активлари жами қиймати, капиталлашуви даражаси, ресурс (узун пуллар) базаси, дебет айланмаси (базавий ҳисоблаш миқдоридан 5000 баробаридан юқори бўлган миқдорлар сони), ушбу банклар кредитининг ўртача фоиз ставкаси ҳамда ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони маълумотлар акс эттирилган (эконометрик таҳлилнинг асосий жадваллари илова қисмида берилган). Панель маълумотлари асосида эконометрик таҳлилни амалга ошириш АТ “Алоқабанк”нинг активларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқ баҳолаш имкониятини беради.

Тадқиқотимизга кўра, дастлаб статистик панель моделдан фойдаланган ҳолда, омиллар таъсирини регрес-

⁹² <http://www.classes.ru/dictionary-english-russian-scienceenru-term-78341.htm>. Кўп ўлчовли вақтлар қатори маълумотлари

сион таҳлилнинг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Панель моделнинг эконометрик кўринишини қуйидаги формулада кўришимиз мумкин:

$$Y_{it} = \beta_0 + X_{it}'\beta + \epsilon_{it} \quad (1)$$

Бу ерда:

i - танланган объектлар;

t - танланган йиллар;

X'_{it} – эрксиз ўзгарувчилар векторининг к-ўлчами;

β_0 — ўзгармас (intercept), t ва i боғлиқлиги;

β – a ($K \times 1$) вектор бурчаги (slope), t ва i боғлиқ ҳолда;

ϵ_{it} — хатоликлар, t ва i турлича бўлган ҳолда.

Юқоридаги эконометрик панель моделининг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда, хатоликларни мустақил ва бир хил тарзда тақсимланганлигини текширишда гипотезалардан фойдаланамиз. Мазкур гипотеза фаразидан фойдаланган ҳолда, статистик панель модель кўрсаткичларининг таҳлилини амалга оширамиз. Бундан ташқари, ўз навбатида, статистик панель моделининг кўрсаткичлари алоҳида хусусиятларини инобатга олсак, ушбу моделга қўшилади. Натижада моделнинг кўриниши қуйидаги ҳолатга келади.

$$Y_{it} = \beta_0 + X_{it}'\beta_1 + z_i'\beta_2 + \epsilon_{it} \quad (2)$$

Одатда, тадқиқот объекти доирасида ўрганилаётган предмет кўрсаткичлари статистик панель моделида ҳисобланганда, таҳлиллар асосан, учта моделдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мазкур моделлар қуйидагилардан иборатдир;

1) Йиғма модель (pooled model);

2) Ўзгармас эффектлар модели (Fixed effects model);

3) Тасодифий эффектлар модели (Random effects model).

Йиғма моделнинг эконометрик кўриниши юқоридаги формулада (2) келтирилган. Ғзгармас таъсирлар моделининг эконометрик формуласини қуйидаги формулада кўришимиз мумкин.

$$Y_{it} = \alpha_i + X'_{it}\beta + u_{it} \quad (3)$$

Бу ерда алоҳида ғзгармас бўлиб, танлаган объект учун ғзгармасдир. Мазкур моделда ҳамма ғзгармас омиллар одатда инобатга олинмайди. Битта ғзгармасни эрки ғзгарувчига таъсири таҳлил қилинади. Ушбу таҳлил амалга оширилади пайтда вақт ғзгармас фарзига таянган ҳолда, амалга оширилади. Мазкур моделнинг гипотезаси шуни кўрсатадики, хатоларнинг нормал тақсимоти ва ғзгармасларнинг алоҳида таъсирини аниқлайди. Бундан ташқари, мазкур модель энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, максимал эҳтимолликни баҳолашни (maximum likelihood estimation) амалга оширади⁹³.

Тасодифий таъсирлар моделининг эконометрик формуласини қуйидаги формулада кўришимиз мумкин.

$$Y_{it} = \beta_0 + X'_{it}\beta + \alpha_i + u_{it} \quad (4)$$

Бу ерда дисперсия кўрсаткич бўлиб, хатоликлари бир хил тақсимланган:

$\alpha_i \sim iid(0, \sigma_\alpha^2)$ $u_{it} \sim iid(0, \sigma_u^2)$ бўлиши инботга олинган ҳолда таҳлил амалга оширилади. Тасодифий таъсирлар модели ҳам энг кичик квадратлар усулдан фойдаланган ҳолда топилиб, ғзгармас (constant) ва хатоликларни нормал тақсимотига таъсирни турли даврлардаги ҳолатини аниқлайди. Мазкур моделда дамий (dummy) ғзгарувчи бўлмаганлиги сабабли, ғзгармасни (constant) хатоликни нормал тақсимотига таъсирини аниқлайди. Бироқ ушбу моделнинг хусусияти шундан иборатки, мавжуд хатоликлар башоратни амалга оширадиган ғзгарувчига таъсир қилмаслигини кўрсатади. Натижада ушбу модель ёрда-

⁹³ <https://stats.stackexchange.com/questions/4700/what-is-the-difference-between-fixed-effect-random-effect-and-mixed-effect-mode>

мида эрки ўзгарувчи билан эркисиз ўзгарувчининг ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини аниқлайди. Тадқиқотимизда эркисиз ўзгарувчи сифатида АТ "Алоқабанк"нинг активлари қиймати танланган. Ўз навбатида, эрки ўзгарувчи сифатида эса, бир нечта микро ва макро даражадаги ўзгарувчилар, жумладан, микро даражадаги ўзгарувчилар сифатида капиталлашуви даражаси, ресурс (узун пуллар) базаси, дебит айланмаси базавий ҳисоблаш миқдоридан 5000 баробаридан юқори бўлган мижозлар сони, ушбу банклар кредитининг ўртача фоиз ставкасини танлаб олдик. Макро даражадаги эрки ўзгарувчи сифатида эса, ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони маълумотлар кўрсаткичлари танлаб эконометрик таҳлилни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Мазкур ўзгарувчиларни инobatга олган ҳолда, АТ "Алоқабанк"нинг активлари қийматига таъсир қилувчи омиллар келиб чиқиб, қуйидаги содда математик формула кўринишида ифодалаймиз.

$$AS = F(CR, LM, NC, AR, NB,) \quad (5)$$

Бу ерда:

AS – АТ "Алоқабанк" филиалларининг активлари қиймати;

CR – АТ "Алоқабанк" филиалларининг капиталлашуви даражаси;

LM – АТ "Алоқабанк" филиалларининг ресурс "узун пуллари" қиймати;

NC – АТ "Алоқабанк"ни филиаллари мижозлари ҳисоб рақамлари айланмаси базавий ҳисоблаш миқдоридан 5000 баробаридан юқори бўлган мижозлар сони;

AR – АТ "Алоқабанк" филиаллари кредитининг ўртача фоиз ставкаси;

NB – ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони.

Математик функцияни шакллантирганимиздан сўнг, танланган ўзгарувчиларни натурал логарифмга ўтказиб, биринчи навбатда, панель моделида ишлатиладиган ўз-

гарувчиларнинг тасвирий статистикасини амалга оширамиз (3.12-жадвал).

3.12-жадвал

Панель моделида ишлатиладиган ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси⁹⁴

Ўзгарувчилар	Кузатувлар	Ўзгарувчиларнинг уртачаси	Стандарт четланиш	Ўзгарувчиларнинг минимум нуқтаси	Ўзгарувчиларнинг максимум нуқтаси
ln_as	120	24,4706	242,1604	21,5710	29,2226
ln_cr	120	21,3872	394,6960	17,7090	27,6497
ln_lm	120	23,5805	258,4179	20,8719	29,2017
ln_nc	120	4,1218	31,7083	2,6390	5,7365
ln_ar	120	2,7127	1,0399	2,4025	2,9519
ln_nb	120	4,1192	14,4679	3,5263	5,1179

Жадвалдаги панель маълумотлари асосида ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикасидан АТ “Алоқабанк” филиаллари активлар қиймати (ln_as) уртача тебраниши 24,4706 бандни ташкил этса, мазкур ўзгарувчининг максимум нуқтаси 29,2226 бандни, минимум нуқтаси 21,5710 бандни, стандарт четланиш эса 242,1604 бандни ташкил этганлигини куришимиз мумкин.

Бу эса, АТ “Алоқабанк” филиаллари активларнинг қиймати қай даражада волатилиги кўрсатади. Капиталлашув даражаси эса (ln_cr) тасвирий статистикада таҳлил қиладиган бўлсак, уртача тебраниш кўрсаткичи 21,3872 бандни, максимум нуқтаси 27,6497 бандни, минимум нуқтаси 17,7090 бандни ташкил этиб, стандарт четланиши эса, 394,6960 бандни ташкил этганлигини куришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, банк филиаллари капиталлашувининг ўсиш ҳажми юқори ўсиш эканлиги-

⁹⁴ “Алоқабанк” АТБ маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

дан далолат беради. Қолган ўзгарувчилар ҳисобланган асосий дебит айланмаси базавий ҳисоблаш миқдоридан 5000 баробаридан юқори бўлган миждозлар сони (ln_{pc}) ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони (ln_{pb}) ҳам стандарт четланиши 10 ва 35 оралиқдаги бандни ташкил қилган бўлиб, ушбу ўзгарувчиларнинг волатилиги юқори эканлигидан далолат беради.

Ҳудудлар кесимида филиаллари кредитининг ўртача фойза ставкаси (ln_{ar}) ўзгарувчи эса, ўзгарувчилар ичида стандарт четланиши 1,0399 бандни ташкил этган бўлиб, волатилиги паст даражада ҳисобланади. Ушбу ўзгарувчиларнинг ўртача тебраниш 2,7127 бандни ташкил этган бўлса, максимум нуқтаси 2,9519 бандни, минимум нуқтаси 2,4025 бандни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, мазкур ўзгарувчи коэффицентнинг тебраниши юқори эканлигидан далолат беради.

Ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси таҳлилини амалга оширганимиздан кейин панель маълумотлари асосида корреляцион матрицани амалга оширамиз. Чунки тадқиқотимизда панель маълумотлар асосида кўп омилли чизиқли функция шакллантирилади. Бироқ кўп омилли функцияни шакллантиришда эрксиз ўзгарувчилар орасида қандайдир даражада корреляция мавжуд бўлиб, бу эса мультиколлинearлик⁹⁵ муаммосини келтириб чиқаради. Натижада эрксиз ўзгарувчига асосий таъсир қилувчи эрки ўзгарувчининг таъсири йўқолишига олиб келади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мультиколлинearлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида танлаган ўзгарувчиларнинг корреляцион матрицасини туздик, мазкур корреляцион матрица қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (3.13-жадвал).

⁹⁵ <https://translate.academic.ru/multicollinearity/en/ru/>. Перцепсион таҳлилда икки ва ундан ортиқ мустақил (боғлиқ бўлмаган) ўзгарувчилар ўртасида юқори корреляциядир.

Жадвалдаги корреляцион матрицадан кўриниб турибдики, ўзгарувчилар ўртасида мультиколлинеарлик муаммоси мавжуд. Кўп омилли регрессия моделининг назариясидан келиб чиққан ҳолда, мультиколлинеарлик муаммоси қуйидаги тарзда аниқланади. Корреляцион матрица жадвали шуни кўрсатадики, ln_pc ўзгарувчининг корреляция коэффициенти 0,8502 бўлиши, кўп омилли регрессия моделини стандарт хатолик кўрсаткичи ортиб кетишига олиб келади.

3.13-жадвал

Ўзгарувчиларнинг корреляцион боғлиқлик матрицаси⁹⁶

Ўзгарувчилар	ln_as	ln_cr	ln_lm	ln_nc	ln_ar	ln_nb
ln_as	1					
ln_cr	0,9621	1				
ln_lm	0,9461	0,9403	1			
ln_nc	0,8319	0,8502	0,8035	1		
ln_ar	-0,3150	-0,3878	-0,3495	-0,3315	1	
ln_nb	0,5763	0,6681	0,6476	0,5086	-0,6032	1

Бундан ташқари, ln_ar ўзгарувчининг корреляция коэффициенти минусда бўлиши, барча ўзгарувчилар тескари таъсир қилиши аниқланди. Натижада айрим эркин ўзгарувчиларнинг эркин ўзгарувчига таъсири йўқолишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, корреляцион матрицадаги ўзгарувчиларнинг коэффициенти юқори бўлганлиги учун кўп омилли регрессион моделдан чиқариб ташланади. Шу билан бирга, юқори корреляцияга эга бўлган ўзгарувчи ln_pc ҳамда ln_ar олиб ташлаган ҳолда, панель моделлари ҳисобланган йиғма, ўзгармас эффект ва тасодикий эффект моделларининг кўрсаткичларини ҳисоблашни амалга оширамиз (3.14-жадвал).

⁹⁶ AT "Алоқабанк" маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жадвалдаги маълумотлардан урта моделдаги танлаган эркили ўзгарувчиларининг P -қиймати 0,001 дан кичик эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич шуни англатадики, биз танлаган ўзгарувчилар, яъни \ln_cr , \ln_lm ва \ln_nb эркили ўзгарувчилар эркили ўзгарувчига \ln_as бевосита таъсир қилади.

3.14-жадвал

**Панель регрессион модель кўрсаткичлари
натижалари**
(2009–2017 йиллар маълумотлари асосида)⁹⁷

Эркили ўзгарувчи (\ln_as)	(1)	(2)	(3)
	Йилга модель	Ўзгармас эффект модели	Тасодифий эффект модели
\ln_cr	0.5436 *** (0.0000)	0.6369***(0.0000)	0.5841***(0.0000)
\ln_lm	0.3677*** (0.0000)	0.3606***(0.0000)	0.3637***(0.0000)
\ln_nb	-0.5459*** (0.0000)	-0.8493***(0.0037)	-0.6692***(0.0000)
C(constant)	6.4205*** (0.0000)	5.8424*** (0.0137)	6.1570*** (0.0000)
Қўзғатувлар сони	120	120	120
R-квадрат	0.9502	0.9684	0.9456
Банк филиаллар сони	10	10	10

Қавслар ичидаги кўрсаткичлар стандарт хатолик P -қийматдаги, *** $P < 0,01$, ** $P < 0,05$, * $P < 0,1$

Агар биз мазкур эркили ўзгарувчиларни гипотеза тес-тини амалга оширганимизда, урта моделда ҳам \ln_cr , \ln_lm ва \ln_nb ўзгарувчиларнинг коэффициенти 1 фоизда статистик муҳимлик даражасида таъсирчан эканлигини кўришимиз мумкин. Бу шуни англатадики, урта эркили ўзгарувчилар эркили ўзгарувчига таъсир қилиб, эркили ўз-

⁹⁷ АТ "Алоқабанк" маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдами-да муаллиф томонидан тайёрланган.

гарувчининг тўлиқ таъсир даражасини ифода эта олади. R-квадратларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг учала моделда ҳам бирга яқинлигини кўришимиз мумкин. Эконометрика назариясига асосан, R-квадрат қанчалик бирга яқин бўлса, яратилган регрессион модель стандарт хатоликлар тўғри чиқиққа яқинлигини англатади.

Эконометрик таҳлил натижасидан хулоса қилиш мумкинки, эркин ўзгарувчилар, хусусан, капиталлашуви даражаси, ресурс “узун пуллари” қиймати, ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони каби омиллар АТ “Алоқабанк”-нинг активлари ҳажмига таъсир қилади (бошқа омиллар ўзгармаган (*ceteris paribus*) таъсир қилади). Юқоридаги учта моделнинг эконометрик кўриниши қуйидаги формулада ўз аксини топган.

1. Йиғма модель

$$\ln_{nbit} = 6.4205 + 0.5436 * \ln_{crit} + 0.3677 * \ln_{limit} - 0.5459 * \ln_{nbit} + e_{it} \quad (6)$$

2. Ўзгармас эффе́кт модель

$$\ln_{nbit} = 5.8424 + 0.6369 * \ln_{crit} + 0.3606 * \ln_{limit} - 0.8493 * \ln_{nbit} + e_{it} \quad (7)$$

3. Тасодифий эффе́кт модель

$$\ln_{nbit} = 6.1570 + 0.5841 * \ln_{crit} + 0.3637 * \ln_{limit} - 0.6692 * \ln_{nbit} + e_{it} \quad (8)$$

Ҳисобланган йиғма, ўзгармас ва тасодифий эффе́ктлар моделларининг кўрсаткичларига назар ташласак, эркин ўзгарувчиларнинг коэффицентларида жуда катта фарқ мавжуд эмаслиги маълум бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур моделлардан қайси бири яхшироқ ва прогноз қила оладиган модель эканлигини аниқлаш учун Ж.Хаусман⁹⁸ тестидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Хаусман тести шуни кўрсатадики, агар регрессор (муस्ताқил ўзгарувчи) ва таъсирлар ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлмаса, ўзгармас

⁹⁸ Hausman, J. A. (1978). "Specification Tests in Econometrics". *Econometrica*. Vol.46, No.6, pp.1251-1271

ва тасодифий эффе́ктлар мавжуд бўлиб, лекин ўзгармас таъсирлар самарасиз ҳисобланади. Регрессор ва таъсирлар ўртасида корреляция мавжуд бўлса, ўзгармас таъсирлар мавжуд бўлади, лекин тасодифий эффе́ктлар мавжуд эмас ҳисобланади. Нолинчи гипотеза, асосан, қуйидаги эконо́метрик формула билан аниқланади.

$$W = (\beta_{RE} - \beta_{FE})' \Sigma^{-1} \quad (9)$$

Агар W статистик аҳамиятли бўлса, яъни эҳтимоллиги 5 фоиздан кам бўлса, ўзгармас таъсирлар модели яхшироқ модель ҳисобланади. Агар мазкур эҳтимоллик кўрсаткичи 5 фоиздан катта бўлса, тасодифий таъсирлар модели яхшироқ модель ҳисобланади. Ушбу тестнинг таҳлилини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (3.15-жадвал).

3.15-жадвал

Ж. Хаусман тести натижалари⁹⁹

Ўзгарувчилар	Ўзгармас эффе́кт (a)	Тасодифий эффе́кт (b)	Ўзгарувчиларнинг фарқи (a-b)	Эҳтимоллиги даражаси
ln_cr	0.636926	0.584102	0.000559	0.0255
ln_lm	0.360667	0.363785	0.000956	0.9197
ln_nb	-0.849311	-0.669286	0.760076	0.8364
	Чи-квадрат (χ^2) статисти-каси	Чи-квадрат тақсимо-ти	Эҳтимоллик даражаси	
Тасодифий таъсирларнинг кросс-секцион (Cross-section random)	24.861193	3	0.0000	

Жадвалдаги Ж.Хаусман тести натижалари ўзгармас эффе́кт модели бошқа моделларга нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатмоқда. Ўзгармас эффе́кт модели ях-

⁹⁹ AT "Алоқабанк" маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

широқ эканлигини R -қиймат эҳтимоллиги курсаткичига қараб нолинчи гипотеза ва муқобил гипотеза фаразидан фойдаланиб аниқланди. Унга қўра, нолинчи гипотезада ўзгармас эффект модели қабул қилинади. Муқобил гипотезада тасодифий эффект модели инкор этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, агар R -қиймат эҳтимоллиги 5 фоиздан кичик бўлса, нолинчи гипотеза тўғри, деб қабул қилинади. Тадқиқотимиздаги Хаусман тест-даги Чи-квадрат (χ^2)ни статистик муҳимлиги даражаси 5 фоиздан кичик бўлгани, яъни Чи-квадрат (χ^2) эҳтимоллиги R -қиймат 0.0000 га тенглиги, ўзгармас эффект модели бошқа моделларга нисбатан яхшироқ эканлигини курсатади.

Мазкур тестдан кейин қолдиқлар (residuals) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тестини ўтказамиз. Ушбу тестнинг натижасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (3.16-жадвал).

3.16-жадвал

Тасодифий таъсирлар моделининг қолдиқлари ўртасидаги боғлиқлик тести натижалари¹⁰⁰

Тест	Статистик қиймат	Эркинлик даражаси	Эҳтимоллиги даражаси
Breusch-Pagan LM	155.1550	66	0.0000
Pesaran scaled LM	6.715483		0.0000
Pesaran CD	10.07368		0.0000

Жадвалдаги қолдиқлар ўртасидаги боғлиқлик тести қолдиқлар ўртасида корреляция мавжуд эмаслигини курсатади. Чунки нолинчи гипотезани ўтказганимизда Breusch-Pagan LMни R -қиймати 5 фоиздан кичик бўлиб, унга қўра, қолдиқлар ўртасидаги корреляция мавжуд эмаслиги инкор этилиб, муқобил гипотезага қўра қол-¹⁰⁰ АТ "Алоқабанк" маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

диқлар ўртасидаги корреляция мавжудлиги қабул қилинади. Бундан кўриниб турибдики, ҳудудлар кесимидаги асосий капиталга киритилган марказлашган инвестиция, ялпи ҳудудий маҳсулотни ўсиши ва хорижий инвестицияларни ўсиши ҳудуднинг инвестиция ҳажмининг ўсишига таъсир этишидан далолат беради.

Хулоса сифатида панель маълумотлари асосида урта моделни таҳлил қилганимизда ўзгармас эффе́кт модели энг яхши ҳамда тижорат банклар активларини самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таъсири даражасини баҳолай оладиган модель бўлиб ҳисобланади. Мазкур моделнинг мустақамлигини аниқлаш тести, яъни қолдиқлари ўртасидаги боғлиқликлиги моделни башорат қилиш имконияти юқори эканлигидан далолат беради.

Филиаллар кесимида АТ “Алоқабанк”нинг активлари ҳажмига мазкур банкларнинг капиталлашуви даражаси, ресурс “узун пуллари” қиймати, ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони омиллар таъсири регрессион ва корреляцион эконометрик моделлар асосида аниқланди. Ийғма, ўзгармас ва тасодифий эффе́кт моделларидан фойдаланган ҳолда, АТ “Алоқабанк”нинг активларига таъсир этувчи омиллар таъсири баҳоланди.

Ушбу моделлар таҳлиliga асосан, ўзгармас эффе́кт модели энг оптимал модель ҳисобланиб, унга кўра бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, банкларни капиталлашуви даражаси бир фоизга ўсиши, банкларнинг активлар ҳажмини 0.6369 фоизга ўсишига, ресурс “узун пуллари” ҳажмини бир фоизга ўсиши эса банкларнинг активлар қийматини 0.3606 фоизга олиб келади, бироқ ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони бир фоизга ўсиши банкларнинг активлар ҳажмини 0.8493 фоизга камайишига олиб келишини (бошқа омиллар ўзгармаган шароитда) кўрсатади. АТ “Алоқабанк”нинг активларини самарадорлигига таъсир қилувчи омиллардан бири, бу – бошқа банклар сонининг ошиши ҳисобланади. Бошқа омиллар ўзгарма-

ган ҳолда юқорида кўрсатилган омиллар биргаликда бир фоизга ўсиши, ҳудудларнинг инвестиция ҳажмини 0,1482 фоизга ўсишини таъминлайди. АТ "Алоқабанк"нинг активлари ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш учун ўзгармас эффе́кт моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотимизда "Алоқабанк"ни тижорат банклари активларига кўп омилли регрессион моделни тузишда АТ "Алоқабанк"ни активлари қиймати (Y) ва унга таъсир қилувчи омиллар қилиб, банкнинг капиталлашуви даражаси (X1), банкнинг узоқ муддатли ресурслари қиймати (X2) ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони (X3) ҳолда кўп омилли регрессион модель тузилди:

3.17-жадвал

Eviews дастури асосида кўп омилли регрессион ва корреляцион таҳлил натижалари

Боғлиқ ўзгарувчи: Y				
Метод: энг кичик квадратлар				
Date: 02/17/15 Time: 23:24				
Маълумотлар: 2010–2018				
Қузатувлар сони: 9				
Ўзгарувчи	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистик	Эҳтимолиги (P-қиймат)
X1	0.543672	0.048918	11.11394	0.0000
X2	0.367740	0.059031	6.229584	0.0000
X3	-0.545991	0.114161	-4.782655	0.0000
C	6.420596	0.567284	11.31813	0.0000
Детерминация коэффициенти	0.950289	Боғлиқ ўзгарувчиларнинг ўртача қиймати	24.47060	
Ўтирилган детерминация коэффициенти	0.949003	Боғлиқ ўзгарувчиларнинг стандарт четланиши	1.426521	
Регрессиянинг стандарт хатолиги	0.322144	Акайкенинг мезони	0.605127	

Колдиқларни квадрат йиндиси	12.03808	Шварц мезони	0.698043	
Максимал ўрлашлиқ функциянинг қиймати	-32.30761	Ханнан-Куинн мезони	0.642861	
F-статистикаси	739.1597	Дарбин-Уотсон статистикаси	1.213010	
Эҳтимоллиги (F-статистикаси)	0.000000			

Юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар бўйича куйидаги кўп омилли регрессион модель шаклланди.

$$\ln_{\text{asit}} = 6.4205 + 0.5436 * \ln_{\text{crit}} + 0.3677 * \ln_{\text{limit}} - 0.5459 * \ln_{\text{nbit}} + e_{it}$$

Шаклланган моделда туғирланган детерминация коэффиценти шуни кўрсатадики, АТ “Алоқабанк”ни активлари қиймати (Y) ни 95 фоиз моделда шакллантирилган омиллар банкнинг капиталлашуви даражаси (X1), банкнинг узоқ муддатли ресурслари қиймати (X2) ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони (X3)га боғлиқдир. Қолган 5 фоиз эса ҳисобга олинмаган бошқа омилларга боғлиқ ҳисобланади.

АТ “Алоқабанк”ни активлари қиймати (Y)га таъсир қилувчи омил ҳисобланган банкнинг капиталлашуви даражаси (X1), банкнинг узоқ муддатли ресурслари қиймати (X2) ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони (X3) таъсири даражасини коэффицентни 5 фоизлик муҳимлик даражасида аниқланди. Регрессион моделининг банкнинг капиталлашуви даражаси (X1), банкнинг узоқ муддатли ресурслари қиймати (X2) ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони (X3)га коэффицентлари Р-қийматининг эҳтимоллиги 0,05 кичик бўлиб, ушбу коэффицентлар “Алоқабанк”ни активлари қиймати ўзгаришига таъсир қилишини кўрсатади.

Тузилган регрессион моделининг Фишернинг F-статистикасининг Р-қийматининг эҳтимоллиги 0,05 дан кичик бўлиб, банкнинг капиталлашуви даражаси (X1), банкнинг узоқ муддатли ресурслари қиймати (X2) ва ҳудудлардаги

рақобатчи банклар сони (X3) мустақил ўзгарувчи омилларнинг боғлиқ ўзгарувчи ҳисобланган ЯИМга таъсир қилишини кўрсатади.

Тузилган моделнинг прогноз қилишини аниқлаш учун диагностика таҳлилини амалга оширамиз. Регрессион ва корреляцион моделнинг прогноз қилишини аниқлаш учун ушбу моделнинг қолдиқлар (residuals) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тестини ўтказамиз. Ушбу тест натижасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (3.18-жадвал).

3.18-жадвал

Тасодифий таъсирлар моделининг қолдиқлари ўртасидаги боғлиқ тести натижалари ¹⁰¹

Тест	Статистик қиймат	Эркинлик даражаси	Эҳтимоллиги даражаси
Breusch-Pagan LM	155.1550	66	0.0000
Pesaran scaled LM	6.715483		0.0000
Pesaran CD	10.07368		0.0000


Жадвалдаги қолдиқлар ўртасидаги боғлиқлик тести қолдиқлар ўртасида корреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади. Чунки нолинчи гипотезани ўтказганимизда Breusch-Pagan LMни P-қиймати 5 фоиздан кичик бўлиб, унга кўра қолдиқлар ўртасидаги корреляция мавжуд эмаслиги инкор этилиб, муқобил гипотезага кўра қолдиқлар ўртасидаги корреляция мавжудлиги қабул қилинади.

Бундан кўриниб турибдики, АТ "Алоқабанк"нинг капиталлашуви даражаси, банкнинг узоқ муддатли ресурслари қиймати ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони мазкур банкнинг активлари қийматини ўсишига таъсир этишидан далолат беради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, АТ "Алоқабанк"ни капиталлашуви даражаси 1 фоизга ўсиши мазкур банк-

¹⁰¹ АТ "Алоқабанк" маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

нинг активлари қиймати 0,54 фоизга ўсишига, банкнинг узок муддатли ресурслари қиймати 1 фоизга ўсиши ушбу банкнинг активлари қийматини 0,36 фоизга ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони 1 фоизга ўсиши эса, банкнинг активлари қийматини 0,54 фоизга тушиб кетишига олиб келади. Бошқа омилларни ҳисобга олмаган банкнинг капиталлашуви даражаси, банкнинг узок муддатли ресурслари ва ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони биргаликда 1 фоизга ўсиши АТ “Алоқабанк” активлари қийматини 0,36 фоизга ўсишига олиб келади. Юқоридаги кўп омилли регрессион орқали АТ “Алоқабанк” активларининг қиймати йиллар кесимида ўсишига банкнинг капиталлашуви даражаси, банкнинг узок муддатли ресурслари қиймати ҳамда ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони таъсирини полиминал, чизиқли ва экспоненциал усуллардан фойдаланган ҳолда прогнозини амалга оширамыз (3.7-расм).



3.7-расм. АТ “Алоқабанк” активлари қийматининг ўсиши динамикаси¹⁰²

Тадқиқот доирасида АТ “Алоқабанк” активлари қийматининг ўсишига, банкнинг капиталлашуви даражаси, банкнинг узок муддатли ресурслари қиймати, ҳудудлар-

¹⁰² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

даги рақобатчи банклар сонининг таъсирини урта ҳолатда 2019–2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (3.19-жадвал).

3.19-жадвал

АТБ “Алоқабанк” активлари қиймати ўсишини 2020–2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичи, млрд. сўмда¹⁰³

Йиллар	1-сценарий чизиқли $y=0.5316x+2.7032R^2=0.960183$	2-сценарий экспоненциал $y=2.7032e0.005xR^2=0.52$	3-сценарий полиномиал $y=0.2955x^2+0.5436x+6.4205R^2=0.950289$
2020	9 712	9 199	10 175
2021	10 237	9 912	11 545
2022	10 790	12 678	13 099
2023	11 685	17 679	14 862

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2-сценарий экспоненциал таҳлилга асосан, АТ “Алоқабанк”ни активлари қийматини ўсишига банкнинг капиталлашуви даражаси, узоқ муддатли ресурслари қиймати, ҳудудлардаги рақобатчи банклар сонининг таъсири доираси ўрганилганда 2023 йилга келиб, “Алоқабанк”ни активлари қиймати 17 679 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. 1-сценарий чизиқли таҳлил асосида, 2023 йилга келиб, “Алоқабанк”ни активлари қиймати 11 685 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. 3-сценарий полиномиал таҳлилга кўра эса, 2023 йилга келиб, банкнинг активлари қиймати 14 862 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, “Алоқабанк”ни активлари қийматини ўсиши таъминловчи асосий кўрсаткич банкнинг капиталлашуви даражаси, узоқ муддатли ресурслари қиймати,

¹⁰³ АТ “Алоқабанк” маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони ўзгариши ҳисобланади. АТ "Алоқабанк" активлари қийматини ўсишига банклардаги ресурслари ҳажми ва банкнинг капиталлашуви даражаси ижобий таъсир қилади. Бироқ ҳудудлардаги банклар сонининг кўпайиши салбий таъсир қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, банк ўзининг ресурсларини кўпайтиришнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Шунингдек, банк активларининг кўпайишига банк филиалларининг капиталлашуви даражасини ошириш лозим, банк капиталлашуви ошиб бориши банк активларини ошишига олиб келади.

Иккинчидан, АТ "Алоқабанк"нинг активларини оширишда ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони ўсиши инobatга олиниши лозим. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудлардаги банкларнинг сони ошишини АТ "Алоқабанк"нинг ҳудудлардаги филиаллари активларининг камайишига олиб келишини кўрсатди.

Шуни инobatга олган ҳолда, АТ "Алоқабанк" филиалларидаги банк кредитларининг ўртача фоизини пасайтириш лозим. Натижада филиаллардаги активлар ҳажми ҳамда самарадорлиги ортишини таъминлашга хизмат қилади.

IV БОБ. УЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1. Банк активлари ҳажмини интенсив ошириш- нинг амалий ва услубий муаммолари тадқиқи

Тижорат банкларида фақат даромадли актив амалиётлар ҳажмини ошириш стратегиясига асосланиш уларнинг самарадорлигини оширишни тўлиқ қамолатлаш олмайди. Чунки кредит бозоридаги етарли талабнинг мавжудлиги, ҳукуматнинг кредит экспансиясини рағбатлантириш сиёсати актив амалиётлар фаоллигига ижобий таъсир қилиши мумкин. Бу каби чоралар, одатда, давлат томонидан иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш борасидаги стратегик дастурлар талабларида намойиш бўлади.

Бизнинг фикримизча, актив амалиётлар самарадорлигига эришиш эркин иқтисодиёт шароитидаги молия-кредит тизимининг соғломлиги, кредит муносабатлари ва инструментларининг оқилона ташкил этилишига боғлиқ. Аксинча, инқирозли вазиятларда банк активларини бошқариш принципларидаги номутаносибликлар оғир муаммоларни келтириб чиқаради.

Шу ўринда, жаҳон иқтисодиёти тизимида кузатилган молиявий инқирозларнинг сабаблари банк активларининг нотўғри бошқарилишига боғлиқ бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

1929–1933 йилларда АҚШда, 1981 йилда Чилида, 1997–1998 йилларда Жанубий Корея ва Японияда, 2008 йилда АҚШда бошланган молиявий инқирозлар банк активларининг қадрсизланиши натижасида банклар билан кредит муносабатларига киришган компанияларнинг ҳам касодга учрашига олиб келди¹⁰⁴.

¹⁰⁴ Қодиров Э.Т., Мажидов Ж.К. Хорижий мамлакатларда банк иши.

Мисол тариқасида, Россия банклари кредит портфелида кредит олган жами мижозларнинг муаммоли ва умидсиз қарзлари 2005–2007 йилларда ўртача 2,4–2,6 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2008 йилда 3,8 фоизни ташкил қилиб, 2009 йил якунида 9,6 фоизга етди. Шунингдек, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга яратилган захиралар 2005–2007 йилларда ўртача 3,6–4,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йил якунида 9,1 фоизга етди¹⁰⁵.

Банкларда активлар сифатининг мунтазам равишда бузилиши банк фаолиятининг хавfli ва носоғлом тоифага киритилишига олиб келади. Республикамиз банк қонунчилигида активлар сифатининг бу каби бузилишига қуйидаги жиҳатлар олиб келиши мумкинлиги қайд этилган:

– қарз олувчининг кредитларни тўлашга доир етарли имкониятларисиз, таҳлил ва текширувларсиз кредитлар берилиши;

– қоникарсиз кредит тарихига эга бўлган ёхуд ўша ёки бошқа банкда кредитга оид мажбуриятларни мунтазам равишда бажармай келган қарздорларга кредитларнинг берилиши;

– ҳисоботда кўрсатилганидек, гаров қийматини тасдиқловчи етарли ахборот ва таҳлил мавжуд бўлмаган баҳолаш ҳисоботлари асосида кредитлар берилиши;

– молиявий аҳволи беқарор бўлган қарздорлар кредитларининг янгиланиши ёки муддатининг узайтирилиши;

– муддати ўтган фоизларни олмай туриб, кредитларнинг доимий равишда янгиланиши ёки муддатининг узайтирилиши;

– кредитларни тўлашга доир сиёсатнинг йўқлиги ёки унинг ўтказилмаслиги;

– мазкур банк молиявий аҳволи учун сезиларли тавак-

Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2016. -184 б. (178-179-бетлар).

¹⁰⁵ Тихомирова Е.В. Банковский рынок корпоративных кредитов: особенности и принципы//Деньги и кредит. –М.:2011.- №7. (41-бет).

калчиликни юзага келтирувчи ёки етарли даражада тажрибага эга бўлмай инвестициялар ёки қимматли қоғозларга доир бошқа операцияларнинг амалга оширилиши;

– Марказий банкка ҳаққоний бўлмаган ҳисоботларни тақдим этиш, активлар таваккалчилигини етарли даражада диверсификация қилмаслик;

– банкка хос ҳолатларга нисбатан капитал даражасининг номувофиқлиги (банк активларининг тури ва сифати, фаолият турлари ва б.);

– банкнинг аралаш активлари ва пасивларига нисбатан ликвидликнинг етарли эмаслиги;

– кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун етарли чегирмаларнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.¹⁰⁶.

Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар республикамизнинг айрим тижорат банклари амалиётида активлар самарадорлигини пасайишига олиб келувчи бир қатор муаммоли жиҳатлар ҳамон сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар доирасидан келиб чиқиб, уларни тизимлаштириш мақсадида гуруҳларга ажратган ҳолда келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Биринчи гуруҳ муаммоларига активлар самарадорлигини ошириш ҳамда активлар портфелини шакллантириш муаммоларини киритиш зарур.

Кредит маблағлари бозорида банк хизматлари сифатини ошириш зарурати юқорилигича қолмоқда. Кредит маблағлари бозорида самарали фаолият кўрсатиш банк даромадларининг йирик қисмини шакллантириши билан бирга, банклараро рақобатда устунликни таъминловчи муҳим мезон ҳамдир. Бизнингча, бу тоифадаги муаммолар қуйидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқаради:

¹⁰⁶ “Хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолияти тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда 628-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 431-сон билан тасдиқланган.

- даромад келтирувчи актив амалиётлар ҳажмининг камайиши;

- потенциал мижозлар қўнимсизлигининг ошиб кетиши ва мижозлар эътирозларининг қўлайиши.

Иккинчи гуруҳ активларни жойлаштириш билан боғлиқ муаммолар. Бунда:

- биринчидан, активларни жойлаштириш билан боғлиқ ички меъёрий ҳужжатларда етишмовчиликларнинг мавжудлиги.

Банкларда ички сиёсатлар активлар сифатини таъминлашга ягона талабларни белгилувчи муҳим дастак ҳисобланади. Айниқса, молия бозоридаги ўзгаришлар, рақобат муҳитининг кучайиши шароитида ички меъёрий ҳужжатлар мослашувчанлик талабларини ифодалаш билан бирга, банк ликвидлигини сақлаш, муаммоли активларни юзага келиш омилларини бартараф этиш механизмини тартибга солиши зарур;

иккинчидан, тижорат банкларида муаммоли активларни олдиндан аниқлашнинг мавжуд механизмида бир қатор камчиликларнинг қўзғатилганлиги.

Тадқиқотларимизга асосланиб қайд этишимиз мумкинки, муаммоли активларнинг юзага келишини олдиндан аниқлашдаги асосий хатоликлар активларни жойлаштирилганидан сўнги назорат тизимини сустилиги билан боғлиқ;

учинчидан, активларни самарали жойлаштириш борасидаги қарорлардаги номувофиқликлар.

Одатда, банкларда йирик лойиҳаларни молиялаштириш жараёни синчиклаб, пухта ўйланган қарорлар қабул қилишни тақозо этади. Нотўғри қарорлар жойлаштирилган активларни келгусида муаммога айланиш хавфини юзага келтиради.



4.1-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигини баҳолаш методологияси¹⁰⁷

Учинчи гуруҳ муаммолари активлар назорати ва таваккалчиликларни баҳолаш тизимини тўғри йўлга қўйилмаганлиги. Бунда, комплекс омилли таҳлилнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги.

Банклар амалиётининг қўрсатишича, банк активларини юқори таваккалчиликка эга эканлиги активларни жойлаштириш жараёнидан то сундиришга қадар бўлган даврда турли омиллар таъсирини ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Айнан, комплекс омилли таҳлилни талаб даражасида ўтказилмаслиги ёки маз-

¹⁰⁷ Расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

кур таҳлил натижаларига бефарқлик банк активлари портфелида ечими узоқ муддат талаб қиладиган муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Туртинчи гуруҳ муаммолар активлар самарадорлигини баҳолаш муаммолари.

Тижорат банкларида мониторинг механизмини тўғри йўлга қўйилиши активлар сифатини мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиётдаги тебранишлар, бозор омиллари мижозларга жойлаштирилган активларни мунтазам равишда мониторингдан утказиб боришни талаб этади.

Фикримизча, банк активлари самарадорлигини баҳолаш методологияси қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- активлар билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабабларини батафсил баён этиши;

- активларнинг ҳар бир турини қай даражада жойлаштирилганлиги, активлардан қурилаётган фойда даражасини аниқлаб бериши;

- активлар самарадорлигини ошириш бўйича амалий жиҳатдан тўлиқ асосланган таклиф ва тавсияларни қамраб олиши ва ҳ.к.

Юқоридаги муаммоли жиҳатларни бартараф этишга қумаклашадиган қуйидаги амалий тавсияларни берамиз:

Биринчи ўринда кредит буюртмаларини қуриб чиқиш муддатларига қатъий риоя қилиш, консалтинг хизматлари қўрсатиш, кредит буюртмалари билан бевосита ишлайдиган ходимларнинг жавобгарлик даражасини кучайтириш, мижозларни кредитлаш бўйича қўшимча қулайликларни таклиф этиш зарур. Айниқса, бугунги кунда мижозлардан кредит буюртмаларини янги технологиялар асосида онлайн қабул қилиш механизмини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Кредит буюртмаларини онлайн қабул қилиш кредитлаш жараёнини тезлаштириш, мижозларнинг вақтини тежаш,

энг муҳими, банк ходимларини топшириқларни вақтида бажаришга мажбур қилади.

Иккинчи ўринда тижорат банкларида кредитлаш салоҳиятини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни таклиф этамиз:

Банкнинг самарали инфратузилмасини шакллантириш. Банк инфратузилмаси оптимал даромадлики таъминлаш учун зарур кредит ресурслари манбаини тўплашда муҳим ўрин тутати. Шу мақсадда банкнинг инфратузилмаларини қуйидаги талаблар асосида ривожлантириш зарур:

- банк филиалларини иқтисодий ресурслар фаол ҳудудларда жойлаштириш;
- инфратузилмалар фаолиятига доир муаммоларни ҳал этиш ёки уларни ривожлантириш билан қарорлар қабул қилиш жараёнини тезлаштириш.

Банклар амалиётига юридик ва жисмоний шахслар бўш маблағларини жалб этишнинг жозибадор ва таъсирчан усулларини жорий этиш. Бугунги кунда банклар ўртасида корпоратив мижозларга инновацион банк хизматлари мажмуини таклиф этиш борасидаги рақобат кучайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, банкларда барқарор ресурс маблағларини шаклланишига кумаклашмоқда. Банкларда актив амалиётлар учун зарур ресурслар захирасини шакллантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- депозит ресурсларининг шаклланиш манбаларини диверсификациялаш;
- мунтазам равишда мижозларга йўналтирилган, эгилувчан тариф сиёсатини шакллантириб бориш;
- банк хизматлари кўрсатиш механизмини мижозларга қулай тарзда, инновацион бизнес жараёнлар ва янги технологияларга асосланган ҳолда амалга ошириш;
- депозит ва фоиз сиёсатини ресурс бозоридаги вазият таҳлили асосида қисқа муддатларда қайта кўриб чиқиш.

Пул-кредит сиёсатининг иқтисодийта таъсири алоҳида трансмиссион каналлар орқали амалга оширилади. Асосий каналлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- фоиз канали;
- кредит канали;
- валюта курси канали;
- инфляцион кутилмалар канали;
- активлар баҳоси канали.

Фоиз канали – пул-кредит сиёсатининг иқтисодийта таъсир этувчи анъанавий канали ҳисобланади. Марказий банк фоиз ставкасининг ўзгариши иқтисодийтадаги умумий фоиз ставкалари даражасига таъсир кўрсатиб, инвестиция/жамғарма даражасини ўзгартириш орқали иқтисодийтадаги ялпи талабнинг ўзгаришига олиб келади. Ялпи талабнинг ўзгариши, ўз навбатида, инфляция даражасига таъсир этади. Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси ва ялпи талаб орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлмаса-да, фоиз ставкаси ўзгаришининг таъсири бошқа каналлар орқали ҳам амалга ошади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг иқтисодийтадаги фоиз ставкаларига таъсири бўйича таҳлиллар улар орасида барқарор боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда. Айни вақтда трансмиссион механизм фоиз каналининг таъсирини Ўзбекистон шароитида чекланганини банклараро пул бозорининг шаффоф эмаслиги ва етарлича ривожланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, банклараро пул бозорида тижорат банклари фаолиятининг сустиги ва операциялар ҳажмларининг кичиклиги фоиз каналининг самарадорлигини пасайтиради.

Ушбу фикримизнинг яққол далилини Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси фоизининг белгиланиши мисолида кўришимиз мумкин (4.3-расм):



4.3-расм. Ўзбекистон банкларида ажратилган кредитлар ҳажми ва қайта молиялаш ставкаси ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик динамикаси

Расмдан кўриниб турибдики, 2010 йилдан бошлаб, қайта молиялаштириш ставкасини 16 фоиздан 9 фоизга пасайтирилиши ва яна 16 фоиз қилиб белгила- нишига қарамай, кредитлар ҳажми бир маромда ўсиши таъминланган. Марказий банк қайта молиялаш ставкаси- ни 2018 йилнинг 25 сентябридан 2 фоиз ошириб, йиллик 16 фоиз даражасида белгилади.

Мазкур қарор ташқи иқтисодий шароитлар ўзгариши- ни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган бўлиб, инфляцион башоратлар ошиши, маъмурий тартибга солинадиган нархлар ўсиши ва валюта алмашув курси ўзгаришининг ички нархларга таъсири кучайиши шароитида инфля- цион босимни пасайтиришга йўналтирилган.

2016 йилда пул-кредит сиёсати кучли инфляция боси- ми сақланган, иқтисодиётда туб ислохотлар амалга оши- риладиган, шу жумладан, валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти эркинлашадиган шароитда олиб борилди. Мар- казий банк 2017 йил июнь ойида қайта молиялашти- риш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизга кўтарди ҳамда

тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлик даражасига қўйилган талабларни кучайтирди.

Банкларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирган кредит маблағлари қолдиқлари ҳажми 58 триллион сўмга ошди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, 110,6 триллион сўмга етди. Тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 16,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу эса 2016 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпдир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 23,3 фоизга ошди ва 19,6 триллион сўмни ташкил этди, шу жумладан, микрокредитлар 4 триллион сўмни ташкил этди.

Сўнгги йилларда республикада банк тизими, юқори ўсиш суръатлари билан ривожланмоқда. Хусусан, тижорат банклари жами активлари сўнгги 5 йилда қарийб 5 баравар ошиб, 2017 йил сўнггида 166 трлн. 632 млн. сўмга етди ва йилига ўртача 35 фоизга ўсиб келмоқда. Банкларимизнинг кредитлаш амалиёти ҳам йил сайин кенгайиб, активларга монанд равишда сўнгги 5 йилликда тижорат банкларининг кредит қолдиғи 5 баравар ошиб, 2017 йилда 110 трлн. 572 млрд. сўмга етди ва ўтган йилдагига нисбатан 2 баравар ошган бўлса, 5 йилликда ўртача 40 фоизлик ўсиш суръатини қайд этиб келмоқда. 2019 йил I чорак якуни бўйича жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми 26,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 82 фоизга ва жорий йил бошига нисбатан 9 фоизга ўсди. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар 65 млрд. сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг ўтган даврида 38 млрд. сўмга ёки 1,4 мартага ошди¹⁰⁹.

¹⁰⁹ <http://www.cbu.uz> (O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki).

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизми самарадорлигини таъминлаш ва фоиз инструментларини оптималлаштириш мақсадида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичи сифатида асосий ставка ва фоиз муҳим 2019 йилдан амалиётга жорий қилиш кўзда тутилди.

Пул-кредит сиёсати иқтисодий назариядаги асосий макроиқтисодий сиёсатлардан бири ҳисобланади. Замонавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда пул воситаларининг нарх барқарорлиги, шу билан иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли катта. Молиявий бозорлар ривожланган ва интеграциялашган сари, пул-кредит сиёсатининг таъсири иқтисодиётда янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пул-кредит сиёсатини модернизация қилиш молия секторини эркинлаштириш билан бирга бошланди. Пул сиёсатининг баъзи воситалари, масалан, нақд пул захиралари коэффициенти 1966 йилдан бери мавжуд бўлса ҳам, инқироз ва ликвидликни ошириш каби очиқ бозор операциялари фақат 1989 йилда бошланган. Худди шу йили фоиз ставкаси қайта кўриб чиқилиб, бозорга депозит ва кредит ставкаларини белгилаш имконини берди. Доимий ликвидлик механизми фақат 2004 йилда жорий этилган.

Фоиз ставкаси пул-кредит сиёсатининг муҳим ўзгарувчисидир, чунки ставка пулга бўлган талаб ва таклифга таъсир қилади. Шу сабабли кўпгина Марказий банклар фоиз ставкасини пул-кредит сиёсатидан реал секторга ўтказишнинг самарали воситаси сифатида танлайдилар. Ҳозирда Марказий банкларнинг аксарияти фоиз ставкаси коридорига (ИРС) амал қилмоқда.

ИРС – бу ликвидликка қарши кураш ва мопни тўлдиришга қаратилган очиқ бозордаги операциялар тизими. ИРС доирасида Марказий банк сиёсат ставкасининг пойдеворини ва чегарасини ўрнатади ва бошқа пул бозорлари ставкаларини, масалан, банклараро ставкалар

ушбу қават ва шифтлар ичида ҳаракатланишини таъминлайди¹¹⁰.

Марказий банк томонидан ликвидлик операцияларининг энг юқори ставкалари ўрнатилганлиги сабабли, Марказий банк либерал бозорда бозор фоиз ставкаларига яхшироқ таъсир кўрсатиши мумкин. Фоиз коридори сиёсатининг амалдаги мақсади – фоиз ставкаларини барқарорлаштириш ва пул-кредит бошқарувини модернизация қилиш ҳисобланади.

Одатда коридорда юқори чегирмада чегирма ставкаси ёки доимий кредит ставкаси ва пастки чегарадаги таъминланмаган депозит объекти бўлиши керак. “Доимий восита” сўзи доимий равишда Марказий банк томонидан белгиланган ставка бўйича (ёки Марказий банкдаги депозит маблағлари) маблағларга кириш имконини аниқлатади (яъни йил давомида доимий равишда ишлайдиган). Доимий кредитлаш механизми ғояси, барча бошқа имкониятлар тугаганида, банкларга Марказий банкдан маблағ олиш имкониятини беради. Гаровга қўйилмайдиган депозит воситаси (бу қўп йиллик иқтисодиёт шароитида “доимий восита” сўзи фақат қарз маблағлари учун доимий ойнани кўрсатишда ишлатилади) банкларга ортиқча пул маблағларини тўхтатиб қўйиш имкониятини беради.

Сиёсат ставкаси – бу Марказий банкнинг асосий кредит ставкаси. Одатда бу репо ставкаси, лекин номенклатура ҳар бир мамлакатда турлича. Агар банк ликвидлик етишмовчилигига дуч келган бўлса, у репо ставкасида гаровга қўйиш ва маблағларни жалб қилиш учун Марказий банкка мурожаат қилиши мумкин. Коридорни аниқлаш учун сиёсат ставкалари бўйича тарқалиш одатда белгиланади, шунда сиёсат ставкасидаги ҳар қандай ўзгариш автоматик равишда доимий нархлардаги тегишли ўзга-

¹¹⁰ <https://thehimalayantimes.com/opinion/interest-rate-corridor-modernising-monetary-policy>.

ришларга айлантирилади. Иккита турган объектлар томонидан белгиланган расмий коридорнинг кенглигидан қатъи назар, амалда “бир кечада” фоиз ставкаси тор коридорда сиёсат ставкаси атрофида ўзгариб туради.

Бозор мантиқий фоизлар коридорида фаолият кўрсатиши керак, чунки ортиқча нақд пулга эга бўлган трейдер ортиқча пул маблағларини депозит қилиш орқали Марказий банкдан олиши мумкин бўлган маблағни қарз олувчидан минимал ставкани талаб қилади. У олиши мумкин бўлган максимал ставканинг мавжуд ставкасидан паст бўлиши керак, бунда Марказий банк жаримага тортилган ҳолда қатнашчиларга ликвидликни беради. Ликвидлик тақдим этиш ва жалб қилиш бўйича пул-кредит сиёсати инструментлари турларининг кенгайтирилиши Марказий банкнинг асосий операциялари бўйича фоиз коридорини шакллантиришга хизмат қилади.

Банк фаолияти барча мамлакатларда қатъий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади.

Турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг турлича механизмлари қўлланилади. Шунингдек, ташкилий ёндашувлар ҳам хилма-хилдир. Аммо бирорта механизм кредит институтларининг жорий фаолиятига давлатнинг аралашуви сезиларли бўлган шароитда самара бермаган.

Банкларни банкротликдан ҳимоя қилиш тизимида етакчи ўринни банкларнинг ички бошқарув тизимининг сифати эгаллайди. Шу сабабли банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар банк муассасаларини ривожлантириш жараёнида уларни бошқариш ва тартибга солишни мустаҳкамлаш масаласига йўналтирилиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар томонидан ўз капитали етарлигининг таъминланиши, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этилиши, иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кре-

дит қўйилмалари ўсишини ва рискни оқилона диверсификацияланишини таъминланиши, кредитлар бериш шартларини, шунингдек, банк кредит портфелининг ҳолатини акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда назорат қилиниши банк назоратининг моҳиятини билдиради.

Тижорат банкларида капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, фойдалилиги ва ликвидлилигига қараб уларнинг молиявий аҳволи баҳоланади, ночор банклар аниқланади. Ана шу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича чекли қийматни аниқлаш Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларига банк муассасасини соғломлаштириш ёки унинг беозор тарзда тугатиш имконини беради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг асосий вазифаси иқтисодий меъёрларга риоя этишдан, капитал ва ликвид маблағларни етарли даражада сақлашдан, шубҳали ва зарар қутилаётган активларга нисбатан захираларни вужудга келтиришдан, шунингдек, маҳрум бўлиш хавфини камайтириш мақсадида активларни диверсификациялашдан иборатдир.

Иқтисодий меъёрлар қуйидагилардан иборат:

- янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган банкларнинг энг кам миқдоридаги низом фонддини ўрнатиш;
- сармоянинг етарлилик коэффиценти;
- банк сармояси билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари;
- банк баланси ликвидлилиги кўрсаткичи;
- бир қарз олувчига тўғри келадиган хатарнинг энг катта ҳажми;
- барча "йирик" кредитларга тўғри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажми;
- бир омонатчига тўғри келадиган хатарнинг энг юқори миқдори;

- қимматбаҳо қоғозлар бўйича операцияларда ўз маблағларидан фойдаланиш кўрсаткичи;

- дахлдор шахслар билан банк амалиётини олиб бориш.

Марказий банк юқоридаги меъёрларни ҳар доим барча тижорат банклари бўйича қўзатиб боради.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ, 2018 йилда давлат улушига эга банклар капиталига ҳукумат томонидан 3 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Натижада 2018 йил давомида тижорат банкларининг умумий капитали 29 фоизга ёки 6 трлн. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 26,7 трлн. сўмни, шундан устав капитали 21 фоизга ошиб, 19,7 трлн. сўмни ташкил этди. Жами капитал ҳажми ўсишининг 5 трлн. сўми (83,3 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари ва қолган 1 трлн. сўми бошқа тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади.

Тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётининг сезиларли даражада кенгайтирилиши натижасида 2018 йил якуни бўйича банклар капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан 3,2 фоиз бандга камайиб, таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларга нисбатан 15,6 фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этди. Мазкур кўрсаткич давлат улушига эга тижорат банкларида 15,4 фоизни, бошқа банкларда эса 16,9 фоизни ташкил этди¹¹¹.

Қайта молиялаштириш ставкаси пул бозоридаги асосий кўрсаткич сифатида иқтисодиётда кредит маблағлари бўйича фоиз ставкасига таъсир қилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Қайта молиялаштириш ставкасидан

¹¹¹ www.cbu.uz расмий сайти маълумотлари.

пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқариш ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг миқёсда фойдаланилади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ривожланган ва бир қатор ривожланаётган мамлакатлар амалиётида ҳам қайта молиялаштириш ставкасидан сўнги йилларда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирларини енгиллаштириш мақсадида миллий иқтисодиётнинг инвестициявий салоҳиятини кучайтирувчи муҳим регулятив восита сифатида фаол фойдаланилмоқда.

Марказий банк “арзон пуллар” ва “қиммат пуллар” сиёсатини олиб бориш орқали тижорат банкларига нисбатан назорат қилинувчи “фоиз коридори” ташкил этади.

Бунда “арзон пуллар сиёсати”, “қиммат пуллар сиёсати” каби иқтисодиётдаги пул массасини тартибга солиш механизмлари тижорат банкларининг кредитлаш ҳажмларига таъсир кўрсатади.

“Арзон пуллар сиёсати” дастлаб америкалик иқтисодчи Ж.М.Кейнс томонидан Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси миқдорини пасайтириш орқали паст фоизли банклар кредитларини рағбатлантириш таклифи илгари сурилиши натижасида юзага келди. Бунда йирик компанияларнинг банк кредитларидан юқори даражада фойдаланиши натижасида ўзларининг инвестициявий харажатларини молиялаштириш имкониятини таъминлаб бериш, шу асосда иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўзланган эди.

2008 йилда юзага келган жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда АҚШ, Япония ва Европа Марказий банклари томонидан ҳам “ноллик” ҳисоб ставкаларини қўллашга асосланган “арзон пуллар сиёсати”дан фойдаланилди.

“Қиммат пуллар сиёсати” иқтисодиётда инфляция суръатлари ўсган, турли номутаносибликлар кучайиб бораётган шароитда Марказий банк томонидан пул массасини чегаралаш чораларини қўллаш орқали амалга

оширилади. Бунда тижорат банклари кредитлари фоизларини кўтариш орқали қимматлаштириш, шу орқали инфляцияни жиловлашга қаратилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, миллий иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга қаратилган кенг қуламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ҳолат тижорат банклари кредитлаш қулами кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, 2018 йил давомида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида тижорат банклари томонидан 3,7 мингдан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун 28,2 трлн. сўм миқдорида ёки 2017 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредит маблағлари ажратилди.

Шундан саноат соҳасидаги 1 477 та лойиҳага 20,7 трлн. сўм; хизмат кўрсатиш соҳасидаги 1 225 та лойиҳага 2,5 трлн. сўм; қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 1 043 та лойиҳага 5 трлн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туманларга қилган ташрифлари давомида қабул қилинган дастурлар доирасида 2018 йилда ишга туширилиши белгиланган 2,1 мингдан ортиқ лойиҳага 10,4 трлн. сўм, 2019–2021 йилларда ишга туширилиши белгиланган 1,2 мингдан ортиқ лойиҳага 13,9 трлн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди¹¹².

¹¹² www.cbu.uz расмий сайти маълумотлари.

Мамлакатимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш, инвестицион фаолиятини кучайтириш борасида Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан белгиланган вазифалар доирасида банкларнинг капиталлашуви даражасини янада оширилиши ҳам иқтисодиётдаги узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини кенгайтиришга молиявий имконият яратмоқда. Натижада тижорат банклари кредит сиёсатида ҳам иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш салмоғи йилдан-йилга ошиб бораётир¹¹³.

4.3. Тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммоларини ҳал этиш йўллари

Республикаимиз банк тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламини кенгайтириш борасида олиб борилаётган чоратадбирлар натижасида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, инвестиция жараёнларида, иқтисодиётни таркибий ислоҳ қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарали ислохотлар натижаси ўлароқ, банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга ошириб борилиши туфайли тижорат банклари фаолияти янада такомиллашиб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва энг асосийси, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ортиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Банк

¹¹³ А.Зайлиев. Кредит сиёсати ва унинг банк фаолиятидаги ўрни. (www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/16172)

тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади банклар фаолиятининг иқтисодий ўсишини, молиявий барқарорлигини таъминлаш сари йўналтиришдир. Кейинги йилларда тижорат банклар молиявий ресурсларни молиявий воситачилик операциялари соҳасига йўналтирувчи молиявий институтга айланиб қолмоқда.

Лекин шу билан биргаликда, тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқариш муаммолари мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш, рискларни баҳолашнинг замонавий усулини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб бормоқда.

Тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда инвестиция оқими кенгаяётган бўлишига қарамасдан, шаффофлик, ликвидлилик, коррупция, бошқарув, солиқлар ва нисбатан юқори транзакция харажатлари каби омиллар активларни баҳолашнинг “энг яхши” усуллари ни шакллантиришни қийинлаштирмоқда. Жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган паст даражада ўсиш, дунё инвесторларини ривожланган давлатларга нисбатан икки ва ундан кўпроқ марта ўсаётган ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига инвестицияларни амалга оширишга ундамоқда.

Рискни баҳолаш – бу рискни таҳлил қилиш, унинг юзага келадиган таъсирларини аниқлаш, умумий кўрсаткичларининг ўзгариш чегараларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Рисклар иқтисодиётнинг бир қанча омиллари ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Бу кўрсаткичларни экспертлар бал тизимда баҳолайдилар ва шу асосда рискларни маълум тоифаларга бўлган ҳолда, таъсир даражаси ўрганилади.

Умуман олганда, молия бозоридаги рисклар манбаси турли омиллар бўлиб, уларнинг эҳтимолий тарзда маълум ва номаълум даражадаги таъсири молия бозорида мос равишда рискли жараён, ҳодиса ва ҳаракатларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, рисклар доимо

омиллар таркибида мавжуд бўлиб, табиатан эҳтимолӣ характерга эга қонуниятлар асосида юзага келади, молия бозори муҳитида ривожланиши шаклланивчи воқеликларга бевосита ёки билвосита ўтади. Демак, рисклар молия бозори муҳитида доимо мавжуд бўлиб, унинг ҳолати ва ривожланиши сифатини заифлаштириб туради, баъзан эса ёмонлаштиради. Рисклар табиати, мазмуни ва таъсири қонуниятларини таҳлил қилиш асосида уларни пасайтириш ва бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин.

Молия бозорларида рискларни баҳолашнинг асосий усуллари бўлиб, Марковиц модели, CAPM, APT, Блэк Скоулзнинг опционларни баҳолаш модели, тебраниш асосида рискларни баҳолашнинг VAR усули ҳисобланади.

Амалиётда банкларда юқоридаги рискларни баҳолашнинг методларидан исталган туридан фойдаланиши мумкин. Ҳар бир метод асосида аниқланган молиявий риск даражаси турли хил чиқса-да, аммо миқдоран бир-бирига яқин бўлади.

Гарри Марковиц 1952 йилда “Молия журнали”да чоп этилган “Портфелни танлаш” (Portfolio Selection) мақола-сида риск ва кутилаётган даромад ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, портфелни шакллантириш тамойилларини изоҳлаб берган¹¹⁴. Рискнинг нисбий баҳоси курсаткичлари бўйича молия бозорларини таҳлил қилишда капитал активларнинг нархий модели ва рискларни қисқартириш бўйича CAPM (Capital Asset Pricing Model) куп қулланилади¹¹⁵. Моҳиятан CAPM асосида рискни баҳолаш Марковиц назариясининг давоми ҳисобланади.

Марковиц ва CAPM усуллари турли активлардан иборат портфелларни шакллантириш орқали рискларни баҳолайди ва қисқартиришга йўналтирилади.

¹¹⁴ Markowitz.H.M. Portfolio Selection // Journal of Finance. -1952. Vol.7, pp 77-91.

¹¹⁵ Sharpe W. F. Capital Asset Prices: A Theory of Market Equilibrium under Conditions of Risk // Journ. Finance. 1964. Sept. P. 425-442.

Тижорат банклар активи сифатида кредит, микроқарз, валюта, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари ва айрим ҳосилавий воситалар майдонга чиқиши мумкин.

Бизнинг ҳолатда актив сифатида валюта маблағлари, қимматли қоғозлар ва кредит олинади.

Молиявий рискларни баҳолашда жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, VAR (Value-at-Risk), яъни “риск миқдори” ёки “риск меъёри” ҳисобланади. Value at Risk методи айрим ҳолатларда Монте Карло методи деб ҳам юритилади.

VAR – бу статистик ёндашув бўлиб, унда бозор омиллари ўзгаришининг барча қийматини уларни эҳтимолликлари билан боғлайдиган эҳтимолликни тақсимланиш тушунчаси қўлланилади.

VAR қатор афзалликларга эга, жумладан:

- ушбу усул кутилаётган зарарлар доирасида уларни юзага келиш эҳтимоллиги орқали рискни баҳолаш имконини беради;

- турли бозорларда универсал тарзда рискни баҳолаш имконини беради;

- позициялар сони тўғрисидаги маълумотлар ҳамда позицияни ушлаш давомида бозордаги тебранишларни ҳисобга олган ҳолда, алоҳида позицияларни умумий портфель учун ягона миқдорга келтириш имконини беради.

VAR – бу молия ташкилотининг белгиланган портфелда маълум вақт давомида бозор омиллари тақсимоотида белгиланган энг кичик фоиз ҳолатидан ташқари барча ҳолатлар учун максимал зарарларни статистик баҳолашдир¹¹⁶.

¹¹⁶ Jorion, Philippe (2006). Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk (3rd ed.). McGraw-Hill. ISBN 978-0-07-146495-6.

Бу усул орқали молиявий рискларни баҳолаш мураккаб математик формулалар орқали амалга оширилади. Бу усулдан ҳозирги кунда ривожланган давлатларда жуда кенг қўлланилмоқда.

Жон Линтер 1965 йилдаги илмий изланишида эътиборини активларни баҳолашдаги асосий иккита муаммони ҳал қилишга қаратган. Биринчиси, рискка мойил бўлмаган инвесторлар томонидан қимматли қоғозлардан ташкил этилган портфелни энг оптималини танлаш. Унга кўра, қимматли қоғозлар даромади билан, рисксиз қимматли қоғозлар даромадини инобатга олиб инвестицияни муқобил вариантыни амалга оширган.

Унинг фикрига кўра, инвесторлар хоҳлаган вақтда портфелдаги қимматли қоғозларини қисқа муддатда сота оладилар. Иккинчиси, агар инвесторлар қисқа муддатда қимматли қоғозларни сота олса, портфель рискинни ҳисоблашда математик тенгламаларни ечиш йўли билан аниқлаш мумкин, лекин ковариация нолга тенг бўлса, энг яхши вариант қимматли қоғозларни қисқа муддатда сотишга рухсат берилмайди, дейди. Агар ковариация нолга тенг бўлса ва қимматли қоғозлар қисқа муддатда сотилмаса, бир марталик инвестицион қарорлар талаб қилинади, аммо бу етарли эмас дейди.

Жон Линтер Тобин назариясини кенгайтириб, портфелдаги рискларни портфель шаклида бирлаштирган. Бундан ташқари, риск ва активларни мувозанатига эришишни турли хил хусусиятларини ривожлантирган. Хусусан, у "риск учун мукофотлар" салбий (ижобий) бўлган тақдирда ҳам, қимматли қоғозларни оптимал портфелда қисқа муддатда ушлаб туриш шартларини белгилаб берди. Шунингдек, қимматли қоғозлардан кутилаётган даромадларининг турли комбинацияларини ва уларнинг стандарт четланишини, дисперсия, ковариацияларини математик ифодасини бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда (*ceteris paribus*) кўрсатди. Буни бефарқлик функцияси-

да тасвирлаб берди. Унга асосан кутилаётган даромадга риск кўрсаткичлари бевосита боғлиқ, яъни қимматли қоғозларнинг риск гуруҳларида қандай муаммолар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Банк активларини баҳолаш модели “агар активлар бозори шаффоф бўлса, бозор портфелини минимум дисперсия чегарасида бўлади” дейди. Математик муносабатда бу шуни англатадики, бозордаги портфелни ушлаб туриш учун портфелни минимум дисперсиясини ушлаб туриш керак. Хусусан, бозор портфелида N та рискли актив бўлса, буни қуйидагича математик формулада кўришимиз мумкин.

$$E(R_i) = E(R_{ZM}) + [(E)RM - E(R_{ZM})] \beta_{iM}, i = 1, \dots, N$$

Ушбу тенгламада, $E(R_i)$ даги активлардан кутилаётган даромад, β_{iM} эса i активларни бозор бетаси, бу активларнинг қайтими билан бозор индекси қайтимининг ковариацияни бозор индексини қайтими дисперсиясига нисбатини кўрсатади. Буни қуйидаги формулада кўришимиз мумкин.

$$\text{Бозор бетаси} = \beta_{iM} = (\text{COV}(R_i, RM)) / (\sigma^2(RM))$$

Юқоридаги формуланинг унг томонидаги шартли минимум дисперсия $E(R_{ZM})$ активлардан кутилаётган даромадни бозор бетаси нолга тенг, бу дегани акциялар қайтими билан бозор индекси қайтимининг уртасида корреляция мавжуд эмас. Тенгламадаги шартли минимум дисперсия кейинги кўрсаткичдан кейин $[(E)RM - E(R_{ZM})] \beta_{iM}$ риск учун мукофот i , β_{iM} активларни ҳар бир бозор бетаси бир мартадан мукофоти. Агар бу формулада рисксиз қарз олиш ва қарз бериш бўлса, R_f рисксиз фоиз ставкасидаги активлар $E(R_{ZM})$ га тенг бўлади. Натижада Шарп-Линтер молиявий активлар баҳолаш модели тенгламасини шакллантиради. Бу тенгламани қуйидаги формулада кўришимиз мумкин.

Шарп-Линтер модель $E(R_i) = R_f + [(E)RM - R_f] \beta_{iM}, i = 1, \dots, N$

$E(R_i)$ активлардан кутилаётган даромад, R_f рисксиз фоизли даромад (одатда, давлат қимматли қоғозлар бўйича туланадиган фоизли даромад), β_i, M активларнинг бозордаги даромадлигини ўзгаришига таъсирчанлиги коэффициенти, бозор даромади билан активларнинг даромадини ковариацияси ва бозор даромадини дисперцияси алоқасини изоҳлайди. $(E(RM) - R_f)$ бу эса бозордаги рискли активларга пул қўйиб риск эвазига мукофот олиш¹¹⁷.

Фамма ва Френчлар¹¹⁸ тадқиқотини 1993 йилдан 1996¹¹⁹ йилгача давом эттириб, уч омилли активларни баҳолаш модели назариясини яратдилар. Уларни амалиётда синаб кўриб активларни баҳолаш модели назарияси борасида тортишувларга барҳам бердилар. Жон Р.Грэм ва Кэмпбелл Р.Харвилар¹²⁰ 2001 йилда сўровнома таҳлилини амалга оширдилар ва унга кўра АҚШдаги 392 та компаниянинг молиявий менежерлари 73,5% активларини баҳолашда уч омилли активларни баҳолаш моделидан фойдаланамиз, деб жавоб берганлар. Дирк Брунен, Эйбе де Йонг и Кис Кодеджклар¹²¹ 2004 йилда худди шундай таҳлилни амалга оширдилар. Европанинг 313 компанияларидан 45 фоиз молиявий менежерлари капитал баҳосини топишда активларни баҳолаш моделидан фойдаланишини аниқлаганлар.

¹¹⁷ <https://studfiles.net/preview/6197437/>

¹¹⁸ Fama, E., & French, K. (1993). "Common risk factors in the returns on stocks and bonds. Journal of Financial Economics", Vol.33, No.1, 3-56

¹¹⁹ Fama, E., & French, K. (1996). "Multifactor explanations of asset pricing anomalies. Journal of Finance", Vol.51, No.1, 55-84

¹²⁰ Graham, J.R. and Harvey, C.R (2001) "The theory and practice of corporate finance: evidence from the field", Journal of Financial Economics 60, 187-243

¹²¹ Dirk Brounen, Abe de Jong and KeesKoedijk (2004) "Corporate Finance In Europe Confronting Theory With Practice", ERIM REPORT SERIES RESEARCH IN MANAGEMENT, 1-4

CAMELS рейтинг тизимида¹²² тижорат банклари активларининг сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткич бўлиб, активларнинг умумий рискинни банк капиталига нисбати ҳисобланади.

Активларнинг умумий рискинни миқдорини ҳисоблаш учун барча активлар яхши, стандарт, ностандарт, шубҳали ва умидсиз каби бешта гуруҳга ажратилади.

Шундан сўнги уч тоифадаги активларга нисбатан қуйидаги риск даражалари белгиланган:

- ностандарт – 20 %;
- шубҳали – 50 %;
- умидсиз – 100 %.

1. Республикамиз тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган ва даромадлилик даражаси паст бўлган активларни, яъни кассали активларни ва асосий воситаларнинг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди, учинчи ўринни асосий воситаларга қилинган қўйилмалар ва ниҳоят сўнги ўринни қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди. Ҳолбуки, асосий воситалар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади, кассали активларнинг даромадлилик даражаси эса жуда пастдир.

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг банк амалиётида эса, тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни қимматли қоғозлар шаклидаги активлар, учинчи ўринни эса, кассали активлар эгаллайди. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар даромадлилик да-

¹²² "NCUA Letter to Credit Unions". NCUA. November 2000. Archived from the original on July 21, 2011. Retrieved July 25, 2011.

ражасига кўра кредитлардан кейинги актив ҳисобланади. Бундан ташқари, улар банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам кўплаб хорижий банкларда активларнинг даромадлилик даражаси юқори эканлиги кузатилади.

2. Республикамиз тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини ошириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг барқарор даромадлилик даражасини таъминлашга муваффақ бўлинмаган.

Республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг даромадлилик даражасининг нисбатан паст ва нобарқарор эканлиги уларнинг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки биринчидан, кредитлар республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида, салмоғига кўра, биринчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли, тижорат банклари ялпи даромадининг асосий қисми кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ҳиссасига туғри келади.

Иккинчидан, тижорат банклари фаолиятининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири тижорат банкининг соф фоизли даромади миқдорининг барқарорлиги ҳисобланади. Кредитлардан олинган фоизлар миқдорининг камайиши ялпи даромад миқдорининг камайишига олиб келади ва шунинг асосида соф фоизли даромад миқдорининг камайиши юз беради.

Чунки соф фоизли даромад миқдори, банк амалиётида қабул қилинган услубиётга кўра, тижорат банкининг фоизли даромадлари суммасидан фоизли харажатлар суммасини айириб ташлаш йўли билан аниқланади¹²³.

Учинчидан, кредитлардан олинган фоизлар суммаси-

¹²³ <http://www.finam.ru/dictionary>. расмий сайти маълумотларидан олинди

нинг камайиши мuddати ўтган кредитлар миқдорининг ўсиши ҳисобига юз берган бўлса, у ҳолда, тижорат банкининг жорий ликвидлилик даражаси сезиларли даражада пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг комиссия даромадлари миқдорининг камайишига олиб келади.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари кредит операцияларининг ҳажми жами даромад келтирувчи активларнинг ўртача 80–85 фоизигача ҳиссасини ташкил қилиши ва Ўзбекистон тижорат банкларида бу кўрсаткич ўртача 60–65 фоизни ташкил қилишига қарамасдан олинадиган даромадлари даражасининг пастлиги тижорат банклари кредит сиёсатларининг номукамаллигидан далолат бериб, кредитларнинг оптимал жойлаштирилмаганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат банк активлари таркибини оптималлаштиришдаги салбий ҳолатлардан биридир.

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг активларини бошқариш масаласи илмий асосда тадқиқ қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг активларини бошқаришда асосий эътибор гуруҳлаш ва таркибий таҳлилга қаратилиши лозим, шундагина ҳар бир гуруҳ операциялардан олинган фойданинг даражаси ва барқарорлигига реал баҳо бериш мумкин. Биз Лаврушиннинг ушбу хулосасига тўлиқ қўшилаемиз ва қўшимча сифатида айтмоқчимизки, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда қиёсий таҳлил усули ҳам муҳим урин тутаети. Бунда қиёсий таҳлилни бошқа банклар билан амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, КСкиннернинг фикрига кўра, банк активларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларни кучайтириш лозим:

- видеобанкингни ривожлантириш;

- алоқа каналларини янги технологиялар билан жиҳозлаш;

- онлайн банкинг технологиясини такомиллаштириш;

- автоматлаштирилган клиринг палаталари фаолиятини такомиллаштириш¹²⁴.

Яна бир мутахассис Ф.Мишкиннинг хулосасига кўра, тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Фоиз ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир қилувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 1950-йилларида уч ойлик хазина векселлари фоиз ставкаларининг тебраниши 1,0 фоиздан 3,5 фоизгача диапазонда, 1970-йилларда 4,0 фоиздан 11,5 фоизгача, 1980-йилларда 5,0 фоиздан 15,0 фоизгача бўлган диапазонни ташкил этди. Фоиз ставкаларининг бу қадар кучли тебраниши капитал қийматининг сезиларли даражада ошишига ёки камайишига олиб келди, инвестицияларнинг қайтиши борасидаги ноаниқлик кучайди. Мишкин АҚШ мисолида молиявий инновациялар банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги ролини асослаб берган. Аммо ушбу хулоса Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳозирча амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки республикада қимматли қоғозларни муомалага киритиш масаласи ўз ечимини топиши лозим.

Мутахассислар фикрига кўра, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши шарт:

- давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш асосий йўналиши

¹²⁴ Скиннер К. Будущее банкинга. Пер. с англ. – Минск: Гревцов Паблишер, 2009. – С. 294.

ҳисобланган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;

- корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш¹²⁵.

Шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни ривожлантиришнинг муҳим зарурий шартларидан бири бўлиб, тижорат банкларининг етарли даражада ресурс базасига эга эканлиги ҳисобланади. Бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан кредитларнинг, шу жумладан, узоқ муддатли кредитларнинг ресурс таъминотини муҳим амалий аҳамият касб этиши асослаб берилган. Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишнинг оддий ва реал усули бўлиб, ликвидли активларни гаровга қўйган ҳолда Марказий банкдан кредит олиш ҳисобланади¹²⁶.

Юқоридаги фикрларни инкор этувчи таклиф, бу тижорат банклари томонидан ликвидли активларни гаровга қўйиш йўли билан Марказий банкдан ресурс олиш банк амалиёти учун долзарб эмас. Чунки барқарорлаштириш фондининг мавжудлиги ҳукуматга қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан давлат қарзи ҳажмини ошириш заруриятини юзага келтирмайди¹²⁷.

Ушбу фикр кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети 2005 йилдан буён профицит билан бажарилаётганлиги сабабли ҳукумат

¹²⁵ Мазурина Т.Ю. банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №4. – С. 33.

¹²⁶ Матовников М.Ю. Банковская система России и долгосрочные ресурсы//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №5. – С. 19.

¹²⁷ Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. – С. 714-715.

қимматли қоғозларининг муомаласи мавжуд эмас. Бундай шароитда Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ва ломбард кредитлари орқали тижорат банкларининг ликвидлигига ва ресурс салоҳиятига таъсир этишнинг иложи йўқ. Чунки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фақатгина ҳукуматнинг қимматли қоғозларини ўзининг ломбард кредитлари учун гаров объекти сифатида, очиқ бозор операцияларининг олди-сотди объекти сифатида тан олади.

Банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини етарлилигини таъминлаш имконини бериши лозим. Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан лимитлар жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади¹²⁸.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатларда банклар учун қисқа муддатли кредитлар бериш узоқ муддатли инвестицион кредитлар беришга қараганда афзал бўлиб, юқори даромадлигини ва паст риск даражаси билан ажралиб туради. Давлатнинг инвестиция сиёсатининг ва асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва мамлакатнинг инновацион ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсатининг мавжуд эмаслиги лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий макроиқтисодий омил деб ҳисоблайди¹²⁹.

¹²⁸ Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. – С. 714-715.

¹²⁹ Афанасьева О.Н. Состояние рынка проектного финансирования и

Тижорат банклари активларининг даромадлиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш аниқ меъёрий талабларга эга бўлган курсаткичлар тизимини шакллантириш заруриятини юзага келтирмоқда ва қуйидагиларни белгиламоқда,¹³⁰ унга қура:

- тижорат банкларининг кредит экспансияси натижасида кредитнинг фоизини нисбий пасайиши капитал неъматларнинг жорий қийматини кескин ошишига олиб келади. Чунки дисконтлаш паст бозор фоиз ставкаларида амалга оширилганда рентанинг кутилаётган оқимининг қиймати ўсади;

- тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради. Шу тариқа такрор ишлаб чиқариш жараёнининг истеъмол босқичидан узоқда бўлган янги босқичларини бошланишига имкон беради;

- банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши пировард натижада инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятсизлик билан тугашига ва кредитларнинг қайтмаслигига сабаб бўлади. Одатда, бундай шароитда тадбиркорлар жамиятда реал жамғармалар кўпайди, деб хато ўйлашади;

- тижорат банклари кредит экспансиясининг вақтинчалик самараси бўлиб, бирламчи ишлаб чиқариш воситалари баҳосининг нисбий ўсиши ҳисобланади¹³¹.

Тижорат банклари активларининг бошқариш самарадорлигини таъминлашда рискларнинг оптимал даражасини таъминлаш зарурий шарт ҳисобланади¹³².

факторы, сдерживающие его развития//Деньги и кредит. – Москва, 2014. – №2. – С. 37

¹³⁰ Prasanna Chandra. Investment Analysis and Portfolio Management. Tata McGraw-Hill Publishing Company Limited, 2015. pp. 251-254.

¹³¹ Prasanna Chandra. Investment Analysis and Portfolio Management. Tata McGraw-Hill Publishing Company Limited, 2015. pp. 251-254.

¹³² Prasanna Chandra. Investment Analysis and Portfolio Management

Шу ўринда рискларнинг ҳар бир тури банк бошқарувидан алоҳида ёндашувни талаб этади. Банк бошқарувининг асосий вазифаси эса, турли тоифадаги рискларни мажмуали равишда бошқара билишдир. Чунки бир рискнинг камайишига зоришиш бошқа тоифадаги рискнинг ошиб кетишига олиб келиши мумкин.

Банк раҳбари томонидан банк фаолиятининг самардорлигини оширишга қаратилган рискларни бошқариш стратегиясини белгилашда банкнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланишни ва банкни ривожлантириш истиқболларини тўғри белгилаб олишни талаб этади.

Банк раҳбарияти ва банкнинг барча хизматлар сиёсати бир мақсадга бўйсунган бўлиб, мижозларга хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, улар маблағларини жалб қилиш, жамланган маблағларни кредит ва шу каби актив амалиётларга йўналтирилган ҳолда олинадиган даромадни кўпайтириш, эҳтимолий зарарларни камайтириш ҳисобланади. Чунончи, банк бошқарувчиларининг асосий вазифаси – тижорат банкнинг инқирозсиз фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Банк раҳбарияти олдига қўйилган бундай улкан вазифа нафақат тижорат банкларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнидан келиб чиқади, балки банк раҳбариятини ўз акциядорлари ва мижозлари олдидаги бурч ҳамда вазифаларидан келиб чиқади, десак, муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб айтсак, рисклар тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари, шу жумладан, ликвидлик ва тўловга қобилият кўрсаткичларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Шунинг учун ҳам тижорат банклари фаолиятида намоён бўладиган рисклар, айниқса, фоиз рискининг табиати, келиб чиқиш сабаблари ва бошқариш услубиётини ишлаб чиқиш масалалари тадқиқотимизда ўз аксини топган.

Тижорат банклари томонидан фоиз рискани бошқаришдан қўзланадиган асосий мақсад банкнинг якуний натижаси ҳисобланмиш фойданинг барқарорлигини таъминлашдан иборатлигини инобатга олсак, ушбу мақсадга тижорат банклари томонидан эришилиши, ўз навбатида, миллий банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Тижорат банклари рискли тармоқда фаолият юритиши сабабли фоиз рискани баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий иқтисодчи олимларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатларнинг банк тизими-га оид тадқиқотларининг натижалари мазкур давлатлар банк тизимининг рискли даражаси ривожланган мамлакатлар банк тизимининг рисклилиқ даражасидан анча юқори эканлигини кўрсатаётганликларини инобатга олсак, фоиз рискани баҳолашнинг аҳамияти янада ошади.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, рискни таҳлил этиш унинг манба ва сабабларини аниқлашдан бошланади. Шу ўринда қайси манбалар ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш ва уларга нисбатан таҳлилни му-жассамлаштириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Рискларни аниқлаш учун амалиётда турли услублардан фойдаланилади. Улар орасида энг кўп қўлланиладиганлари қуйидагилар:

- А) статистик услуб;
- Б) эксперт услуби;
- В) комбинациялаштирилган услуб.

Статистика услубининг моҳияти шундан иборатки, унга кўра, у ёки бу фойда ва зарарлар статистикаси ўрганилади, у ёки бу иқтисодий қайтими ҳажми аниқланади ва шуларга кўра келгуси давр учун энг эҳтимолли истиқбол белгиланади.

Рискни ҳисоблаш статистика услубининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат:

- А) вариация;
- Б) дисперсия;
- В) андозали чекланиш.

Бир ҳолатдан иккинчисига ўтилганда белгининг миқдорий баҳолашни ўзгариши вариация дейилади. Бунга мисол қилиб иқтисодий рентабелликнинг йилдан-йилга ўзгаришини кўрсатиш мумкин. Дисперсия андозали чекланиш билан белгининг ҳақиқий даражасини унинг ўртача даражасидан фарқланиши билан баҳоланади. Айтиш лозимки, ушбу кўрсаткичлар (дисперсия ва андозали чекланиш) рискни баҳолашда абсолют мезон ҳисобланса, вариация коэффиценти унинг нисбий мезони ҳисобланади.

Куриниб турибдики, риск даражасини баҳолаш учун, дастлаб келгусида бизни қизиқтирадиган давр учун у ёки бу ўтган давр даражасидаги рентабелликка эга бўлиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда ўртача иқтисодий рентабелликни аниқлаш зарурдир. Ушбу ҳолатда "0"ли эҳтимол "қайтим" олиш имкониятининг йўқлигини билдирса, "1"лик эҳтимол эса "қайтим"нинг шубҳасиз олиниши мумкинлигини билдиради. Бу ерда ўз-ўзидан маълумки лозим бўлиши мумкин ҳамма вариантлар эҳтимолининг йиғиндиси "1"га тенг бўлиши керак.

Шу сабабларга кўра, агар маълумотлар етарли бўлмаса ёки йўқ бўлса, риск даражасини ҳисоблашнинг бошқа усулларига мурожаат этилади. Шундай услублардан бири – эксперт услубидир. Риск даражасини ҳисоблашда эксперт услуби қўлланилганда тажрибали ишбилармон ва мутахассисларнинг фикрлари ҳисобга олинади. Бу жараёнда экспертлар фикр билдираётган пайтларда эҳтимолий зарарлар ҳажмининг вужудга келиш эҳтимоли тўғрисидаги аниқ рақамлардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, риск даражасини аниқлашнинг статистика ва эксперт услубларининг комбинацияси амалиётда қўлланилиши лозим бўлган

энг қулай вариантдир. Юқорида таъкидланганидек, риск даражасини аниқлаш инвестиция қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция қарорини қабул қилиш (танлаш) нафақат иқтисодий қайтимга, балки риск даражасига ҳам боғлиқдир.

Мазкур ёндашувнинг туб моҳияти шундан иборатки, агар биринчи лойиҳа бўйича (фаолият тури бўйича) қайтим ошса, иккинчи лойиҳа (фаолият тури) бўйича қайтимнинг қандай ўзгараётганлиги ҳам эътиборга олиниши даркор.

Риск даражасини пасайтириш мақсадида шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришлар (хизматлар кўрсатиш) танланиши лозимки, уларга нисбатан бўлган талаб қарама-қарши йўналишларда ўзгарсин, яъни бир маҳсулотга нисбатан талаб ошганда, иккинчи маҳсулотга нисбатан талаб пасайсин ва аксинча. Қуриб турганимиздек, рискларни баҳолаш ва аниқлашда комбинациялашган услуб, яъни статистика ва эксперт услуги ҳамда унинг асосий воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, рискларни баҳолашда эксперт услубининг самарадорлиги, авваламбор, экспертларнинг савияси билан белгиланар экан, рискларни баҳолаш жараёнига юқори малакали экспертларни жалб этиш ва аниқ моделлар асосида иш юритиш ушбу услубнинг асосий мезонидир.

Юқоридагилардан хулоса тариқасида биз тижорат банкида рискларни аниқлаш учун фойдаланиладиган услубларни ушбу жадвалда келтирилган шаклда ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Рискларни аниқлаш учун фойдаланиладиган услублар¹³³

Услублар		
Статистик услуб	Эксперт услуби	Комбинация-лаштирилган услуб
Фойда ва зарарлар статистикаси урганилади, у ёки бу иқтисодий ҳосила (қайтим)ининг ҳажми ва олиниш даври аниқланади ва шуларга кура келгуси давр учун энг эҳтимолли истиқбол белгиланади	Айрим рақамлар ишбилармонлар ихтиёрида бўлмаганда ёки рақамларни тўплаш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш қимматга тушиши мумкин бўлганда ва маълумотлар етарли бўлмаса, риск даражасини ҳисоблашнинг эсперт услуби қўлланилади	Статистика ва эксперт услубларининг комбинацияси
Статистика услубининг асосий воситалари		
Вариация: бир ҳолатдан (даврдан) иккинчисига ўтилганда курсаткичнинг миқдорий ўзгариши	Дисперсия: курсаткичнинг маълум даврдаги даражасини унинг уртача даражасидан фарқла-ниш миқдори	Стандарт чекланиш: курсаткичнинг барча даврларга хос бўлган ўзгариши

Маълумки, бу айрим рақамлар ишбилармонлар ихтиёрида бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, бу рақамларни тўплаш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш унга анча қимматга тушиши ҳам мумкин.

¹³³ Муаллиф томонидан тузилган.

4.4. Тижорат банклари активларини ҳимоялашда “риск-аппетити”ни аниқлаш

Хозирги вақтда кредит ташкилотлари ўзларининг мумкин бўлган хавф-хатарларини ва йўқотишларини таҳлил қилиш учун, асосан, битта факторли моделлардан фойдаланадилар, бу ҳар доим ҳам етарли самара бермайди. Ушбу методология умумий тижорат банк рискини, яъни риск – аппетитини (иштаҳасини) ва унинг индивидуал таркибий қисмларини баҳолаш учун чекланмаган риск омилларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишни ўз ичига олади.

Халқаро ва маҳаллий амалиётда кредит ташкилотлари томонидан юзага келиши мумкин бўлган зарарларнинг қийматини баҳолашнинг турли усуллари қўлланилади, уларнинг аксарияти битта фактор моделлари ёки бир хил турдаги риск омиллари бўлган моделлар ёрдамида қўлланилади. Бир вақтнинг ўзида кредит, бозор ва бошқа риск омилларини таҳлил қилиш учун фойдаланадиган моделлар жуда кам. Бу ҳолат кредит ташкилотларига ўзларининг умумий зарарларининг миқдорини бутун молия портфели бўйлаб етарли даражада баҳолашга имкон бермайди. Бир факторли моделлар бир нечта риск омилларидаги бир вақтнинг ўзида ўзгаришларни ҳисобга олишга имкон бермайди.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсияларига кўра, кредит ташкилоти капиталининг етарлилигини ягона контекстда баҳолаш масалалари умумий риск қийматини баҳолаш билан боғлиқ. Тавсия этилаётган методологиянинг мақсади – кредит ташкилотининг келажакда турли рискларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни аниқлаш учун ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш, жумладан, кредит rischi.


Кредит rischi – шартнома шартларига (сукут эълон қилиш rischi) мувофиқ, қарздорнинг кредит ташкилотига молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ёки тулиқ бажармаслиги оқибатида зарарланиш rischi пайдо бўлади. Бундан ташқари, кредит rischi, шунингдек, қарз олувчининг кредит рейтингини пасайтириш билан боғлиқ мумкин бўлган зарарларни ҳам ўз ичига олади (мумкин бўлган зарарлар учун захираларни яратиш, қарз олувчининг мажбуриятларининг бозор қийматини пасайтириш ва бошқалар).

Республикада сўнгги йилларда тижорат банклари активлари портфелининг тез суръатларда ўсиш тенденцияси намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, банк активларининг шаклланиши ҳам турли, мазмунан янги ва кўп қиррали рисклар таъсири остида амалга ошмоқда. Айниқса, бугунги кунда миллий банк тизимини халқаро интеграция жараёнларига фаол боғланаётганлиги банк активларининг глобал молиявий рискларга таъсирчанлигини кучайтирмоқда. Банк амалиётининг тарихий эволюцияси активларнинг барқарор ўсиб бориши доимо банк рентабеллигини ошишига имкон бермаслигини, аксинча, бу жараёнда банк назоратини сусайтирилиши инқирозли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини бир неча бор исботлаб берган.

Тижорат банкларида активлар портфели ҳажмининг ўсиши ва даромадлиги ошиб бориши билан бирга, активларнинг рисклик даражаси, яъни йўқотиш эҳтимоли ҳам ошиб боради. Бундай шароитда тижорат банкларида активларни ҳимоялаш механизми ҳисобланган риск менежменти тузилмасига янги, инновацион усулларни жорий этишнинг долзарблиги ошади.

Бугунги кунда миллий банк тизимида риск менежменти муайян даражада шаклланган бўлиб, банк рискларини бошқариш билан алоҳида бўлинмалар шуғулланмоқда.

Монографияда банк активлари билан боғлиқ бўлган рисклар салбий таъсирини камайтириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида бу борада амал қилаётган механизмнинг мавжуд муаммолари аниқланган ҳамда уларни ижобий ҳал этиш юзасидан асосланган янги тавсиялар ишлаб чиқилган.



4.4-расм. Тижорат банклари активларини ҳимоялашда риск-аппетитини аниқлаш методологияси ва уни жорий этиш йўналишлари

Муаллифнинг қайд этишича, тижорат банкларида активларни ҳимоялаш механизмидаги биринчи гуруҳ му-

аммолар таркибига риск менежментини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, иккинчи гуруҳ муаммоларга активлар билан боғлиқ рискларни чегарасини белгилаш механизмини яратиш, учинчи гуруҳ муаммоларга эса, рискларни назорат қилишнинг дастурий (онлайн) тизимини яратиш масалалари киради.

Тадқиқотда ушбу муаммоларнинг тизимли ечими сифатида тижорат банклари актив амалиётларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рисклар салбий таъсирини камайтиришнинг хорижий банклар тажрибасида муваффақиятли синовдан ўтган "риск-аппетити"ни аниқлаш услубиётини қўллаш таклифи берилган (4.4-расм).

Қутилган риск ва йўқотишлар прогнознинг юқори даражасида ўртача йўқотишларни бир йил ичида ифодалайди¹³⁴. Улар қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин:

$$E_{i-0}^{k,j} = a_j * \frac{X_{i-0}^{k,j}}{100} K_i^{k,j}$$

Бу ерда: a_j — j чи молиявий воситанинг асосий қиймати;

$X_{i-0}^{k,j}$ — молиявий воситага таъсир кўрсатадиган асосий сана учун k чи кредит риск омилининг i чи баҳоси, йиллик фоизда ифодаланган;

$K_i^{k,j}$ — асосий санада j чи молиявий воситасига k чи риск омилини таъсири даражаси, масалан, дефолтдан кейинги зарар даражаси. Адолатли қийматни олиш учун молиявий воситанинг баланс қиймати одатда кредит рискидаги қутилган йўқотишлар миқдорига мос келади. Риск омилининг қийматини ўзгартириш орқали молиявий воситанинг қийматидаги нисбий ўзгаришларни баҳолаш учун одатда рентабеллик тушунчаси қўлланилади.

¹³⁴ Фаррахов И.Т. Методы и процедуры оценки риск-аппетита кредитной организации. <https://www.riskfin.ru/articles>

Ликвидлик rischi. Бунда ликвидлик rischi-кредит ташкилотининг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлай олмаслиги оқибатида юзага келадиган зарар rischi. Қоида тариқасида, ушбу riskни амалга оширишда кредит ташкилоти ўз мажбуриятларини бажариш учун молиявий бозорда қўшимча ресурсларни жалб қилиш ва/ёки мавжуд активларни амалга оширишга мажбур бўлади, бунда қўшимча харажатлар ёки кам даромад шаклида режалаштирилган зарар етказилмайди.

Кредит ташкилотининг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун мумкин бўлган харажатларни баҳолаш учун ликвидлик камомadini таҳлил қилиш усули воситасидан фойдаланиш қулай. Танаффусларни таҳлил қилиш учун керакли вақт уфқи t таҳлилнинг керакли тафсилотларига қараб, белгиланган миқдордаги шошилинич диапазонларга бўлинади. Муддатли активлар ва мажбуриятлар (шумладан, балансдан ташқари компонентлар) белгиланган бозор сегментлари ва муддатлилик оралиғига мувофиқ активлар ҳамда мажбуриятларнинг ягона мажмуасига бирлаштирилади:

$$A_i^s = \sum_{r, sT, \alpha^s} a_j^s \quad \text{ва} \quad L_i^s = \sum_{r, sT, \alpha^s} l_j^s \quad (1)$$

Бу ерда: $A_i^s (L_i^s)$ - бозорнинг s -сегментининг долзарблиги билан боғлиқ бўлган активларнинг (мажбуриятларнинг) умумий қиймати;

$a_j^s (l_j^s)$ - j чи активнинг қиймати (мажбурият) бозорнинг s -сегменти, муддати (муддати) муддати i чи қатор зудлик чегараларида жойлашган;

$r_i (r^s_i)$ - i чи банднинг пастки (юқори) чегараси зудлик билан.

Чекланмаган ликвидли активлар (кассадаги пул маблағлари, Ностро ҳисобидаги қолдиқлар ва бошқалар)

ва жорий мажбуриятлар (“талаб қилиб олингунча” депозитлари, жорий ҳисобдаги маблағлар, Лоро ҳисобдаги қолдиқлар ва бошқалар жорий даврда миждозлар ва контрагентлар томонидан олиб ташланиши мумкин бўлган қисм) “талаб қилиб олингунча” муддатига тегишли. Муддатли активлар ва мажбуриятлар, уларнинг эрта қайтарилиши ва бажарилиши бўйича “талаб қилиб олингунча” муддатлилик оралиғига ҳам тегишли.

Қолган муддатсиз активлар ва мажбуриятлар (шу жумладан, кредит ташкилотининг ҳозирги даврда тасарруф этиши мумкин бўлган қисмида “талаб қилинадиган” мажбуриятлар), шунингдек, танланган вақт оралиғидан юқори бўлган қайтариш ҳамда ижро муддатлари билан активлар ва мажбуриятлар “муддатсиз” муддатлилик оралиғига тегишли.

Кредит ташкилотлари тезкор ва энг муҳими, ушбу мажбуриятларни бажариш учун нақд пулга айлантирилиши мумкин бўлган ликвидли активлар миқдори бўйича мажбуриятларни ошириб, уни молиявий бозорда қўшимча ресурсларни жалб қилишга ёки камроқ ликвидли активларни амалга оширишга мажбур қилади. Тулов қобилиятини сақлаб қолиш учун мумкин бўлган харажатлар, даромад келтирувчи активларни режасиз амалга оширишдан олинган даромадлар ва молия бозорида ресурсларнинг муқобил қарз олиш қиймати тахминан тенг бўлиши кераклиги тахминига асосланган ҳолда, ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Молия бозорида ресурсларни қарз олиш учун мумкин бўлган харажатларнинг қиймати бозор фоиз ставкаларининг вақтинчалик тузилмасидан фойдаланиш асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Бизнес обрўсини йўқотиш rischi ва ҳуқуқий риск.

Бунда бизнес обрўсини йўқотиш rischi – мижозлар, контрагентлар, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар, бозор таҳлилчилари, назорат органлари томонидан кредит ташкилотининг салбий идрокидан келиб чиқадиган зарарлар rischi.

Ҳуқуқий риск – қонун нормаларини суд органлари томонидан турли хил қўллаш натижасида ёки қонун ҳужжатлари ёки норматив ҳужжатлар бузилганлиги сабабли шартномаларни бажаришнинг мумкин эмаслиги натижасида зарарланиш rischi.

Мижозлар ва контрагентлар сонини камайтириш жараёнида ушбу хатарларни амалга оширишда, шунингдек, шартномаларнинг бир қисмини амалга оширишнинг имкони бўлмаганда, кредит ташкилоти ўз мажбуриятларини бажариш учун молиявий бозорда қўшимча ресурсларни жалб қилиш ва/ёки мавжуд активларни амалга оширишга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, ушбу хатарларни баҳолаш, шунингдек, тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун харажатларнинг қийматини таҳлил қилиш, шунингдек, ушбу хатарларни амалга оширишнинг турли хил сценарийларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда ликвидлик riskини баҳолашга асосланган бўлиши мумкин.

Концентрация rischi. Бунда концентрация rischi – кредит ташкилотининг катта риск-хатарларга дучор бўлишидан келиб чиқадиган риск, унинг амалга оширилиши кредит ташкилотининг тўлов қобилияти ва унинг фаолиятини давом эттириш қобилиятига таҳдид солиши мумкин бўлган катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ушбу riskни баҳолаш қисман катта мижозлар ва контрагентларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятининг ёмонлашуви ва ликвидлик riskини баҳолаш, катта мижозларни парвариш қилиш бўйича кредит riskини баҳолаш билан бир хил бўлиши мумкин. Концентрация

риски, шунингдек, тегишли молиявий воситаларнинг очик позицияларининг юқори ҳажмлари бўйича фонд ёки валюта сифатида баҳоланиши мумкин.

Ташкилотнинг умумий риск ҳажми (риск-аппетити). Юқорида келтирилган хатарларни амалга оширишдан жами тижорат банк зарарлари стресс тестлари ва VAR таҳлилининг комбинацияланган усули билан баҳоланиши мумкин. Усулнинг моҳияти турли хил риск омилларининг қийматлари бўйича мумкин бўлган статистик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, молиявий портфель структурасидаги мумкин бўлган ўзгаришларни, шунингдек, турли хил риск турларини амалга ошириш учун турли хил сценарийларга мувофиқ риск омилларининг қийматларини ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкдаги йўқотишларни баҳолашдир.

Риск омилларининг қийматларини моделлаштириш учун зарур статистик параметрлар ва маълумотлар ретроспектив маълумотларнинг статистик таҳлиллари ва стресс тестининг белгиланган сценарийларидан бири асосида аниқланади.

Белгиланган базавий қийматларга нисбатан риск омилларидаги мумкин бўлган ўзгаришларни юзага чиқариш учун логаритмик ўсиш суръатларини тақсимлашнинг "нормаллиги" тахминидан фойдаланилади. Риск омилларининг статистик ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш учун уларнинг логарифмик "рентабеллиги" корреляцияси матрицаси ишлатилади, шунингдек, ретроспектив маълумотлар асосида ҳисобланади. Тасодифий сони сенсори қуйидаги формула орқали таянч сана учун унинг адолатли қиймати билан боғлиқ тижорат банк портфели молиявий натижа қадриятлар ҳисоблаш ҳар бири учун белгиланган риск омиллар, бир вақтнинг ўзида ўзгаришлар N эҳтимолий сценарийлар томонидан ишлаб чиқарилган:

$$R_i^B = R_{i+0} + R_{i+1} - \Delta D_{i+1,T}, i = 1, \dots, N$$

Ҳисобланган N молиявий натижа қийматлари камайиб бораётган тартибда (портфель баҳосининг энг катта ўсишидан, энг катта йўқотишгача) тартибланган),

$$R_i^B \geq R_{i+1}^B, i = 1, \dots, N$$

Шундан сўнг, зарур ишонч даражаси $(1-\alpha)$ га мувофиқ, молиявий портфель VaR кўрсаткичининг қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_i^B \geq R_{i+1}^B, i = 1, \dots, N, \text{ қайсики}$$

R_M^B — қўтилаётган прогнозли молиявий натижалар;

$R_{N(1-\frac{\alpha}{2})}^B$ якуний молиявий натижалар (рақам билан молиявий натижалар) $(1 - \frac{\alpha}{2})N$

Бошқача айтадиган бўлсак, тарихий моделлаштириш усули, молиявий портфелнинг VaR кўрсаткичини баҳолаш сифатида, қўтилган молиявий натижалар ва “маржинал” молиявий натижалар ўртасидаги фарқни қабул қилади, бу эса молиявий портфелнинг қийматини ўзгартириш учун моделлаштириш жараёнида танланади, $(\alpha/2)N$ бу мумкин бўлган N дан бир мартадан ортиқ бўлмайди.

Умумий тижорат банк рискин баҳолаш – (риск аппетити) сифатида қуйидаги ифода олинади:

$$Loss = VaR - R_M^B = -R_{N(1-\frac{\alpha}{2})}^B$$

Бундан ташқари, умумий риск ҳажми молиявий воситалар портфелини, ҳам кредит ташкилотининг савдо ва тижорат банк портфелининг алоҳида таваккалчиликларини баҳолашга, шунингдек, мумкин бўлган умумий йўқотишлар миқдорини ва уларнинг айрим риск турлари бўйича мониторингини баҳолашга имкон беради.

Тавсия этилган методология тижорат банкининг талаблари ва тижорат банк назорати бўйича Базель

қўмитасининг тавсияларида баён этилган кредит ташкилотларининг умумий риск (риск-аппетити) миқдорини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун тижорат банк таваккалчилик бошқарувининг асосий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Бунда Стохастик моделлаштириш (Монте-Карло) усуллари билан биргаликда стресс-тест усулларини қўллаш, кредит ва бозор (фоиз, валюта, фонд) риск омиллар, шунингдек, ликвидлиги риск омиллар, бизнес обрўсини йўқотиш rischi, ҳуқуқий риск ва риск концентрацияси бир вақтнинг ўзида ўзгаришлар турли сценарийлар фойдаланиш имконини беради, молиявий портфелининг потенциал қийматидаги ўзгаришларни таҳлил қилади.

Стресс-тест бу – қўтилмаган ёки экстремал вазиятда (потенциал йўқотишлар) риск омилларининг маълум бир ўзгариши тижорат банки ёки унинг филиалининг молиявий ҳолатига мумкин бўлган таъсирини профессионал баҳолашдан иборат операцион ва молиявий рискларни таҳлил этиш воситаси.

Жаҳон амалиётида стресс-тест кўпинча “тепадан-пастга” схемаси асосида амалга оширилади. Ушбу моделнинг камчилиги шундаки, унда макроиқтисодий вазиятни реал баҳолаш имконияти пастлиги. Хорижий банк секторидаги йўқотишларнинг катта қисми кредит rischi билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бозор таваккалчилигини амалга оширишдан қўриладиган зарарлар таркибида фоизлар ставкалари бўйича йўқотишлар 65–81 фоиз, капитал таваккалчилигининг зарари 15–32 фоиз ва валюта riskидан қўриладиган зарарлар 3–4 фоизни ташкил этади.

Қуйидаги жадвалда стресс-тестларни ўтказиш учун хатарларнинг асосий турларини баҳолаш моделлари ва усулларининг шарҳи келтирилган.

Стресс-тестлаш мақсадида асосий рискларни баҳолаш модели ва ёндашувлари¹³⁵

Риск	Ёндашув	Модель тури
Кредитлик	Стандартлаштирилган ёндашув	
	Миқдорий (статистик) моделлар (масалан, CreditRisk+, CreditMetrics, KMV, CreditPortfolioView, Internal Ratings-Based Approach ва бошқалар)	
	Қарз олувчини дефолт эҳтимолини баҳолаш учун моделлар (PD)	Скоринг моделлари (дискриминант таҳлил ёки эконометрик моделлаштириш)
		Бозор маълумотларига асосланган моделлар (таркибий моделлар (Мэртон тури) ёки қисқартирилган модель)
Портфель тушунчаси доирасида, белгиланган вазифаларни аниқ тушунадиган яхши тарбияланган, ғайратли ва малакали ходимларни ушбу мақсадларга эришишнинг асосий воситаси (улар “портфель фалсафаси”, Портфолио бошқарув тамойиллари) ва фаолиятлари мақсадли бозорга йўналтирилган.

Хорижий амалиётда ҳар бир ходим банкнинг сиёсатини аниқ тушунишга интилади ва унга кундалик ишларида муҳимдир. Маҳаллий банкларда замонавий бошқарув тизими учун турли хил ёндашув амалдаги операцияларни ривожлантириш учун эҳтиёткорлик билан тайёрланган стратегия кутилган натижаларга олиб келмаслик ҳам хосдир. Чунки у банк раҳбарияти даражасида мунозара мавзуси бўлиб қолмоқда ва муайян ходимлар ва ўрта менежерларнинг ҳаракатларида амалга оширилмайди. Бундай вазиятнинг натижаси аниқ кўрсатмаларнинг етишмаслиги бўлиб, унда ноаниқлик пайдо бўлиб, хато эҳтимолликни кучайишига олиб келади.

Бу мижозлар ва ҳамкасблар билан ишлаш принциплари, стандартлари (корпоратив маданият), инвестицион маблағ йўналишини танлаш мезонлари, шахсий кредит ёки сотиб олинган қимматли қоғозларнинг тузилишга қандай таъсир қилиши, активлар гуруҳининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ҳамда умуман олганда, барча активлар портфелини ифодалайди.

Бошқариш жараёнида муҳим ўрин – бу банк активларининг портфелини сифат жиҳатидан баҳолаш, унинг якуний мақсади унинг адолатли қийматини аниқлашдир. Банк активларининг портфелини миқдорий баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳисобот даврига нисбатан балансга мувофиқ, портфелга киритилган ҳар бир активнинг баланс қийматини аниқлаш;
- инфляция компонентини ҳисобга олиш ва бу борада индивидуал активларнинг пул тавсифларини тузатиш;

- ягона активларнинг жорий қийматини аниқлаш (чет эл валютасидаги объектларни қайта ҳисоблаш, коэффициентларнинг бозор қийматини янгилаш ва бошқалар).

Натижада биз унинг таркибий қисмлари ва гуруҳлари сифатини ҳисобга олмаган, (портфель структураси) уларнинг танланишини инobatга олмаган активлар портфелининг маълум бир бухгалтерия қийматини оламиз.

Ушбу хусусиятларнинг таъсирини ўрганиш банк активлари портфелини сифат жиҳатидан баҳолашнинг мазмунини ташкил этади ва унинг адолатли қийматини аниқлашга имкон беради. Сифатли баҳолаш қуйидагиларни назарда тутаети:

- актив портфелини горизонтал таҳлил қилиш (портфелнинг ва унинг барча элементларининг тўлиқ портфелининг ўсиш суръатига нисбатан мутаносиб ва нисбий ўсиш суръатларини аниқлаш);

- вертикал портфель таҳлиллари, яъни унинг структурасини ўрганиш (иқтисодий контент, муддатлилиқ, рисклилиқ ва бошқалар), шунингдек, унинг таркибий қисмлари;

- актив ва унинг гуруҳлари портфелининг даромадлилиги ва рентабеллигини аниқлаш (ишлайдиган активларнинг улушини аниқлаш, тегишли коэффициентларни ҳисоблаш ва изоҳлаш);

- портфелларнинг баланс қийматини аниқлаш ва унинг ўртача қийматини тахмин қилиш учун пул оқимларини (купон тўловлари бўйича фоизлар ва бошқалар) дисконтлашни;

- эҳтимолдаги зарарларни қоплаш учун белгиланган захираларни баҳолаш, улар риск остида бўлган активларга инвестицияларнинг зарарлар эҳтимолини етарли даражада акс эттириши керак. Портфелнинг баланс қиймати яратилган захираларнинг миқдори билан камайтирилиши керак.

Замонавий портфель назариясига кўра, турли компаниялар, тармоқлар ва сегментлар ўртасида активларни

тақсимлаш орқали тизимсиз риск камайиши мумкин. Умумий рискни к майтириш учун диверсификация қилиш тижорат банкларининг активлари портфелида қўлланилади. Портфель рискининг даражаси унинг даражасига боғлиқ бўлиб, у қоида тариқасида, портфелдаги айрим активларнинг умумий rischi остида шаклланади.

Шундай қилиб, активларни бошқариш портфелининг концепцияси қуйидагилар:

- ҳар бир банк рақобатчилардан кўра юқори миқдорий ва сифатли ишлашга эришишга қаратилган портфель стратегиясига эга;

- ҳар бир ходимни менежмент жараёнига фаол жалб қилиш, корпоратив маданиятнинг мавжудлиги;

- ахборотни комплекс таҳлил қилишга йўналтирилган (потенциал портфель, банкнинг молия бозоридаги ўрни, унинг ничес);

- ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг инновацион усуллари (бошқарув ахборот тизимини яратиш).

Банк активларини бошқариш бўйича юқоридаги ёндашувлар маҳаллий амалиёт учун янги ҳисобланади. Миллий тижорат банклари томонидан хорижий тажрибани қўллаган ҳолда интеграллаштирилган портфель активларини бошқариш тизимини шакллантириш ва амалга ошириш уларга нафақат ўз рақобатбардошлигини ошириш, балки банк тизимининг ва мамлакат иқтисодиётининг ижобий ривожланишига кўмаклашади.

5.2. Тижорат банклари кредитлаш амалиётида эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизимини қўллаш самарадорлиги.

Самарасиз кредитлар рискинни камайтириш учун тижорат банклари ўз активларини ҳимоя қилиш ва туловларни кечиктириш оқибатларини камайтириш

учун самарали эрта огоҳлантириш тизимини яратишлари керак.

Сўнги йилларда ҳамон давом этаётган глобал молиявий инқироз банк соҳасига салбий таъсир қилди. Самарасиз активларнинг таъсири қўшимча нархларнинг кўтарилишига – бу бозорнинг айрим сегментларида (масалан, чакана ва ипотека банки) барқарорлигини йўқотишига олиб келди.

Ушбу ноаниқ шароитда кўплаб манфаатдор томонлар, шунингдек, тартибга солувчи ташкилотлар доимий кузатув ва эрта аниқлаш орқали сифатли ва рискин паст кредитларга бўлган умидларини қондириш учун доимий ишончга муҳтож. Шунга кўра, муассасалар ўзларининг активларини кузатишда янада фаолроқ бўлишлари кераклигини тушунадилар.

Тижорат банкларида иқтисодийнинг турли соҳаларини кредитлаш ҳажмлари ошиб бораётган бугунги шароитда кредит портфелига шаклланишига омиллар таъсирини ҳаққоний баҳолай оладиган янгича ёндашувларга кучли эҳтиёж сезилмоқда.


Айни пайтда республикамиз банкларида кредит портфелига омиллар таъсирини баҳолашда, асосан, кредитлаш мониторингини анъанавий (дастлабки, жорий, ҳужжатли, жойига чиққан ҳолда ўрганиш) усулларида фойдаланилмоқда. Аммо мижоз фаолияти кўрсаткичлари ва улардаги ўзгаришларни ўзаро боғлиқликда, таҳлилий ўрганадиган механизмлар етарлича шаклланмаган.

Сўнги йилларда ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий инқироzi банк тизимига салбий таъсир қилди. Банklar амалиётида муаммоли активларнинг шаклланиши иқтисодий тизим барқарорлигининг пасайишига олиб келди.

Тижорат банклари бундай шароитда ўз активларини ҳимоя қилиш, муаммоли кредитлар рискин камайтириш ва тўловларни кечиктириш оқибатларини бартараф этиш

учун самарали эрта огоҳлантириш тизимини яратишлари зарур.

Эрта огоҳлантириш тизими (ЭОТ) – янги босқичда рискларни аниқлаш учун қўлланиладиган жараёнлар тўплами бўлиб, яхши ишлаб чиқилган ЭОТ банк тизимига салбий таъсир курсатадиган ҳамда яқинлашиб келаётган хавф-хатарларни аниқлашга ёрдам беради.



5.1-расм. Банклар кредитлаш амалиётида эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизимини жорий этиш йўналишлари¹⁴²

¹⁴² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётида “Эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизимини кенг қўллаш асосида соғлом активлар портфелини шакллантириш бўйича таклифлар берилган (5.1-расм).

Кредитлаш амалиётидаги эрта огоҳлантириш эҳтимолий индикаторлари тизими мижоз фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ўзгаришни кредит портфелига таъсирини дастурлаштирилган ҳолда тўғри баҳолай олишни назарда тутди.

Монографияда эрта огоҳлантириш тизими идентификация ва ёзиб олиш, мониторинг ва профилактика чораларини яратиш, дастлабки огоҳлантиришни олиб ташлаш каби учта босқичда амалга ошириш тавсия этилди.

Муаммоли активларнинг огоҳлантирувчи белгиларини беш соҳага ажратиш мумкин: молиявий, хулқ-атвор, географик, саноат ва ахборот. Тадқиқотлар давомида ушбу соҳаларни таҳлил қилиб, ўлчанадиган кўрсаткичларни аниқлаш, банкларнинг ўз активларини ҳимоя қилиш чоралари ва эрта огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган асосий доирани таҳлил этиш зарур.

Эрта огоҳлантириш тизими (ЭОТ) – бу янги босқичда рискларни аниқлаш учун қўлланиладиган жараёнлар тўплами бўлиб, яхши ишлаб чиқилган ЭОТ, ташкилотга салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда яқинлашиб келаётган хавф-хатарларни аниқлашга банк раҳбариятига ёрдам беради. Бундан ташқари, бундай тизим банк активлари устидан назоратни сезиларли даражада кучайтириши мумкин¹⁴³.

Самарали мониторинг кредит йўқотилиши эҳтимолини 10 фоиздан 20 фоизга камайтириши мумкин¹⁴⁴. Кре-

¹⁴³ Peter Gatere, Central Bank of Kenya. The Early Warning System. September 2010.

¹⁴⁴ McKinsey & Company. First Mover Matters – Building credit monitoring for competitive advantage.

дит мониторинги бўйича амалий тажрибага эга бўлган банклар ўз активлари устидан қаттиқ назоратни қуйидагилар орқали сақлаб туришлари мумкин:

- мижозларнинг асл ҳолатларига олиб келиши эҳтимолини минималлаштириш: портфелни мунтазам равишда баҳолаш кредит сифатини сақлашга ёрдам беради. Ягона мижоз бўлса, мониторинг механизми портфелни тизимли равишда текширади ҳамда айрим бир вазиятларда сукут олдини олиш учун тизим тегишли ҳаракатни ишга туширади.

- қадрсизланган кредитларнинг гаров қийматини ошириш (сукут бўйича йўқотишларни камайтириш): портфелни баҳолаш, шунингдек, индивидуал мижозларни мониторинг қилиш, тармоқлар ва/ёки индивидуал мижозлар учун назоратни кучайтириш ва максимал даражада оширишни ўз ичига олади, шу билан ҳақиқий дефолт ҳолатида йўқотишларни камайтиради.

- дефолтли мижозларга нисбатан сезгирликни камайтириш: портфелларни мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш банкларга рискли соҳаларга бўлган таъсирини камайтиришга ёрдам беради, шунингдек, индивидуал аралашув юқори рискли мижозлар таъсирини камайтиришга ёрдам беради.

Юқорида таъкидлаб утилганидек, муаммоли кредитларнинг огоҳлантирувчи белгилари, шу билан бирга, эрта огоҳлантириш тизими кўрсаткичлари молиявий, хулқатвор, географик, саноат ва ахборот категорияларини қамраб олади. Қуйида биз ушбу соҳаларнинг ҳар бирига тегишли бўлган ўлчовларни, шунингдек, тиклаш чораларини таҳлил қиламиз ва аниқлаймиз.

Молиявий кўрсаткичлар – активлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг энг ишончли усулларидан
October 2012. http://www.mckinsey.com/~media/McKinsey/dotcom/client_service/Risk/Working%20papers/37Credit_Monitoring_for_Competitive_Advantage.ashx.

биридир ва банклар учун ЭОТ маълумотларининг асосий манбаси ҳисобланади.

Молиявий кўрсаткичлар бошқа муаммоларни ҳам кўрсатиши мумкин, масалан:

- Тез-тез кредит текширувлари ва мижознинг суровлари унинг салбий кредит тарихи белгиларига ишора қилади.

- Кредиторларга кафолатланган туловлар зарур талабга айланади.

- Депозитлардан қайтарилган товарлар ёки мижознинг ҳисобига қайтарилган чеклар сонининг кўпайиши.

- Амалдаги кредитлардан тулиқ ва узоқ муддатларга фойдаланиш.

- Амалдаги кредитлар лимитини бузиш; масалан, ҳеч қандай бизнес мантиғисиз тўсатдан овердрафт кредитларга буюртма бериш.

- Тиббий ходимлар каби учинчи шахсларга туланмаган туловларни тулаш.

- Кечиктирилган ёки ўтказиб юборилган иш ҳақи туловларининг юзага келиши.

- Вақтинча кредит олиш учун доимий ва режадан ташқари суровлар.

- Дебиторлик, инвентаризация ва кредиторлик қарзлари ҳолатидаги ўзгаришлар.

5.1-жадвал

Молиявий кўрсаткичлар бўйича чора-тадбирлар¹⁴⁵

Кўрсаткичлар	Улчаш	Юқори	Ўрта	Паст
Мижознинг кредитга лаёқати	Кредит чеклари ва мижозлар туғри-сида суровлар сонининг кўпайиши	X		
Мижознинг кредитга лаёқати	Кредиторларга нисбатан кафолатли туловлар учун кўпроқ зарурат, яъни аккредитивлар ёки банк чеклари		X	

¹⁴⁵ www.turnaroundinternational.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мижознинг кредитга лаёқати	Мижознинг ҳисобварағига қайтарилган чеклар		X	
Операцион кредитдан фойдаланиш	Амалга оширилган кредитлар узок муддат фойдаланиш		X	
Операцион кредитдан фойдаланиш	Амалдаги кредитлар, уларнинг лимитидан юқори; масалан, тўсатдан овердрафт буюртмаси		X	
Суд жараёни	Мижозга қарши суд жараёнларининг кучайиши	X		
Суд жараёни	Учинчи томоннинг даъволари, масалан, ҳукумат органларига тегишли бўлган даъволар	X		
Харажатларни бошқариш	Иш ҳақи кечиктирилган ёки ўтказиб юборилган кредит (жуда жиддий вазият)	X		
Пул оқими талаблари	Вақт ўтиши ёки қарз олиш учун тез-тез ва тўсатдан суровлар ўтказиш			X
Пактлар ва гаровларни кузатиш	Амалдаги кредит шартномалари қисқарган ёки амалда эмаслиги	X		
Амалдаги кредитлардан тўғри фойдаланиш	Ҳодисаларга нисбатан ҳар қандай ноурин тенденция; масалан, савдо ёки кредит сиёсатига зид бўлган тулиқ ишлатилган кредит		X	

Хулқ-атвор курсаткичлари – хулқ-атвор огоҳлантирувчи белгилар кредиторларга эгалари ва менежерларининг ҳалоллиги ҳамда малакаси ҳақида маслаҳатлар беради. Хулқ-атвор муаммолари белгилари қуйидаги курсаткичлар билан аниқланиши мумкин:

· Алдаш / нотўғри талқин қилиш учун ҳар қандай уришиш (бу аниқ огоҳлантириш белгиси ва уни ҳисобга олиш керак).

· Молиявий ҳисобот талабларини кечиктириш учун мунтазам ва изчил уринишлар; турли хабарларга жавоб беришни истамаслик ёки истаксизлик.

· Муайян саволларга тўғридан-тўғри ва тўлиқ жавоб беришдан қочиш;

· Сўровлардан қочиш ёки сўровга мос келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, сўровга жавоб беришда ортиқча кечикишлар;

· Ёзувларни бузиш ёки тасодифан йўқ қилиш имкониятини кўрсатадиган далиллар.

· Асосий ресурслар / ходимлар муҳим режалаштириш ва стратегия учрашувларида қатнашмайди.

· Катта инвестициялар, кенгайтириш режалари йўқлигида акс эттирилган ликвидликнинг кескин ва сезиларли пасайиши.

· Бухгалтерия ҳисоби ёки бухгалтерия амалиётида тез-тез ходимлар ўзгариши.

· Ҳаддан ташқари бандлик, ходимларнинг кучи бизнес ҳажми билан боғлиқ эмас; компаниянинг иш ҳақи бўйича мавжуд бўлмаган ходимларни қўллаб-қувватлайди.

· Қарорни қўллаб-қувватлаш учун муайян бизнес сабабсиз активларни ўтказиш, бунда активни йўқотиш адолатли қийматдан паст бўлади.

· Бизнес эҳтиёжларига мос келмайдиган бизнес-ҳисобларнинг ортиқча миқдори.

· Эски ҳисоблар билан боғлиқ туловларни тозалаш учун жорий туловларнинг нотўғри йўналтирилиши.

· Товарлар ва хизматларни қонунга хилоф равишда эгаллаш мақсадида сохта ёки сохта объектларни яратиш.

Хулқ-атвор кўрсаткичлар бўйича чора-тадбирлар ¹⁴⁶

Кўрсаткичлар	Ўлчаш	Юқори	Ўрта	Паст
Ишонч ва ишонч-лилик	Ҳар қандай алдов, нотўғри маълумот ёки ёлғон (Бу аниқ ва кучли огоҳлантириш белгиси)		X	
Тўғри ва ўз вақти-да молиявий ҳисобот	Молиявий ҳисобот талабларининг ҳар қандай кечикиши	X		
Харидор билан алоқа	Сўхбатлашишни хоҳламаслик ёки мулқотсизлик			X
Харидор билан алоқа	Муайян саволга тўғридан-тўғри ва тулиқ жавоб бермаслик		X	
Харидор билан алоқа	Интервьюда, савол билан саволга жавоб бериш			X
Харидор билан алоқа	Суров учун нонаниқ ёки мавҳум маълумотларни тақдим этиш	X		
Харидор билан алоқа	Суровга жавобан асоссиз ва тез-тез кечикишлар		X	
Активларни ҳисобга олиш	Нотўғри ишлатилган ёки тасодифан йўқ қилинган ҳар қандай кўрсатма		X	
Томонларнинг бизнес стратегияси ва режалаштиришга қизиқиши	Мухим режалаштириш ёки стратегик жараёнларда асосий ходимларнинг йўқлиги			X
Ликвидликнинг пасайиши	Бизнес шароитлари ёки воқеалар билан қўллаб-қувватланадиган ёки тушунтирилмайдиган ликвидликнинг жуда тез ва сезиларли пасайиши		X	
Бухгалтерия ҳисоби ходимлари ва процедуралари	Бухгалтерия ходимларида ёки процедураларда жуда кўп ўзгаришлар	X		

¹⁴⁶ www.turnaroundinternational.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия фир- масининг ташқи ўзгариши	Ташқи бухгалтерия фирмалари- ни тез-тез ўзгартириш	Х		
Нотўғри хужжатлар	Ҳисоб-фактураларнинг ҳаддан ташқари кўп нусхаси, айниқ- са, улар кетма-кет бўлмаган тақдирда	Х		
Ишчилар сони	Иш ҳажмига нисбатан ишчи- лар сони ўртасидаги узилиш; мавжуд бўлмаган ходимлардан фойдаланган ҳолда иш ҳақи бўйича иш ҳақи		Х	
Активларни утказиш	Ишбилармонлик сабабисиз ёки адолатли қийматдан паст бўлган активларни утказиш			Х
Ҳисобларнинг кўплиги	Кўп сонли бизнес ҳисоблари- нинг бизнес эҳтиёжларига мос келмаслиги			Х
Қоплаш	Эски ҳисобларни тўлаш учун жорий тўловдан фойдаланиш каби мижозлар томонидан тўлашда нотўғри йўналтирилганлиги		Х	
Сохта шахслар	Товар ва хизматларни бошқариш учун сохта ёки субъектлардан фойдаланиш	Х		

Географик кўрсаткичлар – географик муаммоларнинг айрим белгилари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқла-
ниши мумкин:

- Валюта курсининг девальвацияси.
- Минтақадаги иқтисодий ўсишнинг доимий равишда пасайиши.
- Мамлакатда кредит қобилиятининг пасайиши.
- Суверен облигациялар бўйича даромадларнинг дои-
мий ўсиши.
- Пулни легаллаштиришда барқарор ўсиш. Ноқулай
сиёсий муҳит туфайли мамлакат рисклари.

Географик кўрсаткичлар бўйича чора-тадбирлар¹⁴⁷

Кўрсаткичлар	Улчаш	Юқори	Урта	Паст
Валюта курсининг девальвацияси	Молия институти томонидан қабул қилинган ҳар қандай валюта савдо позицияларининг ҳажми, таркиби ва ўзгарувчанлиги			X
Иқтисодий ўсиш	Минтақанинг иқтисодий ўсишидаги барқарор пасайиши		X	
Кредитга лаёқатлилиқнинг ўзгариши	Кредит рейтинг агентликлари томонидан мамлакат рейтинглари пасайтирилиши	X		
Суверен облигациялар бўйича фойда	Минтақанинг суверен облигациялари бўйича даромадларнинг изчил ўсиши		X	
Пулни легаллаштириш	Минтақада пулни легаллаштириш билан боғлиқ тадбирлар сони ва ҳажмининг изчил ўсиши	X		
Мамлакат учун риск	Барқарор сиёсий вазиятнинг кучайиши эҳтимоли	X		

Саноат кўрсаткичлари – соҳага хос муаммоларнинг аломатларини қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқлаш мумкин:

- Саноатнинг ўсиш суръатларининг барқарор пасайиши.
- Экспортни тақиқлаш каби саноатдаги ноқулай қоидаларнинг кўпайиши.
- Нархларнинг ошиши ва кириш нархларининг кўтарилишини назорат қила олмаслик.
- Бизнесни ривожланаётган бозорларга кўчириш rischi.
- Бизнес сегментига нисбатан мижозлар хатти-ҳаракатларини ўзгартириш¹⁴⁸.

¹⁴⁷ www.tumaroundinternational.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴⁸ E & Y. Turn Risks and Opportunities into Results. January 2013. <http://>

**Саноат курсаткичлари бўйича
чора-тадбирлар¹⁴⁹**

Курсаткичлар	Ўлчаш	Юқори	Ўрта	Паст
Саноатнинг ўсиш суръати	Активлар саноатида қўти- лаётган ўсиш суръатлари		х	
Саноат қоидалари	Саноат назоратида экспортга тақиқ, йўқотиш- ларга олиб келади		х	
Харажатларни назорат қилол- маслиқ/кириш нархларининг қўтарилиши	Соҳада операцион чегараларнинг доимий равишда пасайиши	х		
Ривожланаёт- ган бозорлар	Ривожланаётган бозор- ларга кириб боролмаслик	х		
Мижозларнинг хатти-ҳара- катларини ўзгартириш	Ўзгарувчан истеъмолчи- ларнинг хатти-ҳаракатла- рига жавоб бермаслик		х	

Ахборот курсаткичлари – ахборот компаниянинг ўси-
ши ва активларини қўпайтиришда катта роль ўйнайди.
Ахборотга асосланган муаммолар қуйидаги курсаткичлар
билан аниқланиши мумкин:

- Мижознинг бренди ва/ёки логотипи ҳақида хабар-
дорликнинг пасайиши.
- Оммавий ахборот воситаларининг камроқ ижобий
таъсири.
- Ёмон муносабатлар.
- Биржа бозори қулаши.
- Охирги истеъмолчилар олдида салбий нарх тушун-
часи.

[www.ey.com/GL/en/Industries/
Consumer-Products/Turn-risk-and-opportunities-into-results-Retail-
sector-The-top-10-risks](http://www.ey.com/GL/en/Industries/Consumer-Products/Turn-risk-and-opportunities-into-results-Retail-sector-The-top-10-risks).

¹⁴⁹ www.turnaroundinternational.com маълумотлари асосида муаллиф
томонидан ишлаб чиқилган.

· Сотилган маҳсулотлар ҳақида салбий мулоҳаза.

Асосий профилактика чоралари – активларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим қондаси бу “уз мижозингизни биллинг”. Бу жуда муҳим – қарзни шакллантиришдан тортиб, қарз мажбуриятини мониторинг қилиш жараёнига қадар. Мижозни тушуниш – кредит мониторингидаги биринчи тамойил. Шунингдек, биз банкларга қуйидагиларни маслаҳат берамиз:

5.5-жадвал

Ахборот курсаткичлари бўйича чора-тадбирлар¹⁵⁰

Курсаткичлар	Ўлчаш	Юқори	Ўрта	Паст
Товар ҳақида хабардорлик	Нотўғри етказилган маълумотлар туфайли брендга салбий таъсир	X		
Оммавий таъсир қилиш	Бир нечта салбий янгиликларни нашр қилиниши	X		
Алоқалар	Етказиб берувчилар ва охириги мижозлар билан алоқаларнинг ёмонлашиши		X	
Биржа савдоси	Компания акциялари доимий равишда камайиб боради.		X	
Сотилган маҳсулотларнинг сифати	Хавфли нуқсон аниқланганлиги сабабли аллақачон харидорларга сотилган товарларни қайта олиш	X		

- Мижоз билан тез-тез алоқада бўлинг. Ушбу амалиёт мижознинг давом этаётган операцияларини ёритадиган қарз билан боғлиқ хавфсизлик муаммолари мавжудлигини таъкидлайди. Шунингдек, компания ходимлари билан

¹⁵⁰ www.tumaroundinternational.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

туғридан-туғри мулоқот қилиш имкониятини тақдим этади.

Бухгалтерия жамоалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, ички бухгалтерия гуруҳининг асосий аъзолари ва миждознинг вакили бўлган ташқи бухгалтерия фирмаси билан узаро алоқани мустақкамлаш зарур. Бу бухгалтерия фирмаси офисларида учрашувни ўз ичига олиши керак:

- Банк фаолиятини кузатиш. Ушбу маълумот параллел равишда сотиш, сотиш харажатлари ва айланма маблағлар каби асосий соҳаларда ишлашни кузатиш учун ишлатилиши керак.

- Хулқ-атвор сигналларини аниқланг. Хулқ-атворли сигналларни аниқлаш имконияти сифатида ойлик ҳисоботлардан фойдаланинг.

- Максимал импортга эга бўлган активларнинг энг кам миқдорини белгиланг. Кўп аҳдларни тузишда ҳеч қандай маъно йўқ, уларнинг аксарияти бузилади ва деярли барчаси автоматик равишда рад этилади.

- Бир нечта огоҳлантириш сигналларига эътибор беринг. Ҳар қандай томондан бир нечта огоҳлантириш белгилари фалокат белгисидир.

Қуйидаги таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш жоизки, тижорат банклари кредитлаш амалиётида эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизимини кенг қўллаш орқали соғлом активлар портфелини шакллантириш муҳим бўлиб, унда ушбу индикаторларнинг фаолият юритиш механизмлари орқали самарасини белгилаш мумкин.

ЭОТ (эрта огоҳлантириш тизими) мажмуи маълумотлари йўналишлари¹⁵¹

Тури	Қирришлар					Чықиш
	Қўратувчлар	Улғаш	Таъқидий жойдидийлик мезонлари	Юқори жойдидийлик мезонлари	Урта мезон	Профилактик чоралар (мисоллар)
Молиявий	Мижознинг кредитга лойиқати	Кредиторларга кафолатланган туяларни амалга ошириш учун кўпроқ эҳтиёж (яъни аккредитивлар ёки банк чеклари)	Ойига 100 дан катта	10 орасида ва ойига 100 та	Ойига 10 дан кам	Мижозга янги кредитлар берманг
Хулқатвор	Ишонч ва ишонч	Ҳар қандай айдое нотўғри маълумот ёки ёлгон (бу аниқ ва қули огоҳлантириш белгиси)	Бешдан ортиқ мисоллар	Икки ва бешга ҳолатлар орасида	Икки ҳолатдан кам	Ҳисоб менежери билан маслаҳатлашинг ва мижознинг кредит линиясини қисқартиришни бошланг
Географик	Иқтисодий ўсиш	Минтақанинг иқтисодий ўсишидаги ЯИМнинг пасайиши	Уч йил доимий таназзул	Икки йил доимий пасайиш	Бир йиллик доимий пасайиш	Молиявий таъсирни камгайтириш масалан ҳукуматнинг облигацияларни сотиши
Саноат	Саноатнинг ўсиш суръати	Саноатнинг ўсиш суръатининг барқарор иқтисодиётга таъсири	Уч йил доимий таназзул	Икки йил доимий пасайиш	Бир йиллик доимий пасайиш	Активлар сегментида таъсирни камгайтириш
Рўйхат	Сотилган маҳсулотларни рўйхатга олиш	Харидорларга аллақачон сотилган товарларни рўйхатга олиш, хаяфли нуқсонни аниқлаш	Уч ёки ундан кўпми-соллар	Битта ва иккита мисол орасида	Эслатиб ўтишга битта мисол	Ҳисоб менежери билан маслаҳатлашинг ва мижознинг кредит линиясини қисқартиришни бошланг

¹⁵¹ www.tumaroundinternational.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бунда услубий жиҳатидан эрта огоҳлантириш тизими ЭОТ – қарздорларни қийинчиликлар ёки дефолт хавфи остида идентификация қилади. Бундай тизим нафақат ишончли маълумотлар базасини ва қаттиқ статистикани бирлаштириши керак; шунингдек, “юшоқ” муваффақият омиллари, кузатувчилар, андеррайтерлар ва хавфнинг табиати ҳамда жиддийлигига қараб турли хил назорат рўйхатлари тоифаларига тегишли илғор аниқланган ҳолатлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминлаши керак. Назорат рўйхати тоифасини белгилаш мажбурий ва ихтиёрий (масалан, ички чегараларни пасайтириш ёки нархларни кўтариш), шу жумладан, рискни камайтириш бўйича олдиндан белгиланган чора-тадбирларни бошлайди. Бизнинг тузилмамиз активлар учун эрта огоҳлантириш тизимини яратиш ёндашувини белгилайди. Ҳар бир актив учун тузилиш яратилиш босқичида тўлдирилиши керак.

Одатда, тизимнинг амал қилиш даври уч босқичдан иборат: яратиш, техник хизмат кўрсатиш ва ёпиш. ЭОТ жараёни параллел равишда амалга оширилади ва барча босқичларда акс этади. Бунда эрта огоҳлантириш тизимининг фаолиятининг учта асосий босқичи асосида амалга ошириш келтирилган:

1. Идентификация ва ёзиб олиш. Ушбу босқич учта босқични ўз ичига олади:

- Курсаткичларни аниқлаш: эрта огоҳлантириш курсаткичларининг бешта тоифаси бўйича тегишли курсаткичлар активлар тури учун уларнинг аҳамияти асосида аниқланади ва танланади.

- Курсаткичлар бўйича чора-тадбирларни аниқлаш: ҳар бир танланган курсаткич учун бир ёки бир нечта чора-тадбирлар аниқланиши керак; уларнинг аксарияти миқдорий аниқланиши керак.

- Триггерлар (ишга тушириш схемаси)нинг таърифи: Амалга ошириладиган чораларнинг жиддийлигини

баҳолашга қараб, тегишли огоҳлантиришларни келтириб чиқарадиган триггерларни аниқлаш керак.

2. Мониторинг ва профилактика чораларини яратиш: ушбу босқич активларга хизмат кўрсатиш билан параллел равишда амалга оширилади ва активга нисбатан қайд этилган кундалик воқеалар ва тадбирларни кузатиб боради. Биринчи босқичида муайян мезонларга асосланиб, ўлчов муайян бошланғич нуқтасини бузганда, тизим тегишли огоҳлантириш ҳосил қилади ва огоҳлантиришдан келиб чиқадиган рискни камайтириш учун қабул қилиниши керак бўлган профилактика чоралари бўйича тавсиялар беради. Юқорида муҳокама қилинган мисолда, агар танқидий огоҳлантириш яратилган бўлса, тизим профилактик чоралар ишлаб чиқаради; мисол учун, актив бўйича гаров позициясини ошириш юзасидан тавсиялар берилади.

3. Дастлабки огоҳлантиришни олиб ташлаш: активнинг муддати тугагач, унга нисбатан белгиланган эрта огоҳлантириш мезонлари ўчирилади. Бу активларни ёпиш вақтида содир бўлади. Банклар учун юқори рискли мижозларнинг олдидан белгиланган идентификациясини баҳолаш қийин кечади. Бунинг учун улар ўз жараёнларини тез ва ҳар томонлама ўзгартириши ва рискларни самарали мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқишлари керак. Бу бизнес жараёнларини босқичма-босқич "чораклик ёки йиллик" мониторингдан доимий, "кунлик" ёки "воқеаларга асосланган" режимга ўтказишни аниқлатади.

Автоматлаштирилган мониторингни йўлга қўйиш учун банкларнинг АКТ тизимлари ҳам ривожланиши керак. Ушбу қадамлар банкларга ишламаётган активлар сонини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам берадиган, эрта огоҳлантиришнинг мустақкам тизимини яратишда муҳим роль уйнайди.

5.3. Миллий иқтисодиётда соғлом банк активлари портфелини шакллантириш концепциясини такомиллаштириш йўналишлари

Республикамизда сўнги йилларда тижорат банклари активлари портфелининг тез суръатларда ўсиш тенденцияси намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, банк активларининг шаклланиши ҳам турли, мазмунан янги ва кўп қиррали рисклар таъсири остида амалга ошмоқда. Айниқса, бугунги кунда миллий банк тизимини халқаро интеграция жараёнларига фаол боғланаётганлиги банк активларининг глобал молиявий рискларга таъсирчанлигини кучайтирмоқда. Банк амалиётининг тарихий эволюцияси активларнинг барқарор ўсиб бориши доимо банк рентабеллигини ошишига имкон бермаслигини, аксинча, бу жараёнда банк назоратини сусайтирилиши инқирозли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини бир неча бор исботлаб берган. Фикримизча, бундай шароитда ҳар бир тижорат банки соғлом активлар портфелини шакллантиришнинг аниқ ва пухта ишланган, бозор ўзгаришларига тезкор мослаша оладиган концепциясини ишлаб чиқишга зарурат сезади.

Албатта, инновацион рақобат шароитида ҳар бир банк активлар портфелини самарали бошқариш позицияси ва инструментларини ўзининг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида ҳамда кредитлаш сиёсатида мукамал даражада аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Аммо банк стратегияси ва сиёсатини юритишдаги номувофиқликлар банк активларини самарасиз тақсимлаш механизмларини вужудга келишига замин яратади.

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг "...биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалани етти ўлчаб, бир марта кесадиغان, оқибатини пухта

ўйлаб иш олиб борадиган давр келди¹⁵²”, деб таъкидлагани тижорат банкларининг актив маблағларининг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ошириш концепциясини ишлаб чиқиш долзарб эканлигидан далолат беради.

Фикримизча, банкларда даромад келтирувчи активларнинг ҳажми ва таваккалчилик даражасининг юқорилиги активлар портфелини оптималлаштиришни тақозо этади.

Банк активлари портфелини оптималлаштириш – бу банк активлари тузилмасини ликвидлик, таваккалчилик, даромадлиққа қўйилган талабларга мувофиқ равишда шакллантириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир. Кенг маънода активлар портфелини оптималлаштириш банклар учун хавфсиз, даромадли активлар ҳажмига эга бўлишдир.

Умуман олганда, банклар фаолиятининг қуйидаги стратегик жиҳатлари активлар портфелини оптималлаштириш заруратини юзага келтиради.

Банк активларини таваккалчиликка берилувчанлиги. Бошқа ҳужалик субъектлари активларидан фарқли равишда банк активларини таваккалчиликка тортилиш даражаси юқорироқ ҳисобланади. Бунда активлар билан боғлиқ таваккалчиликлар таъсирини оптималлаштиришнинг самарали усулларида фойдаланиш активларни йўқотилиш хавфини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи омиллар таъсирининг юқорилиги. Банк тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит билан чамбарчас боғланганлигидир. Хусусан, банкнинг йирик кредиторлари фаолиятидаги ўзгаришлар, уларнинг тўлов қобилиятини пасайиши банк активлари портфелининг сифатига таъсир қилиши, муаммоли кре-

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б. (47–48-бетлар).

дитлар ҳажмининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши, арзон кредитлар таклифи ҳажмининг ўсиши каби ташқи омиллар ҳам банкларда муаммоли жиҳатларни юзага келтириши мумкин.

Ушбу ҳолатларда банклардан мижозларнинг тўлов қобилиятини самарали баҳолаб боришнинг янги усуллари ни ишлаб чиқиш, ташқи омиллар таъсирини аниқлашнинг фойдали механизмларини жорий этишнинг долзарблиги ортади.

Активлар рентабеллигини оширишга бўлган интилиш. Бозор шароитида ҳар бир ҳужалик субъекти сингари банкларда ҳам ўз маблағлари манбаи сифатида соф фойдани ошириш муҳим стратегик мақсадлардан бири ҳисобланади. Соф фойда миқдорининг ортиб бориши, ўз навбатида, банкда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, фаолиятни кенгайтириш, молия бозоридаги мавқе ни мустаҳкамлаш, янги ахборот технологияларини жорий этиш имконини беради. Бу эса банкларда активлар тузилмасини даромадлилик талаби бўйича мақбул жойлаштириш, активлар ҳажмини самарали режалаштиришни тақозо қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банкларда активлар портфелини оптималлаштириш борасидаги муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш борасидаги чора-тадбирларни қуйидаги жадвалда умумлаштирилган ҳолда келтирамиз (5.7-жадвал):

Банк активлари портфелини оптималлаштириш жараёни қуйидаги босқичларни амалга оширишни назарда тутаяди: активларнинг шаклланиши билан боғлиқ ички тартиб-қоидаларни такомиллаштириш, активларни бошқариш механизмини қайта кўриб чиқиш, активларга бўлган потенциал талабни аниқлаш, активларни самарали тақсимлаш (диверсификация)га эришиш, активлар самарадорлигини баҳолашнинг янги усуллари жорий этиш.

Тижорат банклари активлари портфелини оптималлаштириш тизими ҳамда уни ривожлантириш муаммолари ва чора-тадбирлари¹⁵³

№	Асосий мунодиловлари	Амалга ошириш усуллари	Муважуд муаммолар	Зарур чора-тадбирлар
1	Ташкил этиши (режалаштириши)	Жорий (финанс бизнес режа тузили) ва стратегик (уюқ муқодала) режалаштириши, ички сибкат (кредит, ликвидлик, фонд, таваллуқчилик ва х.к.)ларни ишлаб чиқиши, активлар билан самарали ишлаш малакасини эга тархобий бўлинишни шакллантириш	– активлар портфелини режалаштиришда банк филиалининг иқтисодик, ҳудуднинг ўзини хос иқтисодик, ҳудуднинг етарлича ҳисобга олимаслиги (боқолмаслиги); – ички сибкатларни активлар портфелини самарали бошқариш талабларини қамраб олимаслиги.	– активлар портфелини активлар турлари бўйича ҳудудий иқтисодикларни ҳисобга олиш; содда режалаштириш; – ички сибкатларда активлар портфелини бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиши малакасини янада олиниши тушунишни тарзда ифодалиши.
2	Тахлил тахлили	Риск тахлили, омидли тахлил "скоринг" тахлили, "тренд" тахлили	– тахлил объектини нотўри таълиниши; – тахлил жараёни доирасининг торлини;	– тахлил ишларини дастуриаштириш; – тахлил мавзуюлотлар билан ишлашни аниқ тахлил (таҳлиллар) асосида йўлга қўйиш.
3	– оралик тахлил	Риск тахлили, омидли тахлил, сифат тахлили, "ретроспектив" тахлили, диверсификация тахлили	– омидли тахлирининг комплекс тўғрибаҳа доирасининг;	– замонавий тахлил усулларини қўлдан текшириш; – тахлилнинг ривожлантириши;
4	– ликвидлик тахлили	Омидли-тархобий тахлили, «А/П» тахлили, ресурс тахлили	– тахлил мавзуюлотларини ишончли ва тўлиқ йиғишда камчиликларга йўл қўйилиши;	– замонавий тахлил усулларини қўлдан текшириш; – тахлилнинг ривожлантириши;
5	– даромадлиқ тахлили	Молвий ҳолат тахлили, истисколи тахлили, «А/П» тахлили	– тахлил натижаларини раҳбариятга юзлик ёқ тушунириш тахлил у эгалигини.	– маъсул ҳодимлар малакасини олинириб бориш.

5.7-жадвалнинг давоми

3	Амалга ошириш	Агтивларни мақбул жойлаштириш, дифференциация сибастини юритиш, моделлаштириш	– даражадан оширишга эътиборини қўлай қилиш ва натижада активларга муайян соҳаларда тулваниб қолиши; – имкониятни паст ҳудудларга қўли миқдорда активларни жойлаштирилиши.	– активлар портфелини паст таваккалчилик шартларида шакллантиришга эътибор қаратиш; – активларни жойлаштиришда ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш.
4	Баҳолаш (назорат ва мониторинг)	Баък аудитни ташкил этиш, оралик мониторинг ўтказиш, стресс-тестлаш	– активлар аудити ва мониторингини ўтказишда, асосан, шпанаваий усуллардан фойдаланилиши; – мониторингини, асосан, активларни жойлаштиришнинг дастлабки босқичида ўтказилиши, оралик мониторингини суғусти ёки юзак ўтказилиши.	– активлар портфели мониторингини ишончли манбаёлардан йиғилган маълумотлар асосида ўтказиш; – мониторинг усулларини тақомиллаштириб бориш, мониторинг жарасида сифат таҳлил, оминали таҳлил усулларига чуқурак асосланиш
5	Хулосалар (қарор қилиш)	Баҳолаш натижалари бўйи ва қарорлар (активларни ўзлаштиридан олдин сундириш) қабул юлиши	– мониторинг натижалари бўйида ҳисоботларни ажратиб қолишда таҳлилни ташкил этишни бўлиналарда қолиб кетиши (этиборсизлик натижада иқрога етиб бормаслиги); миқдорнинг қисқиги шартлиқ бериладиги шартларни ўзгариши бериладиги мураккабларни бўйи ва баҳолаш ўртамасдан ижобий қарорлар қабул қилиниши.	– қарорлар қабул қилишда оминали таъбирини баҳолаш усулларидан қисқиги фойдаланиш; – активлар портфелини оптимиллаштириш бўйида стратегик қарорларни қўлиниши овоз қилиш қабул қилини.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, республика-миз банкларида активлар портфелини оптималлаштириш ҳозирги кунга қадар алоҳида йўналиш сифатида шаклланган эмас. Оптималлаштириш жараёни таҳлил ва мониторинг, аудит, менежмент усуллари билан боғлиқ равишда олиб борилмоқда. Шунингдек, активлар портфелини оптималлаштиришда замонавий ахборот технологиялари орқали моделлаштириш усуллари аҳамияти ортиб бормоқда.

Тижорат банкларида активлар портфелини оптималлаштириш механизмини ривожлантириш асосида қуйидаги мақсадларга эришиш таъминланади:

- банк активлари ва пасивлари мутаносиблигини доимий равишда назорат қилиб бориш;

- активлар билан боғлиқ таваккалчиликлар даражасини пасайтириб бориш;

- активлар портфели таркибидаги юқори ликвидли активлар ҳажмини меъёр доирасида ушлаб туриш, ортиқча ликвидликнинг юзага келиши ва даромадликка салбий таъсирини олдини олиш;

- иқтисодиётда молиявий маблағларни ҳудудий мутаносиб тақсимланишини таъминлаш;

- активларни жойлаштириш бўйича масъул ходимларни рағбатлантириш орқали активлар менежментини ривожлантириш ва ҳ.к.

Тижорат банкларида активлар портфелини оптималлаштириш фақатгина банк фаолияти доирасидаги масала сифатида эмас, балки бутун иқтисодиётни ривожланиш кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилувчи, макро даражадаги ёндашишни талаб этадиган иқтисодий категория ҳисобланади.

Фикримизча, тижорат банкларида соғлом банк портфелини шакллантириш концепциясини муваффақиятли жорий этишда активлар самарадорлигини ошириш методологиясини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналиш-

ларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хусусан, банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли меҳнат соҳасидаги инновациялар, маълумотларни таҳлил қилиш ва масофадан хизмат курсатиш асосида зришиш. Услубий жиҳатдан истиқболли режа (прогноз) асосида ушбу жараённи икки босқичда амалга ошириш зарур.

Биринчи босқич – 2020 йилгача: банк иловалари, мижозларни улаш, қўллаб-қувватлаш сервиси, кардридер ва мобиль терминаллар, P2P ҳисоб-китобларини юриштиш, туловларни фискаллаштириш, фискал маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш операцияларни такомиллаштириш.

Иккинчи босқич – 2025 йилгача: СХК учун товарларни ҳисобга олиш ва портал, транзакциялар бошқаруви, мобиль-банкинг криптографик идентификаторлари, тегишли хизматларнинг банкларнинг рақамли платформаларига интеграциялашуви, аниқ Б2Б, Б2С тезкор ўтказмаларини жорий қилиш, очиқ АПИ, банк бизнесида масофадан идентификация, сунъий интеллект ва машинали ўрганиш асосида маҳсулотлар, чакана савдо ва телеком орқали молиявий хизматларни тақдим қилиш, бир қатор фискал операторларни жорий қилиш жараёнларини киритиш мумкин.

5.4. Тижорат банкларида активлар самарадорлигини рискка асосланган назоратини ривожлантириш истиқболлари

Тижорат банкларида ресурсларнинг чекланганлиги банкларда максимал даромад олиш мақсадида жалб қилинган маблағларни юқори рискли амалиётларга жойлаштиришни рағбатлантиради. Бундай шароитда банклар активлардан самарали фойдаланилиш ҳолатини

доимий равишда таҳлил қилиш, холис аудиторлик текширувидан утказиш, зарур ҳолатларда эса рискка тортилувчи активлар ҳажмини чеклаш борасида қарорлар қабул қилишлари лозим.

Тадқиқот натижаларида маълум бўлишича, республикамиз банкларида активлар назоратини ташкил этишда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Банк активлари назоратида анъанавий усуллардан фойдаланилаётганлиги. Муҳим назорат бўғини ҳисобланган ички аудит хизмати томонидан банк активлари самарадорлигини баҳолашда, асосан, активлар ўзгаришининг миқдорий кўрсаткичларини таққослаш усули қўлланилмоқда.

Таҳлилларга кўра, тижорат банкларида юқори риск даражасига эга бўлган даромадли активлар ҳажмининг ошиб бориши банкларда активлар самарадорлигини рискка асосланган назоратини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий этиш устида тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Фикримизча, тижорат банкларида активлар самарадорлигини рискка асосланган назоратини самарали ташкил этиш жараёнига Халқаро ички аудиторлар институти (The IIA) томонидан тақлиф этилаётган "уч чизиқли ҳимоя модели"ни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир¹⁵⁴.

Активлар назоратини ҳимоя чизиқлари модели асосида ташкил этишнинг қуйидаги бир қатор афзалликлари мавжуд:

- банкнинг барча актив амалиётларини рискка асосланган назорат тизимига интеграциялаш;
- активларни жойлаштириш, мониторинг тизимидаги камчиликларни тизимли равишда бартараф этиш;
- риск менежменти тузилмасини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш ва ҳ.к.

154 <https://www.iaa-ru.ru>. Эффективное применение COSO в модели трех линий защиты.

Бугунги кунда Ўзбекистон банкларида активлар назоратини ташкил этишда ташқи аудит хизматини ўрни мустаҳкамланиб бормоқда. Ташқи аудит хизмати халқаро стандартлар бўйича банк активлари самарадорлигига қўйилган талабларни бажарилишини баҳолаш, риск менежменти тузилмасини ривожлантириш бўйича тавсиялар бериш каби бир қатор ижобий жиҳатларга эга.

Тадқиқотлар асосида тижорат банкларида риск ҳимоя чизиқлари модели асосида активлар назоратини ташкил этишни қуйидаги тартибда ифодалашни тавсия этамиз (5.2-расм):



5.2-расм. Тижорат банкларида рискка асосланган активлар назоратини ташкил этиш механизми

Тижорат банкларини молиявий соғломлаштириш ва бунда банк назоратининг пруденциал чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги дастлабки амалий қадамлардан бири сифатида лаҳзалик ликвидлик коэффициенти¹ бўйича талабнинг жорий этилиши ва унинг жорий йил охиригача босқичма-босқич

20 фоизгача ошириб борилиши ҳам тижорат банклари томонидан эҳтиёткорона молиявий фаолият юритишни талаб этади.

А.Я. Абдуллаевни қайд этишича, жаҳон иқтисодиётида содир бўлган молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг кўплаб мамлакатларида тижорат банклари ликвидлигининг заифлашувига, йирик миқдорда активлар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқишига, тулов баланслари ҳолатининг ёмонлашувига ва пировард натижада, миллий иқтисодиётларнинг рецессия ҳолатига тушиб қолишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлигини мустаҳкамлаш ва ликвидлик рискинни самарали бошқариш, уларнинг банк тизимини ривожлантиришдаги ролини қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо этмоқда¹⁵⁵.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурида “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мақсадида банк тизимини ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлиги даража-

¹⁵⁵ А.Я. Абдуллаев. Тижорат банкларининг ликвидлик рискинни бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш, №7(115)-2017, 30.07.2017. (www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/49804-tijorat-b...ni-takomillashtirish)

си кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш” зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган¹⁵⁶.

А.Я. Абдуллаевнинг фикрига кўра, “...тижорат банкларининг ликвидлилик рискинни бошқаришдан асосий мақсад қабул қилинган стратегик вазифаларга мувофиқ юзага келадиган ликвидлилик рискиннинг олдини олиш ва уни минималлаштириш, ноқулай бозор конъюнктураси натижасида молиявий йўқотишларнинг юзага келиш эҳтимоллигини пасайтириш, рисклар билан даромадлилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар мувофиқлигини излаб топишдан иборат. Мазкур рискни минималлаштириш орқали активлар ва капитални максимал даражада сақланишини таъминлаш, банк мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қоплаш имкониятини яратишдан иборат.

Банк ликвидлиги унинг фаолиятига миқдорий баҳо берадиган, барқарорлик ва ишончлиликни таъминлайдиган, аниқ ташҳис қўядиган воситаларидан биридир. Макроиқтисодиёт даражасига боғлиқ тўловлар, инфляция ва банк ликвидлигини мустаҳкамлаш каби муаммолар бугунги кунда борган сайин мураккаблашиб бормоқда. Бу эса банк ликвидлигининг ўзгаришига ижобий ва салбий таъсир этувчи ички ҳамда ташқи омилларни таҳлил қилиб боришга жиддий эътибор қаратмоқни ҳамда банк фаолиятида келгусида юз берадиган салбий ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва бар-тараф этиш чораларини кўришни тақозо этади¹⁵⁷.

Илмий манбаларда тижорат банкининг ликвидлилик рискин борасида турли ёндашувлар ва қарашлар учрай-

156 Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Тошкент, 2017 й. 7 февраль.

157 А.Я. Абдуллаев. Тижорат банкларининг ликвидлилик рискинни бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш, №7(115)-2017, 30.07.2017. (www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/49804-tijorat-b...ni-takomillashtirish)

ди. Хусусан, Ю. В. Коновалованинг фикрича, ликвидлилик rischi—бу кредиторлар ва омонатчиларнинг талабини ўз вақтида ва тулиқ таъминлаш мақсадида ликвидли ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган молиявий активларнинг тулов маблағларига ўз вақтида айланиш зарурияти юзага келганда зарарнинг пайдо бўлиш эҳтимолидир¹⁵⁸.

К.К.Филиманованинг фикрича, ликвидлилик rischi – бу банк томонидан ўзининг активларини шартномада кўрсатилган тулов маблағларини етарли миқдорда ёки минимал миқдорда чиқим қилиш натижасида имкониятнинг тез суръатда йўқолиши ёки талаб қилинган мажбуриятларни тулаш учун қўшимча пул ресурсларини жалб қилиш эҳтимолидир.

Дж.Синки ликвидлилик riskини миқдорий риск билан нарх riskидан иборат деб таҳлил қилади. Муаллиф миқдорий риск – бу активлар riskи, активлар ёки маблағларнинг келишув баҳосида бозорда сотилиши ва сотиб олиниши; нарх riskи – бу бозорнинг ўртача баҳосидан ёки баланс баҳосидан фарқ қилувчи нарх бўйича ликвидлик воситаларини сотиб олиш ёки сотиш жараёнида юзага келадиган riskдир деб эътироф этади.

Саттаров О.Б. “Ликвидлилик riskи – бу мижозларнинг депозит мажбуриятлари ва кредитларга бўлган талабларини бажаришда жалб қилинган маблағларнинг етишмовчилик муаммоси” мазмунидаги фикрни қўллаб-қувватлайди. Иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг ликвидлилик riskини бошқариш усуллари-нинг моҳияти ва уларнинг турлари хусусида турлича фикрлар ва мулоҳазалар мавжуд. Бироқ уларнинг шакли турли-туман бўлса-да, мазмунан ягона мақсадга қаратилган.

¹⁵⁸ Коновалова Ю.В. Ликвидность как основной фактор финансовой стабильности коммерческого банка. Дис. на соис. учен. степ. канд. эк. наук. Ростов-на-Дону, 2003.

Тижорат банкларининг ликвидлилик рискни бошқаришдаги асосий қоидалар қуйидагилардан иборат:

1) банкда ликвидлилик рискининг юзага келиш зарурлигини англаш. Банк томонидан ликвидлилик рискининг юзага келиш манбаларини тулиғича бартараф этишда жавобгарликни ҳис қилиш ҳамда мазкур рискнинг пайдо бўлишига йўл қўйганлигини англаб етиш лозим.

2) банкда ликвидлилик рискининг бошқарувчанлиги. Банк томонидан ликвидлилик рискининг бошқарувчанлиги қабул қилинади ва у бошқаришга лаёқатли бўлганлиги сабабли бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали ликвидлилик рискни минималлаштиради.

3) банкда ликвидлилик рискни миқдорий баҳолаш. Банк ликвидлилик рискининг юзага келишини баҳолашга доир ички меъерий ҳужжатлар ва усуллар ёрдамида ликвидлилик рискининг юзага келишини баҳолаш имкониятига эга. Мазкур рискнинг юзага келишини баҳолашда ликвидлик рискни минималлаштириш мақсадида якуний бошқарув қарорларини қабул қилишда миқдорий белгиларга эга бўлиши лозим.

Маълумки, ликвидлилик рискни бошқариш усуллари ички ва ташқи омиллар таъсирида тизимли ҳамда стихияли равишда ривожланиб боради. Хусусан, банк операциялари ва хизмат курсатиш турларининг ортиб бориши, молиявий инструментларнинг кенг куламда қўлланилиши, шунингдек, кредит муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ликвидлилик рискларини бошқариш усулларининг шаклланиб боришига сабаб бўлди.

Фикримизча, ликвидлилик рискни бошқаришни тизимлаштириш ва уни урта бўғинга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда биринчи бўғинга ликвидлилик рискни тартибга солувчи ташкилий асосларни киритиш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда ташкилий асослар таркибига "Ўзбекистон Республикасининг Марказий

банки”, “Банклар ва банк фаолияти” тўғрисидаги қонунлар, Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган меъёрий ҳужжатлар мажмуини киритиш мумкин. Иккинчи бўғинга эса “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки” тўғрисидаги Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ, тижорат банкларининг ликвидлилик рискинни бошқариш билан боғлиқ бўлган иқтисодий меъёрларни киритиш мумкин.

Халқаро Базель қўмитаси ҳар бир банк учун ликвидлилик рискинни бошқариш самарадорлигини ошириш ва банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида “Ликвидлилик риски ва унинг назоратини самарали бошқариш тамойиллари”дан фойдаланишга доир тавсияларни таклиф этди¹⁵⁹. Мазкур тамойиллар жаҳон молиявий инқирози шароитида юзага келган ўзгаришлар асосида ликвидлилик рискинни бошқаришнинг дунёдаги банклар тажрибасига асосланади. Ликвидлилик рискинни самарали бошқариш биринчи даражали муаммолардан бири, чунки алоҳида банкда ликвидлиликнинг етишмаслиги бутун тизимга таъсирини ўтказиши мумкин.

